

ГУЛИСТОН

12
1989





Фаргона анорлари.

Г. Пун сурати

Тарвузхўрликнинг ўзгача гашти бор.

Р. Шагаев сурати





№ 12 (478)


Декабр

1989

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
нашриёти

Қаҳрамон она Муборак Сайдова Қўйтош руда конининг
лабораториясида 30 йилдан буён меҳнат қилади.

Р. Нурибоев сурати



Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:
Сарвар АЗИМОВ,
Баҳодир АМИНОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Наримон ИБРОҲИМОВ,
Уктам МИРЗАЕР,
Эргаш МУҲАММАД
(масъул котиб),
Шомурод СИДДИҚОВ,
Саидмаҳмуд УСМОНОВ,
Азиз ҚАЮМОВ,
Оқилжон ҲУСАН
(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаввир
Т. Саъдулла
Саҳифаловчи
М. Абдуллаев
Корректор
З. Турсунов

«Гулистон» — ежесечный, общест-
венно-политический, литературно-ху-
дожественный журнал ЦК КП Уз-
бекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳар-
р — 33—35—20; бош муҳаррир
ўринбосари — 33—35—90; масъул
котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиё-
сий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва
санъат, фан ва маданият бўлим-
лари — 33—36—59; мусаввирлар бў-
лими — 32—58—77.

Адресимиз: 700000, Тошкент —
П. Ленин кўчаси, 41.

БУ СОНДА:



Сулаймон АЗИМОВ:

...ҳар дақиқа тинч аҳоли бошига
мушт ўқталиб дағдаға қилишарди,
катта-кичик баравар саросимага тушар-
ди. Шундай аҳволни кўз ўнгингизга
келтиринг, ким гуноҳкор, кимнинг айби
бор — ҳеч нарсани ажратиб бўлмасди.



Аҳмад АЛИЕВ:

Дунёда ҳаётдан бевақт кетганлар, но-
ҳақликдан, зулмдан қурбон бўлганлар
кўп. Тирик қолганлар орасидаги соф-
дил кишиларгина уларни ҳурмат билан
эсга оладилар. Зотан, аждодлари руҳи-
га, маънавий хазинасига эҳтиром билан
қараш — юксак онглилик ва маданият-
лилик белгиси.



Абдул ЖАЛИЛ:

Оқибат не бўлди? «Сийланган, дуркун» —
Хамирдек ийланган ерлар — қақрайди.
Ва далада ўсган болалар бул кун
Суюги қотмасдан қартайди.

Ўзбекистон Совет Социалистик



ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ҲАҚИДА

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Социализми, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқларнинг миллий ва байналмилал ўзлигининг ўсиши миллий тилларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ушбу Қонун ўзбек тилининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг бутун ҳудудида (майдонида) давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ўз заминида тилга оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ССР ҳудудида яшовчи барча граждaнлар, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар тенгдирлар.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилларини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига монелик қилмайди.

Ўзбекистон ССР граждaнларининг республика давлат тилини, СССР халқлари тилларини ҳамда чет тилларни ўрганишга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ушбу Қонун норасмий муомалада, ҳарбий қисмларда ва диний маросимларда қўлланадиган тилларга тадбиқ этилмайди.

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССР ҳудудида рус тилини СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади.

Миллий ва рус, рус ва миллий тилларда мулоқот қилишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилади.

Ўзбекистон ССР ўз ҳудудида яшаб турган барча миллат ва элатлар тилларининг эркин амал қилишини таъминлайди, ушбу тиллар равнақ топиши, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиниши учун тегишли шароит яратади.

2-модда. Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Ўзбекистон ССР давлат тилининг равнақи, қўлланиши ва муҳофазасини ҳар томонлама таъминлашга оид барча масалалар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳуқуқий доирасига киради.

Ўзбекистон ССР мустақил ва тенгҳуқуқли республика сифатида ўз ҳудудида тилга оид ҳар қандай масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

3-модда. Ўзбекистон ССРда яшайдиган ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан таклиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожаат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади. Граждaнларнинг бошқа тилларда ҳам мурожаат этиш ҳуқуқлари, давлат тили ва миллатлараро муомала тилида жавоб олиши имконияти таъминланади.

4-модда. Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органи раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт.

Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини билмайдиган граждaнларга республика давлат тилини бепул ўргатиш ва ўқитишни таъминлайди.

5-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органи фаолиятида, съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар республиканинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади.

Меҳнат коллективларида мажлислар давлат тилида, шунингдек, мажлис аҳли танлаган тилда олиб борилади.

Мажлис иштирокчилари истаган тилда сўзга чиқишлари мумкин: уларнинг нутқлари мажлиснинг иш тилига таржима қилинади.

Ўзбекистон ССРда ўтказиладиган, халқаро, умумиттифоқ ва республикалараро симпозиумлар, конференциялар, кенгашлар ва мажлисларда республика давлат тили ва мажлис аҳли танлаган тил қўлланилади.

6-модда. Ўзбекистон ССР Олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлари республика давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон этилади.

Расмий нашрларда уларнинг рус, қорақалпоқ, тожик, қозок, қирғиз, туркман ва бошқа тиллардаги таржимаси берилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

7-модда. Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тилида юритилади.

Меҳнат аҳлининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тили билан бир қаторда рус тили ёки бошқа тилларда ҳам олиб борилади. Бундай корхоналарнинг рўйхати халқ депутатлари район, шаҳар советларининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

Умумиттифоқ тасарруфидаги корхоналарда иш республика давлат тили билан бир қаторда рус тилида ҳам юритилади.

8-модда. Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари республика давлат тилида, шунингдек миллатлараро муомала тилида тайёрланади, республикадан ташқарига жўнатиладиган ҳисобот ва молия ҳужжатлари эса рус тилида ёки тегишли томонга мақбул тилда ёзилади.

9-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув

Республикасининг ҚОНУНИ

ДАВЛАТ ТИЛИ



органлари умумиттифоқ ташкилотлари билан муносабатларда миллатлараро муомала тилини қўллайдилар.

Иттифоқдош ва автоном республикалар, шунингдек хорижий давлатлар билан бўладиган алоқаларда тарафлар учун мақбул тил қўлланади.

10-модда. Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек, қорақалпоқ тилларида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат ҳакамлиги маҳкамаларида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда ўзбек тили қўлланилади. Зарурат бўлганда хўжалик низолари миллатлараро муомала тилида ҳам қараб чиқилиши мумкин. Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда ҳам миллатлараро муомала тили қўлланилади.

11-модда. Ўзбекистон ССР давлат нотариал идораларида, халқ депутатлари шаҳар, қишлоқ ва қўрғон советлари ижроия комитетларида нотариал ишлар республика давлат тилида юритилади. Мурожаат этувчи киши талабига кўра, расмийлаштирилаётган ҳужжатлар матни давлат нотариуси томонидан ёки нотариал ишни бажараётган бошқа мансабдор шахс томонидан рус тилига ёки имконият доирасида унга мақбул тилга таржима қилиб берилади.

12-модда. Ўзбекистон ССРда гражданлик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаходатномалар республика давлат тилида ёзилади, миллатлараро муомала тилида таржимаси такорланади.

13-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи гражданларга ўқишда тилни эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР ўз ҳудудида республика давлат тилида, шунингдек рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ, қирғиз, туркман тилларида ҳамда республикада зич яшайдиган бошқа миллатларнинг тилларида умумий ўрта маълумот олишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда мавжудлари билан бир қаторда ўзбек тилида, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса уларнинг тилида мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини очиш таъминланади.

14-модда. Ўзбекистон ССРнинг ҳунар-техника билим юртлиларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртлиларида, улар қайси маҳкама ихтиёрида бўлишидан қатъи назар, республика давлат тилида, шунингдек рус тилида, шароитлар мавжуд бўлган жойларда бошқа тилларда мутахассислар тайёрлаш таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат тилида, шунингдек, миллатлараро муомала тили ва республикада қўлланилаётган бошқа тилларда ҳам мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таъминланади.

15-модда. Ўзбекистон ССР дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртлиларининг ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртлиларининг

дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва гуруҳларида ўзбек тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди, бу фандан битирув имтиҳонлари топширилади.

Ўзбекистон ССР дарслар рус тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртлиларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртлиларида рус тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди. Бу фандан битирув имтиҳони топширилади.

16-модда. Араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзувини ўзбек умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртлиларининг дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимларида ўқув плани фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади. Ўзбекистон ССРда бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имконият яратилади. Бунинг учун тегишли илмий педагогик кадрлар ва дарслик ҳамда методик ўқув қўлланмалари тайёрланади, қадимий ўзбек ёзувида адабий-тарихий ёдгорликлар, китоблар ва журналлар нашр этилади.

17-модда. Ўзбекистон ССР республика давлат тилида, шунингдек миллатлараро муомала тилида дарсликлар, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар нашр этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда бошқа республикалар билан муайян шартномалар тузган ёки келишган ҳолда рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда ўқитилмайдиган мактаблар дарсликлар, ўқув-методик, бадий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминланади. Шунингдек, қардош республикаларда яшайдиган ўзбекларини ўзбек тилидаги ўқув-методик, бадий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминлайди. Ўзбекистон ССР республикадан ташқарида ҳам ўзбек тилини асраш ва ривожлантиришга, маориф ва маданиятни тараққий эттиришга ёрдам беради.

18-модда. Ўзбекистон ССР илм-фаннинг ҳамма соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш учун лозим бўлган барча шарт-шароитни яратиб беради. Республикада илмий ишни ўзбек тилида тақдим этиш, ҳимоя қилиш ва нашр қилиш ҳуқуқи таъминланади. Республикада илмий асарларнинг рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ ва бошқа тилларда ёзилиши, нашр этилиши ва ҳимояга қўйилиши мумкин.

19-модда. Ўзбекистон ССРда ўзбек халқининг илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади.

Ўтмишнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий, адабий-бадий, маданий ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш учун ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликлари асл нусхада нашр этилиши таъминланади, шунингдек рус ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинади.

20-модда. Ўзбекистон ССРда чиқадиغان китоблар, газета ва журналлар, даврий хабарномалар асосан давлат тилида нашр қилинади. Шунингдек, адабий ва даврий нашрлар эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда рус тили ва бошқа тилларда ҳам чоп этилади.

Телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари асосан республика давлат тилида олиб борилади. Шунингдек,

эшиттиришлар рус тилида ва Ўзбекистон ССР ҳудудида зич яшовчи бошқа миллатларнинг тилларида ҳам тайёрланади ва олиб борилади.

Марказий телевидение ва умумиттифоқ радиоси кўрсатув ва эшиттиришларини олиб бериш таъминланади.

21-модда. Ўзбекистон ССРда сценарийлар, фильмларни ва бошқа томошабоп асарларни республика давлат тилида ҳамда миллатлараро муомала тилида яратиш таъминланади. Бошқа иттифокдош республикадан, чет эллардан олинган кинофильмлар, сахна асарлари ва бошқа томошабоп асарлар ўзбек ва рус тилларига таржима қилинади.

22-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳрлари, тамгалари ва иш қоғозларининг матилари республика давлат тилида бўлади, русча таржимада такрорланади.

Миллий-маданий жамиятлар ва марказларнинг муҳрлари, тамгалари ва иш қоғозларининг матилари улар танлаган тилдан ташқари республика давлат тилида бўлиши шарт.

Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот воситалари республика давлат тилида ёзилади ва эълон қилинади ҳамда рус ва бошқа тилларда такрорланади. Ўзбекистон ССР корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ёрлиқлари, корхона белгилари, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўзбек тилида ҳамда миллатлараро муомала тилида бўлиши таъминланади.

Мамлакатнинг бошқа республикаларидан ёки чет эллардан келтирилган маҳсулотни савдо идоралари ва ташкилотлари ўзбек тилида ва миллатлараро муомала тилида битилган йўл-йўриқлар билан таъминлаши лозим.

23-модда. Ўзбекистон ССРда почта, телеграф хабарлари гражданларнинг хоҳишига кўра республика давлат тили ёки рус тилида расмийлаштирилади.

24-модда. Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва жўгрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади.

СССРдаги ва хорижий мамлакатлардаги барча жўгрофий номлар ўзбек миллий-тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўзбек тилида рақам этилади.

Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

25-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи гражданлар милла-

тидан қатъи назар ўз исмини ёки бир неча ота исми ва фамилиясини (бир ёки бир неча) тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларини ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда, айтиш чоғда, дунёга машҳур кишиларнинг ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади.

Исмлар, ота исми ва фамилияларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилади.

26-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи барча миллатлар миллий-маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оз сонли миллий гуруҳлар учун ҳам ўрта умумий таълим мактабларида ўз она тилини ўрганишга шароит яратилади.

27-модда. Ўзбекистон ССРда давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш таъқиқланади. Мансабдор шахсларнинг республика давлат тилини ёки миллатлараро муомала тилини билмасликни рўқач қилиб, таклифлар, аризалар ва шикоятларни олишдан ёки кўриб чиқишдан бош тортиши ман этилади; гражданларнинг ўзаро муомала, таълим-тарбия ва ўқиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир бўлса, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунлари белгилаган тартибда жавобгарликка тортилади.

28-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув муассасаларининг, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзларига тобе соҳа доирасида ушбу Қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгардирлар.

29-модда. Давлат тили расмий амал қилинадиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг мавжуд илмий қонун-қондаларига тўла риоя этилади.

30-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ҳақидаги мазкур Қонуннинг турмушга тадбиқ этилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Доймий тил комиссияси зиммасига юкланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1989 йил 21 октябрь

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИ 75 (ПРИМ) — МОДДА БИЛАН ТЎЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни) куйидаги мазмундаги 75 (прим) — модда билан тўлдирилсин:

«75 (прим) — модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида давлат гамхўрлигини амалга оширади ва унинг давлат ҳамда жамоат органларида, маданият, маориф ва бошқа муассасаларда қўлланишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда тенгҳуқуқлик асосида мазкур органларнинг барчасида рус тилининг миллатлараро муомала тили сифатида, шунингдек Ўзбекистон ССРда яшайдиган СССРнинг бошқа халқлари тилларининг эркин қўлланиши таъминланади.

У ёки бу тилларни қўллашда бирон бир имтиёз ёки чеклашларга йўл қўйилмайди».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1989 йил 21 октябрь

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУННИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади.

I. Қонуннинг қондаларини жамият турмушининг ҳамма томонларига босқичма-босқич жорий этиш мақсадида белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 4,7 ва 8-моддалари 8 йил давомида, 5 ва 24-моддалари — 3 йил давомида, 16-моддаси — 1991/1992 ўқув йилидан кучга киради, 22-моддаси 1991 йилдан амал қила бошлайди.

Қолган барча моддалар Қонун қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети олти ойлик муддат ичида «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини амалга ошириш юзасидан давлат программасини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини мазкур Қонун билан мувофиқлаштириб чиқиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1989 йил 21 октябрь

Жуманиез ЖАВБОРОВ

**ҚОРА ДЕНГИЗДАН
ИЛТИМОС**Оролдан хабар ол, буюк Қоражон,
У бечора фалаж ҳам рамақдажон.Етгил шамолларинг, авжларинг билан,
Эркин долғаларинг, мавжларинг билан.Майли, бурмасанг-да унга йўлингни,
Далда бер, кўнглин ол, узат қўлингни.Сен унга опасан ё балки ака,
Қолдирма Оролни, азизим, якка.Ҳазарсиз, Байкалсиз — битта жигарсиз,
Наҳотки, тақдирга бўйин эгарсиз.Денгиз билан денгиз ва тоғ билан тоғ,
Одам билан одам бирлашмаган чоғ —Муқаррар фалокат юз бергуси боз,
Елғизни бўри ер деганлари рост.**ЭНГ ҚИЙИН ЙЎЛ**Вақт деган мўъжиза шунчалар қодир,
Гоҳ унга пайвастан, гоҳ жангга шайман.
Дейлик, 1989 бўлса йил ҳозир,
Истасам, 2089 йилда яшайман.Керак бўлса қайтиб қадим-қадимга,
Олис асарлардан ола билгум роз.
Не-не тарих сиғар менинг ҳаддимга,
Не-не уфқларга этурман парвоз.Тездир елдиридан мендаги хаёл,
Яна тафаккур бор қуёшча порлоқ...
Буларнинг барчаси қолур ожиз, лол,
Қийин... юрагингга йўл топиб бормоқ.**ДЕНГИЗ, ТОҒ, ВОДИЙ**Бир томонда ҳайбатли Тоғ,
Бир томон Денгиз эди.
Ўрта Водий яшил-яшноқ,
Манзара тенгсиз эди.Денгиз деди: — Бу яшиллик
Менинг самарим эрур.
Тоғ дедик: — Асли менинг
Пушти камарим эрур.Денгиз деди: — Обу ҳаво
Мендан эрур, менга хос.
Шўх-шўх эсган майин сабо,
Шудринглар мисли олмос.Япроқларнинг хурсандлиги,
Яшилликнинг ҳаммаси —
Меникидир, мендан ҳосил,
Дунё билар, чамаси.Тоғ дедик: — Мен бўлмасам
Бўлмасди бу сўзинг ҳам.
Миллиард йиллик меҳнатимдан
Барпо бўлдинг ўзинг ҳам.Денгиз деди: — Мен буғланиб
Гар қор бўлиб ёғмасам,
Бошинг узра булутларни
Егин қилиб соғмасам.Қайда эди кўксинг узра
Бунча музлик дафъатан?
Демак, билки, яшил Водий
Энг аввало менга тан.Бу гапларни тинглаб Водий
Камтарона олди сўз:
— Иккингишга минг-минг
раҳмат,

Сизлар гўё қошу кўз.

Ардоғингиз, меҳрингиздан
Шундоқ яшнаб турурман.
Агар бу хил талашсангиз
Мен хазондай курурман.Бу гаплардан Тоғу Денгиз
Бошни қашлаб қолдилар.
Бир-бирига меҳр билан
Яна нигоҳ солдилар.**ҲАҚИҚАТ**Ҳозир газеталар шу қадар қизгин,
Журналларни қўлдан қўйиб бўлмайди.
Уларнинг ҳар сатрин, ҳар бир чизигин
Англаб етмагунча кўнгил тўлмайди.Ҳақиқат юзидан сурилди парда,
Бир четин кўрсатди буюк Ҳақиқат.
Бутун қиёфасин очса агарда,
Портлаб кетса керак бахтдан бу хилкат.

* * *

Куйлайвергим келар
Нурни, гулларни,
Лекин зулмат кечалар ҳам бор.
Куйлай десам кенглик,
Ойдин йўлларни,
Лек тангу тор кўчалар ҳам бор.Куйлайвергим келар
Бахту баҳорни,
Бахтсизлик бор, аёз бор бироқ.
Бу икки зиддият
Тутар ашъорни,
Дарёга ҳам керак қўш қирғоқ.**ИМТИҲОН**Имтиҳон фасли-да,
Боқмагил қаён:
Метрою трамвай, боғу хиёбон,
Студент олами ўқиш билан банд,
Ҳамманинг фикрида: эрта имтиҳон!Китобга шўнғиган жонларга қаранг,
Нигоҳлар ҳарфларда, асаблар таранг,
Ўқишдан иборат гўёки олам,
Тафаккур қўйнида буткул ёш-яланг.Унутдир вақтинча умр китоби,
Музқаймоқ, киною рақс гирдоба...
Бағрига ҳаммани олган тамоман
Имтиҳон аталмиш фасл шитоби.Ва лекин ҳаммиша ҳаёт безавол,
Китобни ланг очиб қўйиб... бемалол
Бир-бирин кўзига боқиб икки ёш
Этур муҳаббатдан ширин арзи ҳол.Бу ҳам бир имтиҳон. Балки энг вазмин,
Синов этар инсон мазмуни, азмин.
Шиддатли шу синов борким, кўзларга
Мангу ардоқлидир бу она замин.

* * *

Воқеалар бормоқда қаён,
Қаён борур бу ола-ғовур?
Токи мақсуд бўлгунча аён,
Бир чеккада хушёр боқиб тур.
Қўл урмагил жумбоқ мавзуга,
Яхшиси, ёз газал, дейдилар.
Жилов ургил учқур орзуга,
Кутиб турмоқ афзал, дейдилар.
Емон — ўтга ўзингни тутиш,
Яхши — сабр, эҳтиёт, кутиш...
Токи шундоқ фалсафамиз бор,
Оёқости бўлаверар ор.**ЖАВОБ**Сен ҳакамсан,
Бегард, беноқсон,
Ҳақиқатга ақлинг тарозу.
Гўё якто билимдон инсон,
Юз мингларга ибрат ва орзу.
Айтган-айтган,
Деганинг-деган,
Кўпни қамраб, кўпни улгуриб.
Арастулар сенга не экан,
Баҳо айтсанг, тамғалар уриб.
Ажратасан
Гўё бир зумда
Нима оқу қораси нима.
Сен ҳаммиша ўткир ҳужумда,
Уфқларга интилган кема.
Минбарларни ишғол этган зот,
Адолатга энг содиқ қалқон —
Сен ўзингсан! Сен демак — Ҳаёт!
Бошқа барча талқинлар ёлғон...
Яхшиямки,
Бўлмагай қарам
Сенга
Илҳом — минг жилоли ёз.
Айтганингга юрсайди қалам,
Бир уюм чирк бўларди қоғоз.

* * *

Йил ҳосил бўлади дақиқалардан,
Томчидан — дарёлар, зарралардан — тоғ,
Бездим майда-чуйда ҳақиқатлардан,
Менга ҳақиқатнинг ўзин бер, ўртоқ.

САВОД ИСТАБ...

Сўнги йилларда ошкоралик туфайли матбуотда жуда кўплаб мунозарали фикрлар пайдо бўлмоқда. Улардан бири: «Инқилобгача жумҳуриятда аҳолининг 2 фоизи саводли бўлган», деган фикрдир. Бизда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган И. Абдуллаевнинг (1989 йил, 5 май) ҳамда Тоҳир Қаҳҳорнинг (1989 йил, 10 феврал) мақолаларида баён этилган фикрлари катта таассурот қолдирди. Дарҳақиқат, ўша даврда мачит ва мадрасаларда таълим олганлар, араб алифбосида ўқиш ва ёзишни биладиганлар инқилобдан сўнг саводсизлар деб аталди. Ваҳоланки улар ҳозирги айрим «саводлилардан» устун эди. Улар ўзларигача бўлган классик адабиёт намуналарини ҳам, муҳандислик, тиббиёт илмини ҳам жуда яхши билганлар. Бедални ёд ўқиганлар. Мир Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Бобур, Машраб... каби Шарқ алломаларига ихлослари баланд бўлган, тарих ва фалсафада беназир баҳслашганлар. Афсуски, жумҳуриятимизда ёзув алифбосининг бир неча бор ўзгартирилиши инқилобгача бўлган маданий меросимизни қалин пардалар орқасида қолдирди. Эндиликда ўша пайтда қилинган хатоларни тuzатиш, кеч бўлса ҳам эски ўзбек тилини ўрганиш, уни мактабларда ўқитилиши шартлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилмоқда. Шахсга сиғиниш туфайли ажралиб қолган алифбозимизни қайта тиклаб, ота-боболаримиз томонидан яратилган меросни ўрганишда ёш авлодга ёрдам қилишимиз керак.

Мамлакатимизда граждандар уруши, чет эл интервентларининг босқинчилик ҳаракатлари давом этаётган бир паллада 1919 йил 26 декабрда В. И. Ленин имзоси билан «РСФСР аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида» декрет эълон қилинган эди.

«Республиканинг барча аҳолисига мамлакат сиёсий ҳаётида онгли иштирок этиш имкониятини бериш учун, — дейилган эди мазкур декретда, — Халқ Комиссарлари Совети шундай қарор қабул қилди: 1. Республиканинг 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган ўқиш ва ёзишни билмаган барча аҳолиси ихтиёрий равишда ўз она тилида ёки рус тилида ўз саводини чиқариши мажбурийдир...»

Ушбу ленинча декрет юз минглаб нусада нашр қилиниб, бутун мамлакатга тарқатилди. Ишлар қизиқ кетди. Саводлилик учун кураш бошланди. Ҳамма жойда, ҳар хил шароитда: мактабларда, клубларда, казармаларда, ҳатто жанглор оралиғидаги танаффусларда, қоровулда турганда ҳам шу иш билан шуғулланишди. Мактаблардан ташқарида «саводсизликни тугатиш пунктлари» тузилди. Уларда 3 ой мобайнида ўқиш, ёзиш ва ҳисоб ўрганилар эди. Кейинроқ 2 синф ҳажмида илм берувчи ўқув плани асосида 10 ойлик курс — савод мактаблари ташкил этилди. Бундан ташқари тўлиқ бошланғич мактаб таълимини берадиган «чала саводлилар» мактаблари ҳам ишлаб турди.

1930 йил 25 июлда ВКП (б) МК «Умумий мажбурий бошланғич таълим тўғрисида» қарор қабул қилди. Партия бу ишга барча коммунистларни, совет ходимларини, касба союз ва комсомол ташкилотларини, зиёлиларнинг кенг оммасини, саводли ишчи ва деҳқонларни сафарбар этди. Бу ҳаракат оммавий тус олиб, умумхалқ ҳаракатига айланди.

Партиянинг мактаб таълими соҳасидаги бу сиёсати Советлар Туркистониди қандай

амалга оширилди? Умуман мана шу сиёсат ўзини оқладими? Бундан кейинги мушоҳадалар мана шулар ҳақида бўлади.

Шундай қилиб, 1930 йилдан умумий мажбурий таълимга ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Кейинчалик, урушдан олдин етти йиллик таълим жорий этилиб, 50-йилларнинг ўрталарида етти йиллик таълимга ўтиш асосан тугалланди.

Бироқ, шуни тан олиш керакки, 30-йиллардан бошланган шахсга сиғиниш, маъмурий-буйруқбозлик услуби, 50-йиллар охири, 60-йиллар бошидаги волонтаризм, субъективизм, 70-йиллар ва 80-йиллар бошидаги турғунлик даври салбий ҳолатлари мактабларимиз тараққиётига, умуман аҳолининг савод ўрганиш даражасига салбий таъсир этди. В. И. Ленин ҳаётлигида асос солинган мактабнинг демократик негизларига қарши ҳужум бошланди. Мактабда «большевиктик тартибларни» ўрнатиш учун олиб борилган кураш амалда ёш авлодни тарбиялаш ишига путур'етказди, натижада болаларга катталарнинг хоҳиш-иродасини ва талабларини итоттўйлик билан бажарувчилар деб қараладиган бўлди. Ўша даврда амалга оширилган қатагонларни оқлаш учун матбуот ҳар кун янги-янги материаллар босиб чиқардики, «халқлар отаси»нинг номи кундан-кунга кўкларга кўтарилди. Мактаб фанларининг ҳаммаси Сталин руҳида олиб борилди. «Партия ва шахсан ўртоқ Сталин кун сайин болаларга, мактабга бўлган ҳақиқий муҳаббат ва ғамхўрлик намуналарини кўрсатишмоқда. Сталиннинг қўлида пионер қизча билан тушган тасвири бизда партиянинг совет болаларига бўлган меҳр-муҳаббати тимсоли бўлиб қолди», — деб ёзган эди «Правда Востока» газетаси ўзининг 1940 йил 30 июн сониди. Бу сўзлар «буюк дохий»нинг образи янада ёрқинроқ бўлиши учун битилган сўзларнинг биргинаси эди, холос. Таълим-тарбия ишида шу хилдаги расмиятчиликнинг кучайиши саводсизликка олиб келган эди.

Янги шароитда педагогика фанининг жаҳон миқёсидан орқада қолганлиги, аниқ назарий тавсияларнинг йўқлиги, педагог олимлар билан амалий иш олиб борувчилар ўртасидаги алоқанинг сустилиги сабабли қийинчиликлар ва ҳатто янглишилар юз берганлиги маълум бўлиб қолди. Моддий база йўқ эди, меҳнат ўқитувчиларининг атиги 3—4 фоизигина олий маълумотли бўлгани ҳолда, асосий эътибор меҳнат таълимига қаратилган эди. Кўп жойларда ўқувчиларни ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган касбларга ўргатиш кенг авж олди. Айниқса қишлоқ мактабларида меҳнат таълими, касба ўргатиш дарслари ўрнига ўқувчилар мактаб ёнидаги пахта даласида чопиқ, яғана қилиш, пахта теримига ёрдам бериш ишлари билан шуғулландилар.

Айниқса турғунлик йилларида ёш авлодга билим бериш соҳасида жуда мушкул қийинчиликларга учради. Бу даврда партия ташкилотлари ва таълим-тарбия ходимлари мактаб тармоғининг жамоатчилик хусусиятини амалда тўлиқ ҳаётга тадбиқ эта олмадилар. Таълим-тарбия ишида айрим педагоглар ва халқ таълими идоралари расмий мезонларгагина ёпишиб олиб, амалий ишга эътиборни сусайтириб юбордилар. Таълим билан тарбия ўртасида муайян узилиш пайдо бўлди. Ўқувчиларга меҳнат тарбияси беришда расмиятчиликка йўл қўйилди, бу тарбия ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиядан ажратилган ҳолда олиб борилди.

Ийгирма йил муқаддам мактаб ўн йиллик

умумий таълим йўлига ўтди. Бу ғоянинг ўзи яхши, илғор ғоя эди, бироқ у на илмий, на методик, на иқтисодий, на маънавий жиҳатдан тайёрланганди. Шиор ташланди ва маъмурий буйруқбозлик шароитида реал воқелик мана шу шиорга мослаштирила бошланди. Ўқитувчи баҳоларни «зўрма-зўраки» қўйишга, кўзбўямачилик қилишга мажбур бўлдики, унга бугунги кунда ҳам шундай айбларни қўймоқдалар. Бу даврда қобилиятли ўқувчига ҳам, қобилиятсизига ҳам ўрта таълим олганлиги ҳақида аттестат берилверди, оқибатда билимнинг обрўси пасайиб кетди. Турғунлик педагогикаси халқ таълимини бошидан охиригача қамраб олиб, даврга мос одамларни ярата бошлади. Брежневчилик маддоҳлари педагогикада жамики янги, илғор нарса юзага келса, уни илк давридаёқ бўғиб ташладилар, новатор-олимларга, илғор педагогик фикрларга ғов бўла бошладилар.

Ўқувчиларнинг яқин-яқингача ҳам пахта теримига жалб этилиши мактабдаги таълим-тарбия жараёнига, айниқса, салбий таъсир кўрсатди. Москвадаги Октябрь инқилоби номи Марказий Давлат архивида ҳужжатларни варақлаётим, шу нарсанинг гувоҳи бўлдим: 1970—1980 йиллар мобайнида жумҳуриятимиз мактабларининг ўқувчилари 23 ойдан кўпроқ муддат пахта терими билан банд бўлишган. Демак, улар 10 йил ўрнига 8 йилдан кам ҳажмда мактаб таълимини олганлар. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, билим савияси пасайган.

Педагоглар билим ва малакасининг пастлиги ўқувчилар билим савиясини янада пасайишига олиб келди. Масалан, биргина 1984 йилда олий ўқув юртларига ҳужжат топширган 74 минг кирувчидан 38 минг нафар йигит-қизгина имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Медаллар билан битирган ёшларнинг 32 фоизигина ўзига берилган юксак баҳони оқлади («Учитель Узбекистана», 1985 йил, 22 май).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мактабларимизда бундай бузилиш ҳолатларининг вужудга келиши ва тараққиёти этишида халқ маорифи муассасаларининг иқтисодий жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги ҳам сабаб бўлди. Шу боисдан ҳам СССР халқ маорифи ходимларининг съезида (1988 йил) мактаб ва ўқитувчиларнинг иқтисодий аҳволи масаласи жуда қаттиқ жаранглади.

Сўнги 30 йил давомида маорифимиз эҳтиёжлари учун йўналтирилган миллий даромадимизнинг қисми 10 фоиздан 7,2 фоизга қисқарди. Маорифимизнинг моддий таъминоти даражаси ишлаб чиқариш тармоқларининг молиявий таъминотидан 10 маротаба орқада қолаётир. Ўқитувчиларнинг даражасида қисқариб борди. Агар 1943 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи мамлакатимиздаги ўртача иш ҳақидан 2 баробар кўп бўлган бўлса (ўртача 330 сўм, 1-разрядли ўқитувчиларники эса 650 сўм), 60-йилларга келиб 90 фоизни, 1986 йилга келиб, бу кўрсаткич мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқларида ишловчи ходимлар иш ҳақининг ошиши ҳисобига ўртача иш ҳақининг 79 фоизини ташкил қилди. СССР халқ депутатлари съезида СССР халқ артисти Ролан Биков айтганидек, ҳозир давлатимиз томонидан мутахассис тайёрлаш учун ажратилаётган 12 минг сўмга (капиталистик давлатларда эса 80 минг доллар) фақатгина мутахассиснинг тимсолини тайёрлаш мумкин. Мана шу тариқа мактабларимизнинг иқтисодий танлиги, таъ-

лим-тарбия соҳасида салбий ҳолатларнинг вужудга келишига асосий сабаблардан бири бўлиб хизмат қилди.

Шу нарсани очиқ тан олишимиз керакки, В. И. Ленин бошлаб берган саводсизликка қарши кураш 30-йиллар бошларигача ўз ҳаракатини тўхтатмади. Кейинчалик эса биз саводлиликдан саводсизлик томон кета бошладик. Шу тарих таълим-тарбия соҳасида ленинча асосларни тиклаш ва мустақамлаш зарур бўлиб қолган эди. Шу боисдан ҳам 1984 йилнинг апрелида КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленуми мактабларни ислоҳ қилиш борасида кўрсатма берди. Аммо шошма-шошарлик, ленинча кўрсатмаларнинг айримларини ёддан чиқарганлигимиз, моддий жиҳатдан таъминланмаганлик, маҳаллий шароитлар ҳисобга олинмай хатоларни қайта такрорлаганлигимиз натижасида мактаб ислоҳоти бир жойда депсиниб қолди ва барбод бўлди. Жумладан, бизнинг жумҳуриятимизда 6 ёшлилар учун шароитнинг йўқлиги, ЭҲМсиз компьютер дарсларининг олиб борилиши, оила этикаси ва психологияси борасида қўлланмаларсиз иш юритиш, ўқитувчиларимиз турмуш шароитида (маош ошганлигини ҳисобга олмаганда) ўзгаришлар деярли сезилмайди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил Феврал пленумида бу масала ҳар томонлама муҳокама қилинди ва хатоларимиз очиқчасига тан олинди.

Таълим-тарбия хусусида қалам тебратишимизга нима сабаб бўлди? Умуман мавжуд муаммоларни тўкиб солишимиздан мақсадимиз нима? Жамиятимизда барча соҳаларда бўлгани каби илм-маърифатда ҳам ночор аҳвол йиллар давомида ўнганмади. Айниқса бундай аянчли аҳвол кейинги ўн йилликлар даврида яққол кўзга ташланиб қолди. Бизни ташвишга солаётган нарса жумҳуриятимизнинг маориф соҳасидаги ўпирилишлардир. Умуман бу аҳволга миллий заминдан узилиб қолишимиз сабабли тушиб қолмадикмики? Ошкоралик нуқтаи назаридан ҳолис баҳо беришимиз, хато ва камчиликларимизни тан олишимиз керак.

Мактабларимизда сабоқ бериш замон талаби даражасида эмас. Дарслар фан янгиликлари билан боғланмаган. Тарих, математика, адабиёт, жўрофий сабоқлар юзакки ўтиляпти. Ўқувчилар миллий анъана, маданиятдан узилиб қоляптилар. Ҳатто пойтахтимизнинг айрим ноҳияларида маҳаллий шарт-шароитлар билан ҳисоблашмаслик ҳоллари учраб турипти. Ўқитиш рус тилида олиб борилаётган мактаблар сони кўпайгани ҳолда ўзбек болалари турар-жойларидан узоққа сабоққа қатнашптилар. Масалан, Фрунзе ноҳиясининг Шота Руставели кўчасидан аэропортга бораверибдаги катта кўприккача бўлган ўрамда бирорта ҳам ўзбек мактаби йўқ. Ота-оналар мажбур бўлганларидан фарзандларини 118-мактабга берашптилар. Рус тилидаги сабоқни ўзлаштириш мурғакларни қийнаб қўймоқда.

Биз рус тилида сабоқ берадиган мактаблар нуфузини камситмоқчи эмасмиз. Аммо таълим-тарбиянинг миллий, шаклий, сиёсий томонларига путур етмаслигини истаймиз.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, турмушимизда ҳар қадамда учраётган лаёқатсиз, ялқов, тарбиясиз, енгил турмуш кечиришга мойил, саводсиз ёш замондошларимиз ўзга сайёралардан келиб қолаётганлари йўқ. Улар шундай кўз ўнгимизда, турмуш тарзининг маҳсули сифатида намоён бўлмоқдалар.

Шундай шароитда камол топаётганлар орасидан Абу Райҳон Беруний, Ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Асир, Улугбек каби буюк аждодларимизнинг издошларини излашнинг ўзи хаёлий хаёлпарастликдир. Вақти келиб жамиятимизда саводхонлик борасида орзу қилинган даражага етганда, биз яшаётган давр саводхонлари неча фоизни ташкил қилар эканлар?!

Қўлдош ЭРГАШЕВ,
Рустам ТУРСУНОВ,
тарих фанлари номзодлари

ОНА ТИЛИМ

Мен сўзлардан сўз кутаман,
Юрагимда она тилим.
Мен сўзларга кўз тутаман,
Тилагимда она тилим.

Сўзлар менга «Сўзла, — дейди, —
Она тилинг борлигидан».
«Иқболигни кўзла, — дейди, —
Она тилинг ёрлигидан».

Она тилим — меҳру ишқим,
Марҳум отам дийдоридир.
Қалбимдаги ҳар мўъжиза
Амри билан бўлар содир.



ИТ ВА МАРЖОН

Халқ ҳикмати асосида

Ит бўйнига осдилар маржон,
«Бир беминнат хизматкор», дея.
У қувониб югурди шодон,
«Бу тухфада кўп гап бор, — дея.—
Хизматларим, ақлим зўр чоғи,
Ҳар ҳолда мен оддий ит эмас, —
Уйланди у — бундан буёғи
Энди сипо бўлмасам бўлмас».
Ит беҳуда тишин кўрсатиб,
Вовулламай тура бошлади.
Сангимоқдан ўзин тўхтатиб
Вазмин бўлиб юра бошлади.
У ўзгариб кетди чиндан ҳам
Ҳайрон этди барчани, лекин
Чидолмади суяк кўрган дам,
Кўрсатди бир очкўз итлигин.
Маржон эса зор-зор йиғларди
Ит бўйнида ўртаниб ҳар кун.
Уни доим савол қийнади:
— «Итга раво кўрдилар нечун?»

ХОРАЗМ ХАЛҚ ҚУШИҒИ

Майдон борки, марди бордир,
Инсон борки, дарди бордир.
Номардлару бедардларнинг
Юрагинда гарди бордир.

Оқ қор қора ера тушди
Ойдайн қиз нера тушди?
Нечук қисмат, бу на ёзғит,
Тулки бахти шера тушди.

Нерда сўзнинг сўнги йўқдир,
Ҳеч бир ишнинг ўнги йўқдир,
Ҳар ким билар, қуруқ гапнинг
Иссиғи йўқ, дўнги йўқдир.

Осмон маълум ои билан,
Қушлар келар қойи билан.
Бахти боғлиқ ҳар кишининг
Ўз туғилган жойи билан.

Айландим, дунё айландим,
На бир ишлара бойландим.
Мусофирлик етар энди,
Хоразмима шайландим.

Нера — қаерга
дўнги — соғуғи
қойи — муддати



Сотим АВАЗОВ

АСАЛАРИ НИМА ҚИЛСИН?

Қовоқари гингиллайди,
балки ўзин
тенги йўқ бир нотик билар.
Ҳамма уни жим тинглайди,
аммо лекин
овозини ўчиришни хаёл қилар.

Қовоқари бўла туриб
тили бўлса,
Ҳаммага пеш қилса наштарчасин
Ҳамма шунга тоқат этиб
чидаб юрса,
Асалари нима қилсин?

«БОШ» ҚОРОВУЛНИНГ ЁШ ҚОРОВУЛГА ЎГИТЛАРИ

Хумпар,
одам бўламан, десанг
ёғлиқ жойга
ташла домингни.
Кейин
қарга кутган тулкидай
аста-аста
кўтар бошингни.
Агарда сен
бирор бир ерда
паст учардай⁴
юрсанг дон чўқиб,
ҳар вақт — ҳар вақт
қийқириб тургин
каттаю кичикни
чўчитиб.
Ишқилиб,
сен қаерда бўлма,
қайда юрма
ризкинг тамшаниб,
эшшак⁵ бўлма,
ўғри деб ўйлаб
«Ешулли» зотига
ташланиб.
Тунда эса
хуррагингни чўз,
Ўғри
Тушингга ҳам кирмайди.
Лекин ўша
қўйдек ёшулли
Уйқунгга ҳам
ақча тўлайди.

Хоразм

товуқ, хўроз
ақмоқ бўлма

Ахлоқсизлик охириги йилларда жамият бошига тушган бир фалокат тусини олди. Жамиятимизда, айниқса ёшлар орасида кундан-кунга авж олаётган ахлоқсизликнинг олди олинмаса, ёмон оқибатлар келиб чиқиши ва катта фалокатлар юз бериши муқаррар.

Сўнги чорак аср давомида ёшлар орасида ахлоқ меъёрларининг бузилиш ҳоллари тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Ахлоқ мезонларига зид ҳар хил хатти-ҳаракатлар, аввало, ёшларнинг қарияларга бўлган муносабатларида намоён бўла бошлади. Бу хилдаги одобсизликларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Хусусан, шаҳар транспортларида бундай аҳвол доимо учраб туради. Ҳаммамизга маълумки, жумҳуриятимиз пойтахти транспортларида ҳаммавақт текилинч. Транспортга тушган қарияларга кўпинча ёшлар жой бўшатиб беришмайди. Утирган ёш йигит ёки қиз ўта ахлоқсиз бўлса, кўзини лўқ қилиб ўтираверади. Одобсиз, лекин озгина бўлса-да, уяти бори баҳона қилиб ё газета ёки китобга тикилиб ўтиради. Бечора қариялар транспорт кўзғалганда ёки

лик-ку, ахир! Бундай ҳолларда уят, номус, ор, қизларга хос ифбат қаёққа йўқолди, деб ачинади киши.

Ёшларимиз нега бунчалик одобсиз бўлиб қолдилар? Жамоатчилик нега кундан-кунга кучайиб кетаётган ахлоқсизликка бефарқ қараяпти? Парнографик ва видео фильмлар кўрсатиб, пул ишлаётган муттаҳамлар бизда ҳам учраётгани кўпчиликка маълум бўлса керак. Бундан икки йил муқаддам шаҳар истироҳат боғларининг бирида эркак билан аёлнинг бир-бирлари билан кучоқлашиб скамейкада ётганини кўрганим ҳали-ҳали эсимда. Бу хилдаги ёшлар ўртасида қандай қилиб ҳаққоний муҳаббат бўлиши мумкин. Уларда ўткинчи ҳирсий ҳиссиёт ва бир зумлик лаззат олиш хоҳишидан бошқа ҳеч гап йўқ, албатта. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Тоҳир ва Зухролардаги каби чин муҳаббат деб аталадиган ва юракнинг қаърида жойлашган, йигитни ҳам, қизни ҳам бутун руҳи ва вужудини банд қилиб, ҳаётга севинч ва бахт бағишлайдиган, баъзан эса муддао ушалмаган ҳолларда қайғу-ҳасратлар-

ланиб бошқаларга ибрат бўладиган даражада одобнинг юксак фазилатлари пайдо бўла бошлайди. Боғчаларда, айниқса, мактабларда ёш ўсмирларни ахлоқли, инсофли қилиб, ота-оналарини, умуман, ўзидан катта ёшдагиларни иззат-ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, уларга программа доирасида билим беришдан ҳам муҳимроқдир. Чунки биронта фаннинг бир қисми камроқ ўргатилган бўлса, унинг чаласини кейин тўлғазиш мумкин. Аммо ёшлар ахлоқ меъёрлари талабига жавоб берадиган даражада тарбияланмасалар, кейин уни тузатиб бўлмайди.

Утган йили Тошкентда бузуқ аёлларни тўплаб, уларга тегишли шароит яратиш, кўчада саёқ санқиб юрган эркакларга қўшмачилик қилишни касб қилиб олган бир аёл устида шовшув гап тарқалди. У аёлни қамоққа ҳам олишди. Кўп ўтмай у қамоқдан чиқариб юборилди. Ҳойнаҳой, у аёл ўз касбини келган жойидан давом эттираётган бўлса ажаб эмас. Шаҳарда тарқалган гапларга қараганда, у аёл бевосита жиноят қилмаган эмиш. Мен адлия ходими

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ—ҲАММАМИЗНИНГ ИШМИЗ

Вали МАЖИДОВ,
профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби

дафъатан тўхтаганда йиқилиб тушгудек бўлиб, ғоят қийналиб манзилга етиб оладилар. Қарияларга иззат-ҳурмат кўрсатмаётган ёшларнинг кўпчилиги студентлар — бўлажак мутахассислар, зиёлилар. Бу, албатта, ачинарли ҳол.

Авваллари ахлоқ меъёрларининг ёшлар томонидан озгина бўлса-да бузилиш ҳоллари юз берганда катта ёшдагилар: «Энди ундай қилмангиз, яхши эмас, уят бўлади», деб хижолат чектирдилар ва бу кўпинча ижобий натижа берарди. Яхши насиҳатнинг самарадор шакллари қадим замонлардан бери ота-боболаримиздан қимматли мерос бўлиб қолган.

Ёшларимизнинг турлича ноҳўя хатти-ҳаракатларини кўриб, катта ёшдагилар ранжиб, хафа бўладилар. Лекин бу каби тарбиясизликларга чек қўйиш, уларнинг олдини олиш тўғрисида ўйламаймиз. Ваҳоланки, ёши улғайган кишиларга нисбатан ҳурматсизлик қилаётган ёшларнинг ахлоқсизлигини фақат жамоатчилик таъсири билангина тузатиш мумкин. Ёшлар ўзларининг тамизу фаросатлари билан катта ёшдагиларни иззат-ҳурмат қилмасалар, яъни уларнинг ахлоқий тушунчаларини нима сабабдандир бунга етарли бўлмаса, уларга тушунтирмоқ, насиҳат қилмоқ зарур. Бу жамоатчиликнинг вазифасидир. Фикримизча, бундай маслаҳатларни кўпчилик ёшларимиз тўғри тушунадилар. Модомики, ахлоқ меъёрларини ҳимоя қилиш устида гап борар экан, ноҳўя хатти-ҳаракатларни кўра била туриб кўрмасликка олиш ҳоллари ахлоқий покликка путур етказишини алоҳида таъкидламоқ керак. Ёшларнинг тарбиясига эътибор бериш ҳамма катта ёшдагиларнинг масъул бурчидир.

Тобора тарқалиб бораётган ахлоқсизлик ва ҳаёсизликнинг шу даражада хунук шакллари учрамоқдаки, уларга бефарқ қарашнинг ўзи ахлоқий поклик мезонларига зиддир.

Ахир, трамвай ёки автобус бекатларида эркак ва аёллар, шу жумладан, қариялар олдида бир йигит бир қизни бағрига босиб, кучоқлаб ўпиб турса, ҳаёли одам у ёқда турсин, ҳаёсизни ҳам ранжитади, атрофдагилар мажбур бўлиб тескари қарайдилар. Ёки худди шундай шароитда кайфи бор бир қиз йигитнинг елкасига бошини қўйган ҳолда турганини ёки ўтирганини кўриб ҳайрон бўласиз. Мамлакатимизда ичкиликбозликка қарши кураш олиб борилаётган бир даврда кўча-кўйда қиз боланинг маст-аласт ҳолда юриши шарманда-

га сабабчи бўладиган ҳиссиётлар бор-ку ахир дунёда! Рус ва ғарб классик адабиётини ўқиганингизда ҳам эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ана шундай самимий муҳаббатга хос ҳис ва туйғулар билан уйғунлиги яққол кўриниб туради.

Одатда, бир-бирини чиндан севадиган ёшлар ҳатто кучоқлаш, ўпиш у ёқда турсин, ўз юрак сирларини гапириб, севги изҳор қилишга ҳам истиҳола қиладилар. Севишганларнинг қариндош-уруғлар, ёру биродарлар ва дўстлар иштирокида тўй-томоналар билан қовушмоқлари, аҳил бўлиб ширин ҳаёт кечиришлари, фарзандлар кўриб, уларни вояга етказиш, уйли-жойли қилиш, қолаверса, набираларни эркалаш каби ҳаётнинг ширин, кишига роҳат бағишлайдиган томонлари ўша чин муҳаббат билан чамбарчас боғлиқ бўлган орзу-ниятнинг ушалиши, унинг самарасидир.

Ҳар йили кўплаб ёш оилаларнинг ажралиб кетиш ҳоллари юз бермоқда. Оиланинг ажралиб кетиши фақат эру хотиннинг бахтсизлиги эмас, балки уларнинг ота-оналарига ҳам катта ташвишдир. Баъзан эса оила бузилиши оқибатида ёш болалар тирик етим бўлиб қолмоқдалар. Ёш оилаларнинг мустаҳкам бўлмаётгани, ёшларнинг ўзаро муносабатларининг ўта суюқлашиб кетгани уларнинг оилавий ҳаётга энгилтаклик билан юзак қарашлари туфайлидир. Ёш оиланинг ажралиш сабаби билан қизиқиб кўрсангиз, кўпинча: «Характеримиз тўғри келмади», деган жавоб оласиз. Бундай жавоб аввало бу ёш эр-хотин ўртасида ҳеч қандай муҳаббат аломатлари йўқлигини кўрсатади. Фикримизча, ўша «характер» деб аталадиган хусусият бир-бирига мос бўлса, яъни йигит ва қиз бир-бирини тўғри тушуна билсагина ўртада муҳаббат ҳиссиёти пайдо бўлиб, аста-секин камолатга ета боради. Кейин эса фарзандларнинг пайдо бўлиши оилани мустаҳкам қила боради.

Оила, бола-чақа олдида жавобгарлик сезиш, уларга ғамхўрлик қилиш, улар олдидаги бурчини бажариш фақат ахлоқли, инсофли чин инсонларга хос фазилатдир. Ота-онанинг бойлиги, «хусусий машинаси борлиги» каби нарсаларнинг чин инсоний фазилатга ҳеч қандай алоқаси йўқдир.

Болаларнинг ахлоқий тарбияси боғчалардан бошланади. Тарбия иши яхши йўлга қўйилган мактаб ўқувчиларида ахлоқий тушунча ривож-

эмасман, аммо у аёлнинг қилмиши оқибатида қанчадан-қанча ёш қизлар бузилиб, ахлоқсизлик кўчасига кирганлари, жамиятимизга қанчалик маънавий зарар етгани жиноят эмасми? Эҳтимол, бундай жуда зарарли, кишилар нафратига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар жиноят кодексида кўзда тутилмаган бўлса керак. Ундай ҳолда бунақа ахлоқий бузуқларни жамоатчилик муҳокамасига ташлаш керак. 1988 йил декабр ойида марказий телевидениедан ахлоқий бузилган ёшлар ҳақида махсус кинолавлар кўрсатилди. Кишини ҳайратга соладиган манзараларни кўриб, оиламиздагилар билан ўзаро фикр алмашиб, жуда қаттиқ изтироб чекдик. Наҳотки, ҳали она сути оғзидан кетмаган, балоғатга етмаган, энди 13—14 ёшга кирган қизлар ҳомиладор бўлсалар ёки захм, сўзак касалликларига йўлиқсалар?!

Аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг тарбияси билан ҳеч ким шугулланмаяпти, десак инсофдан бўлмайди. Лекин одобсизлик, беҳаёлик камайиши ўрнига, аксинча, кўпайиб бормоқда, бу ёмон одатларнинг янги-янги хиллари намоён бўлмоқда.

Ёшлар тарбияси масаласи жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Бу муаммо жиддий ва узлуксиз шугулланишни талаб қилади. Мактабларда, ўқув юрларида ва бошқа муассаса-ташкilotларда шу вақтгача қилиб келинган тарбиявий ишлар талабга жавоб бермаяпти. Бу ҳаммамизга маълум. Демак, тарбия ишларининг янги усул-усуллари ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди. Мактаб ва оила ўртасидаги алоқа мустаҳкам ва доимий бўлиши, улар билан аниқ масалаларни ҳал қилишлари мақсадга мувофиқдир. Биронта ўқувчининг нотўғри ҳаракати ҳақида яхши ният билан ахборот берган ўқитувчига миннатдорчилик билдириш ўрнига ундан норози бўлиш ҳоллари учраб туради. Ўзингиз ўйлаб кўринг: интизомсизлик қилган ёки ноҳўя хатти-ҳаракатлар қила бошлаган бола ҳақида ота-онасига қайғуриб хабар қилган ўқитувчига ноҳўя сўзларни айтиш боланинг янада бузилишига ва оқибатда унинг ўқитувчига ҳам, ота-онасига ҳам бўйин эгмайдиган безори бўлишига олиб келмайдими?

Ҳамма маҳалларда ҳам ўқимайдиган ва ишламайдиган, кечалари санқиб юрадиган, папирос, наша чекиб, ичкилик ичиб, маст бўлиб, аҳоли тинчлигини бузадиган эл безорилари бор. Ана шу саёқ юрадиган ёшларни ота-

оналари етарли назорат қилмайдилар. Кўп ўтмай у болалар итоатсиз бўлиб, ота-оналарининг гапларига қулоқ солмайдиган бўлиб қоладилар. Бундай болаларга маҳалла фаоллари ҳам беварқ қарайдилар. Натижада бу болалар ҳар қандай жиноятдан қайтмайдилар. Безорилик ва ўғирликни касб қилиб оладилар.

Икки йил илгари Кўкча даҳасида шов-шув тарқалди. Кўкча Оқтепасида яшайдиган бир боланинг сочи ҳаддан ташқари ўсиб кетган экан. Бечора она фарзандининг шунчалик ажи-нага ўхшаш хунук қиёфасига кирганини кўриб, бир неча марта сочини сал калта қилишини сўраган. Бола эса қулоқ солмаган. Ниҳоят она боласи ухлаб ётганида унинг сочини қайчи билан салгина калта қилиб қўйган. Бола уйғониб тўполон қилган, онасини ҳақорат қилиб урган. Икки ҳафтада қайтадан ўсиб, ўз холига келадиган сочи учун бу оқпадар безори ўзини туғиб ўстирган, кечалари ухламай, кўкрак сути бериб катта қилган онасини ўзига ўхшаган одам қиёфасидаги бир йиртқич ҳайвон ўртоғи иккаласи ётқизиб, оғзига қайноқ сув қўйиб ўлдирган. Бу даҳшатли воқеа ҳаммани ларзага келтирди. Наҳотки инсон боласи ўз онасини ўлдирса!

Бундай воқеанинг содир бўлиши фавқуллода воқеа эмас, албатта. У бола тўсатдан шу даражада ваҳший бўлиб қолмаган. У секин-аста бузила бошлаган. Маҳалла-кўйдагилар бунга эътибор беришмаган. Бечора она эса, ўз фарзанди устидан шикоят қилиб маҳалла комитетига чиқишни ўзига ор билган. Оқибатда ана шу фожиа юз берган.

1988 йилнинг ёз пайтида Ўзбекистон телевидениеси бир фожиа ҳақида кинолавҳалар кўрсатди. Бир ишчи оиласи. Катта ўғил уйланган, уч нафар боласи ҳам бор. Бу ўғил ичкилик балосига йўлиқиб, ҳар куни ичиб келиб, ўз ота-онасини, хотинини ҳақорат қилиш ва уришни одат қилиб олган. Ўз ўғлидан калтак еган ота ва онанинг ҳолатини кўз олдингизга келтиринг. Бу аҳволнинг қай даражада оғир эканлиги ўз-ўзидан маълум. Кунларнинг бирида у оқпадар ўғил яна ичиб келиб отасини ураётганида ота-онани иззат-ҳурмат қилиш ўрнига уларни хўрлашига ва ёш боладек қилиб ураётганига ортиқча чидаш беролмаган кичик ўғил ўз акасини пичоқлаб ўлдирди. Қаранг-а, ҳаётда қандай воқеалар юз бериши мумкин. Ота бу фожиага чидаш беролмай қазо қилади. Акасини ўлдирган қотил ука суд қилинапти. Бечора она кўз олдингизга келтиринг-а. Нима бўлса ҳам фарзанди ўлган, эри қазо қилган. Кичик ўғил қотиллиги учун суд қилинапти. Шаҳсан ўзим судянинг саволларига жавоб бераётган бечора онанинг сўзларини эшитиб, кўзларимдан ёш оқа бошлади. Шунчалик оғир фожиага сабаб бўлган ўғли тўғрисида она бир оғиз ёмон гапирмади. Энди уни асосан судланаётган кичик ўғлининг тақдири хавотирлантирарди. Она: «Болаларимнинг отаси оиламиздаги бу оғир воқеага чидаш беролмай қазо қилдилар», деб кўзёши тўкарди. Суд ҳайъати масалани одил ҳал қилди, қотил ука оқланди. Бир йилаб кўринг-а, ичкиликбозлик ахлоқсизлик билан қўшилса, қандай фожиаларга сабаб бўлиши мумкин. Бу йигит бирданига шу аҳволга тушмаган, албатта. Ота она маҳалла фаолларига чиқиб, мурожаат қилишга ор этганлар. Маҳалладагилар эса, боланинг кундан-кунга бузилиб бораётганини кўриб, кўрмасликка олишган. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Ҳали айтганимиздек, болалар ахлоқ меъёрларининг дастлабки куртакларини оилада ва боғчаларда ўрганадилар. Шунингдек, маҳалла-кўйда ёшларни тарбиялашда тушунтириш, насихат қилиш, яхши-ёмон мисоллар келтириш, ижобий намуналар мисолида конкрет маслаҳатлар бериш каби усуллар яхши натижа беради. Ота-оналарнинг, мураббияларнинг, муаллимларнинг хулқи-атвори ва хатти-ҳаракати ёшларнинг хулқи ва онгига жуда катта таъсир қилади. «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бекорга айтмаган-да халқимиз.

Дарҳақиқат, ёшларни виждонли, инсофли, ор-номусли, шарм-ҳаёли қилиб тарбиялашда жамоатчиликнинг таъсир кучи жуда каттадир. Ёшлар тарбияси шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифасидир.

ҚОР ОДАМ

1989 йилнинг 21 сентябрида Саратов вилояти жанубидаги «Прогресс» мевачилик совхозининг бепоен олмазор боғида қоровулчилик бригадаси тузган бир гуруҳ харковликлар хотирасидан ўчмайдиган воқеа содир бўлди — улар «қор одам»ни тутиб олдилар.

Туш пайтида болалар иккита безорини олмазордан ушлашди, кечга яқин эса, улар ўзларининг «Жигули» машиналарида боғ бўйлаб сайр этатуриб, олма дарахтлари орасида яна бир одамсимон шарпа юрганини илғиб қолишди. Тезроқ ҳаракат қилинмаса, олма ўғриси боғдан қочиб кетарди — жазосиз қоларди. Шу сабабли ўғрини қўлга тушириш учун аввало унинг чиқши йўлини тўсиш лозим эди. Бригада пухта режа тузди. Анатолий Яшченко, Саша Жемчуженко улар орасида энг кучлилардан эдилар — илгари бокс билан ҳам шуғулланишган эди — тўппа-тўғри шарпа томон жадал югурдилар.

Номаълум шарпа кўзга яхши кўринмасди, олма тупларининг ўртаси анча вақтдан бери ишланмаганлиги туфайли ёввойи ўтлар белга урарди, Сашанинг югуришига ҳалқит берарди. У ҳатто бир лаҳза ўз мувозанатини йўқотиб қўйиб, шундоққина ўғрининг кучоғига... йиқилиб тушди. Ва... ишонасизми, шошилиб қолди. Қаршисида бутун бадани жун билан қопланган, бўйи қарийб Сашанинг бўйига тенг одамсимон жонзот турарди. Юзи бадбашара, оғзи очик — тишлари сап-сарик эди...

Жонзот Сергейнинг елкасига қўлини қўйди. Сергей ёнлама зарб билан унинг вужудига уриб, жонзот «кучоғи»дан қутулишга уринди. Лекин, ҳаракатлари беҳуда кетди:

у жисмонан номаълум жонзот қудратини сезди. Шундай ҳолатда улар бир неча дақиқа жим қолишди. Жонзот тиш-ламасди, ҳеч қандай кўпол ҳаракат ҳам қилмасди.

Бир маҳал бошқалар Сергейга ёрдамга етиб келишди. Олег таёқ олиб уни жонзотнинг боши ортдан елкаси аро солди-да, қўлини орқасига қайирди. Саша чаққонлик билан жонзотнинг оёғига ташланди ва номаълум жонзотни йиқитишга ҳаракат қилди. Ниҳоят, бунга эришди ҳам. Саша бир бўлак арқон билан пахмоқнинг елкасидан қисиб боғлади, оёғидан боғлашга эса, ип етмади.

Тўрт йигит жонзотни машинага келтиришди. У унчалик қаршилик кўрсатмасди, аҳёнда-аҳёнда оёғини силкиб қўярди, ғалати бўғиқ овоз чиқарарди. «Жигули»нинг юкхонасини очиб, уни бир амаллаб ичига тиқишди. Қопқоғи ёлиб қўйилди.

Шундан кейингина йигитлар энгил нафас олишди. Энди нима қилмоқ керак?! Улар ўзларини биров тартибга солиб, милицияга хабар қилиш мақсадида шахарчага жўнашди. Тутиб олинган жонзотни қамаб қўйиш учун жой қидириш ҳам керак эди. Бироқ қоровул йигитларнинг омади юришмади. Участка милиционерни жойида йўқ экан. Ноҳия милиция бўлимидан сўрашди. Улар эса, ўша жонзотни ўзларининг эрталабгача ушлаб турингллар, дейишди. Маҳлуқни катта мева музохонасига (у ўчириб қўйилганди, ичи кенг, машина бемалол кира оларди) жойлаштиришга уриниб кўришди. Аммо бўлим бошлиғи калитни беришдан бош тортиди: «Тунда олмалар ичига «маймун»ни киритиш?! Мумкин эмас!».

Қизиқувчилар тез-тез келишиб, машинага яқинлашардилар, секингина юкхона қопқоғини кўтариб, ғалати жонзотга қарардилар — хабар теварак-атрофга тез тарқалиб кетганди. Қоровул йигитлар ниҳоят муносиб жой то-



пишолмагач, ўз қоровулхоналарига қайтишди.

Асир «қор одам» тобора безовталанарди, унинг ҳаракатидан машина тебранарди. Қоровуллар ўзаро маслаҳатлашиб, эрталабгача тутиб туриш мумкин, деган қарорга келдилар. Анатолий, ҳар эҳтимолга қарши, машина юкхонасини калит билан қўлфлаб қўйишга қарор қилди. Машина олдида келиб қопқоғини қаттиқроқ босиб бекитиш мақсадида тугмасини босди. Маҳлуқ, худди шунини кутиб тургандек, куч билан қопқоғини кўтариб, сакраб ерга тушди. У қўлларини аллақачон ечиб олганди. Кейин ўрнидан туриб, бор бўйича чўзилиб атрофга назар ташлади ва зумда боғ томон отилди. Дарахт тагига бориб турди. Шунда Анатолий машина чироғини ўнга қаратди, аммо «қор одам» боғ ичра бутунлай ғойиб бўлди.

Совхозда рўй берган воқеа кўп ўтмай бутун Саратовга ёйилди. Кузатув гуруҳи тузилиб, дарҳол воқеа юз берган жойга жўнашди, гувоҳлар билан савол-жавоб ўтказилди. Бундай воқеа фақат бир мартагина содир бўлишини — ҳамма англаб турарди.

Бизнинг эса, «қор одам» жумбоғини ечиш сари катта қадам қўйилиши мумкин бўлган имконият бой берилганидан надомат чекишдан ўзга иложимиз йўқ. Начора, ноумид — шайтон, дейдилар. Келажакдан умид қилиб қоламиз.

М. ТРАХТЕНГЕРЦ,
Криптозоологлар бирлашмаси кенгаши раиси муовини



Келажакимиз азаматлари.

Р. Нурибоев сурати.



АНСОРИЙ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА

Алимулла ҲАБИБУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди

Маълумки, Абдулло Ансорий XI асрда яшаб ижод этган (1005-1088). У мутафаккир, шоир ва сунна мазҳабининг шайхул-исломи сифатида ўз даври ва кейинги асрларда халқ орасида катта эътиборга лойиқ шахс ҳисобланган. Унинг шўхрати тўрт аср оша Навоий замонасида ҳам Ҳиротнинг фахри бўлиб турган. «Ҳайратул-аброр», «Лисонут-тайр», «Мажолисун-нафоис», «Насойимул-муҳаббат», «Маҳбул-қулуб» асарларида Ансорийнинг шўхрати, заковати ва халқ орасидаги эътибори ҳақида Алишер Навоий кўп гапиради.

Алишер Навоий ижодида ўтмиш адабиётининг буюк намояналари қаторида Абдулло Ансорий меросининг ҳам бевосита ва билвосита таъсири кўзга ташланади. Жумладан, Ансорий ишлаган образлар Навоий ижодида ўзига хос жозиба ва такомил касб этган. Ансорийда шундай сатрлар бор: «Халлож «анал-ҳақ» гуфт — тожи дор шуд, Абдулло ҳақ гуфт — тождор шуд» (Жуковский В. А. Песни хератского старца. В сб.: «Восточные заметки», СПб., 1895) (Таржимаси: Халлож «аналҳақ» деди — дорга тож бўлди, Абдулло ҳақ деди — тождор бўлди). Абдулло Ансорий бу ерда жуда гўзал сўз ўйини ишлатиш билан бирга Мансур Халложнинг дорга осилиши билан боғлиқ воқеадан ўз ғоясини ўтказиш учун адабий усул сифатида фойдаланган ва сўфизмдаги «анал-ҳақ» («мен ҳақ (худо)ман»), деган фикрни илгари сурган ўта сўл пантеистик оқим билан ўз йўналишини таққослаган. Алишер Навоий «Маҳбул-қулуб»да ҳам худди шу ҳолат билан боғлиқ бир ҳикоят келтиради:

«Муқарраби ҳазрати борий Хожа Абдулло Ансорий қуддус сирриҳи дедиким: ул такаллумғаким Мансур дам урди, мен ҳам урдум. Ул ошкор этти ва мен ёшурдум. Менким ёшурдум тождорлиғ манга қарийб бўлди. Ул ошкор этти дорға тож бўлмоғлиқ насиб бўлди. Ул ҳануз хом эрди ва бу маънидин хуруш қилури беҳангом эрди. Эшитгувчи ибод этти ва анга етти. Мен ул сўзни анжуманда изҳор этармен ва изҳорда асрор ва такрор этармен. Ҳеч киши менга дейолмас ва демаским, сўзумнинг агарчи маънисин улдур, аммо сурати ул эмаским, сурат аҳли суратқа назар солурлар ва маъни аҳли маънидин баҳра олурлар».

Алишер Навоий Мансур Халлож образи ва ушбу усулдан бошқа бир ғояни илгари суриш учун фойдаланади. «Маҳбул-қулуб»дан тил таърифидаги танбеҳни эслайлик:

«Одами тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нопишанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур. Айнул-қуззот тил шарафидин масиҳгуфтор бўлди ва Ҳусайн Мансур тил суръатидин дорға сазовор».

Юқорида кўрган мисолимизда Абдулло Ансорий Халложга (858—922 й.) ўзини қиёслаган бўлса, бу ўринда Навоий сўфизмнинг бошқа бир намояниси бўлган Айнул-қуззотни (вафоти 1138) қиёслайди. Маълумки, Айнул-қуззот номи билан машҳур бўлган Абул-фазил Абдуллоҳи Ҳамадоний Мансур Халложнинг «эттиҳод» назариясига мурожаат қилиб, дунёдаги ҳар қандай ҳодисанинг қарама-қарши томони (антитезаси) бўлади, деган хулосага келади. Абдурахмон Жомий «Нафаҳотул-унс» асарида келтиришича, суфийларнинг бир мажлисида жон таслим қилишни ихтиёр этган бир кишига Айнул-қуззот: «Эй Абдусайд, ўлсанг, ўлавер!» деганида, у ҳушидан кетиб қайта турмаган эмиш. Буни кўриб, Айнул-қуззотдан Фақиҳ Маҳмуд деган кишини тирилтириб беришини

сўрашади. Айнул-қуззот: «Эй худо, Фақиҳ Маҳмудга жон ато қил!» дейди. У тирилади эмиш. (Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. М., 1965, с. 312). Алишер Навоий уни «масиҳгуфтор» деганда, шу ривоятни назарда тутди.

«Халлож ўлдирилгандан икки юз йил кейин Айнул-қуззот унинг ғояларини қайта жонлантди», дейди Е. Э. Бертельс. Демак, Мансур Халлож айтган гапларни Ансорий ҳам, Айнул-қуззот ҳам айтган. Шундай экан, масала бу фикрнинг қандай айтилишида! Навоий ҳам худди шу ҳолатдан фойдаланиб, муомала қуроли бўлмиш тилга жуда катта масъулият билан қараш лозимлигини таъкидлайди.

Абдулло Ансорий ўз устозлари — шайхлар орасида шайх Абулҳасан Харақонийни (вафоти 1033) ўзининг ҳақиқат йўлидаги пири деб билган. Пирик мутасаввиф, илоҳиёт олими Абулҳасан Харақоний «олам яратилишининг асоси илоҳий муҳаббатдир», деган концепцияни илгари сурган. Ансорий дунё-қарашига ҳам ўтган бу жиҳатларнинг Навоий қарашлари билан ҳамоҳанг қирралари унинг ижодида ҳам маълум даражада эътибор топди.

Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр»ида шундай бир ҳикоят келтирилади:

*Хожа Абдуллоҳи Ансорийки, ақл —
Айлай олмас минг ишидин бирни нақл,
Дедиким: «Улдур кўнгулнинг хушлиғи,
Фақр йўлинда киромивашлиғи —*

*Ким, кўнгулда ондин ўзга бўлмағай,
Едида жонондин ўзга бўлмағай.*

*Ҳар кўнгул мундоқдур — они бил кўнгул,
Йўқса, баҳру кон эса ондин тўнгул.*

*Кўнгул улдурким анга маскандурур,
Йўқса, гулшан бўлсаким гулхандурур».*

Бу ўринда Ансорий илгари сурган кўнгулда фақатгина худони билиш ғояси Навоийнинг қарашларига мос тушгани туфайли унинг эътиборига сазовор бўлгани кўриниб турибди. Ушбу фикрни Алишер Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида келтирган шайх Абулҳасан Харақоний ҳақидаги ҳикоят ҳам тасдиқлайди: «Бир кун (Харақоний) асҳобидин сўрдиким, не нимадурки, бори нимадин яхшироқ бўлғай? Дедиларки, ҳам шайх айтсунлар. Дедиким, ул кўнгулки, анинг ёдидин ўзга анда нима бўлмағай...» Бу ғояни бир жойда Харақоний, бошқа бир жойда Абдулло Ансорий номидан такрор келишининг ўзи Навоий унга алоҳида эътибор қилганини билдиради.

Абдулло Ансорий ижодининг барча жиҳатлари Навоийнинг олқишига бир хилда сазовор бўлавермаган. Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафаҳотул-унс» асарида Абдулло Ансорий тилидан жуда кўп ҳадислар тўплаганини ёздай ва бу фактни Навоий ҳам «Насойимул-муҳаббат»да келтиради. Бироқ Навоий, умуман, ҳадисларга бирмунча танқидий назар билан қарагани маълум. У «Маҳбул-қулуб» асарида «Воиз керакки «қолаллоҳ» сўз айтса ва «қола расулиллоҳ» муҳолафатидан қайтса», дейиш билан расулга боғлиқ ҳисобланмиш бундай ҳадислар мунозарали эканини назарда тутди. Худди шу ўринда бу масалага Навоийнинг қарашини Ансорийникидан ўзгача бўлгани кўринади.

Рус шарқшуноси В. А. Жуковскийнинг «Ҳиторлик мўйсафид қўшиқлари» деган тадқиқотидан маълум бўлишича, Абдулло

Ансорий Абулҳасан Баширий, Абу Фазл бинни Муҳаммад ат-Тақий, Яхъё ибн Аммор каби шайхлардан ҳамбалия сулуки юзасидан таълим олган. Ансорийнинг бу сулукка мансублигини, айниқса, унинг Аҳмад ибн Ҳамбал ҳақидаги «Маноқиби имом Аҳмад бинни Муҳаммад бинни Ҳамбал» номли асар ёзгани ҳам тасдиқлайди. Ҳамбалия ҳуқуқ системаси ўзининг ўта торлиги ва ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат талабларига риоя этишда қатъийлиги билан ажралиб турган. Абдулло Ансорий шу сулукка таяниб иш кўргани учун бўлса керак, Навоий ва бошқа классикларнинг асарларида учраган барча ўринларда у «муқарраби бори» (тангрининг яқини) деб тилга олинади.

Абдулло Ансорийдан 60-70 йил кейин яратилган «Чор мақола»да (Низомий Арузий Самарқандий асари) бундай чекланганликнинг Абдулло Ансорий номи билан боғлиқ бир лавҳаси ҳикоя қилинади. Унинг мазмуни қуйидагича:

«Шайхул-ислом Абдулло Ансорий Ҳиротда табобатдан тирикчилик қилиб юрган, ўзи фавқулодда фазлу камол эгаси бўлмиш Адиб Исмоил деган шахсга нисбатан кўр-кўрона хусумати, нафрати бўлиб, бир неча бор уни йўқ қилишга уринган ва унинг китобларини куйдирган. Бу хусуматнинг илдини диний ақидаларга бориб тақалар эди, зеро, Ҳиротликлар, Хожа Исмоил ўликни ҳам тирилтира олади, деб ишониларди. Абдулло Ансорий оддий халқнинг бу ишончини зарарли деб билар эди.

Иттифоқо шайхнинг ўзи бетоб бўлиб қолди. Хасталик бориб ўлим олди хиқчоғига айланди. Табиблар қанчалик ҳаракат қилишмасин, нафи бўлмади. Охир оқибатда, улар буткул умидсизликка тушиб, шайхнинг пешоби солинган идишни Хожа Исмоилга юборишди ва бошқа бир кишининг муолажаси учун дармон сўрашди. Хожа Исмоил пешоб солинган идишга қараб туриб: «Бу фалончининг пешоби, уни ўлим олди хиқчоғи туттишга бошлабди, демак, ҳамма ожиз қолган. Бориб айтинг, бир ҳажм писта пўчоғини ўшанча аскарый қандга қўшиб туйиб, ичиришин, тузалиб кетади. Шунинг ҳам айтиб қўйингки, фанларни ўрганиш керак, китоб ёқиш яхши иш эмас», деди. Бу икки нарсани қўшиб туйилган талқондан Ансорий шифо топиб кетган экан».

Булардан маълум бўлишича, Ансорийнинг ўз замонасида ҳам унинг қарашлари билан мунозарага киришганлар кўп бўлган. Бундай ҳолда Навоий Абдулло Ансорийнинг шўхратидан қатъи назар, унинг қарашлари, у илгари сурган ғояларни тўла маъқуллаши мумкин эмас эди. Бу, айниқса, «Ҳайрат ул-аброр»даги 4-мақолот (29-боб)дан ҳам кўриниб турибди. Бу ерда Навоий «Фақат Ҳирот аҳлигина эмас, бари коинот қибла деб билган» Абдулло Ансорийнинг айтган шу мазмундаги гапларини келтиради:

«Мен тоат-ибодат қилар эканман, бу тангрининг амрига итоат қилишимдандур. Дўзах ўтининг даҳшати ҳам менга писанд эмас. Чунки кетидан жаннат насиб бўлади. Ким қўрқинч билан ҳаққа сиғинса, жисмига нажот тилаб шу ишни қилади. Ким умид билан ранж-алам чекса, унинг мақсади жаннатда осойишталикдир».

Навоий Абдулло Ансорийнинг бундай қарашларига шу ернинг ўзидаёқ муносабат билдириб давом этади:

*Менки, ишим бўлди парастииш, мудом —
Бийму умид иккиси бўлмиш ҳаром.*

«Мен сиғинар эканман, ҳеч бир қўрқинч ва умид билан ишим бўлмади», дейди у. У Ансорий тилидан жаннатга алмашилишини умид қилиб, дўзах ўтини ҳам писанд қилмаслигини айтган бўлса, бу ерда, ўз навбатида ибодати қабул бўладими, йўқми, бу билан иши йўқлигини билдиради. Шунга кўра, Навоий ўз эътиқодини баён қилади: «Жаннату зоҳид, дўзах ва ҳардамхаёл кишилар мавжуд бўлганидек, Навоийга ёр ҳавасининг ўзи етарли». Яъни, уни на дўзах ўти, на жаннат осудалиги ва на ўз жисмининг нажоти қизиқтиради.

*Соқий, ул учмоқ сувини бедаранг
Тутки, эрур дўзах ўти анда ранг.*

*Ер юзи ёди била шод ўлай,
Дўзах ила равадин озод ўлай.*

Бу ўринда Навоий ғояси Ансорий ғоясига тўла эътироз бўлиб жаранглайди.

Алишер Навоий ижодининг Абдулло Ансорий номи билан боғлиқ яна бир жиҳати унинг «Насойимул-муҳаббат» асарига кўрилади. Бу асар ўзининг яратилиш тарихи билан Абдулло Ансорийнинг «Табақотус-суфия» асарига бориб тақалади. Ушбу асарни аслида Абу Абдурахмон ас-Сулламий (вафоти 1023) араб тилида ёзган. Абдурахмон Жомий «Нафаҳотул-унс» асарига хабар беришича, тариқат шайхларининг шарҳи ҳолига бағишланган бу асарда суфийларни беш табақага ажратиб баён этган. Абдулло Ансорий ўзининг мажлиси ва ваъзларида бу китобдан изчил фойдаланган. Бунда у маърузасига бу асарда йўқ шайхларни киритган, ўз қарашларини сингдирган. Муридларидан бири бу маълумотларни тўлалигича ёзиб олган ва ўша давр Ҳирот лаҳжасидаги «Табақот ус-суфия» юзага келган.

Абдурахмон Жомий Абдулло Ансорийнинг мана шу асари асосида уни янада тўлдириб, унинг муаллифи ва ўтган тўрт аср суфизмининг кўзга кўринган намояндалари ҳақидаги маълумотлар билан қўшиб, «Нафаҳотул-унс»ни ёзади.

«Нафаҳотул-унс» асосида эса Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари юзага келади. Бу асарга келиб «Табақот ус-суфия»нинг мавҳум ерлари қисқарди, суфизмнинг туркий миллатга мансуб бир қанча намояндалари ҳамда Абдурахмон Жомий ҳақидаги маълумотлар қўшилди, Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асаридан қўшимча маълумотлар билан бойиди.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Ансорийнинг «Табақот ус-суфия» ёки Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асари дебочасидан беҳабар одам «Насойимул-муҳаббат»ни ўқиса, ундаги суфизмнинг айрим намояндалари ҳақида ёзилган «фалон табақадандур» дейилишига тушунмаслиги мумкин. Бу ҳол аслида «Табақот ус-суфия»нинг композицияси билан боғлиқ бўлиб, юқорида айтганимиздек, Ансорий шайхларни беш табақага бўлиб баён этган. «Табақот ус-суфия»га нисбатан «Насойим ул-муҳаббат»нинг деярли учдан икки қисми янги маълумотлар билан бойиган.

Умумий хулоса тарзида шуни айтишимиз мумкинки, Алишер Навоий ижодида унинг Ансорийга муносабати уч хил кўринишда кузатилади.

- 1) Абдулло Ансорийнинг тарихий шахс, яъни шайхул-ислом сифатидаги фаолияти;
- 2) Абдулло Ансорий ижодкор сифатида унинг адабий мероси, образларидан ўз ғояларини илгари суриш учун фойдаланиш;
- 3) Абдулло Ансорий мутафаккир сифатида; унинг фалсафий дунёқарашига бўлган муносабат алоҳида-алоҳида ўз аксини топган.

Алишер Навоий Абдулло Ансорий шахсиятига қанчалар ҳурмат билан қараган, унинг ижоди ва поэтик маҳоратидан нақадар баҳраманд бўлган эса-да, унинг дунёқарашига ҳолатларни ўзгаришсиз қабул қилмаган. Абдулло Ансорий ижодидаги суфиёна одоб ва ахлоқ ҳақида ёзилган маъвиза ва мажлислардан мусбат томонларинигина рўёбга чиқаришга диққатни қаратган, илғор ғоялар пешталқини сифатида намоён бўлган.



Мели БОБОКУЛОВ

БЕБАҲОЛИК

«Қутадғу билиг», Урхун ёзувларидан нари,
Умринг ғоят дороздир, кўп қадимий

тилимсан!

Навоий, Лутфий, Атойи сенга жон ато қилди,
Девона Машраб сени бўйнига ридо қилди.
Темурни тилга олмай ўтганлар хато қилди,
Улуғбек замонида яшнадинг, жило топдинг,
Тафаккур хазинасин бойитиб, тилло топдинг,
Мунисдай доно тилим,
Бебаҳо она тилим!

Ғазал ёзса Навоий тилларин бурро этдинг,
Улуғбек забонини даҳрийга дурра этдинг,
Инқилоб шеърин ёзган Ҳамзага урра этдинг,
Маҳмуд Қошғарийдан то Муқимий,

Авазгача,

Сени кўзига суртган қуръону баёзгача,
Заволсиз она тилим,
Бебаҳо доно тилим!

Қодирийнинг ҳақ сўзи қотилга этмас таъсир,
Миллат шаъни деб Фитрат жон фидо этди

жасур,

Дардларин айтиб Чўлпон, йиғлади Усмон

Носир,

Зиндон туйнукларидан шуъла сочган

чарақлаб,

Тор қафасда уларни турган фақат сўроқлаб,
Сен эдинг, доно тилим,
Бебаҳо она тилим!

Не фозил алломалар уйғонган бешиқдирсан,
Завқий дилин куйдирган аламли

қўшиқдирсан,

Падаркуш Абдуллатиф синдирган

эшиқдирсан,

Разолат ботқоғидан чиқишга йўл излаган,
Авлодлар учун фақат эзгуликни кўзлаган,
Узингсан, доно тилим,
Бебаҳо она тилим!

БИЛ, ЎША МЕНМАН

Ярим тунда ишқ элитса,
Бил, ўша менман.

Деразангни еллар чертса,
Бил, ўша менман.

Ўша менман тонг пайтлари,

Қулоқларингда

Янграб қолса ишқ байтлари,

Юрак торингдай.

Майсаларнинг баргларидан

Тўкилса шабнам,

Менман ўша лабларингда

Табассуминг ҳам...

Ҳижрон ғами тун уйқунгдан

Этса беором,

Ардоқлаган илк севгингман,

Бу — мен, Дилором!

Булбул қўниб гулшан боққа,

Айтса дил розин,

Менман яна тўлиб завққа,

Янграган созин.

Бузиб туннинг жимлигини,
Қичқирма бехос.

Бу — мен

фақат кимлигимни

Ўзинг билсанг бас!

КЎЗЛАРИНГДА МАЙЛИ БЕРСАМ ЖОН...

Нур чўккандек зим-зиё тунга,
Кўзларингда сузаман эркин.
Розиман мен ҳар қандай хунга,
Розимасман ёш тўксанг, лекин.

Эзилар дил гулим йиғидан,
Кўзларингда майли берсам жон.
Оҳ, бу кўзлар қорачиғидан
Чиқмоқ менга эмасдир осон.

БУ ЖИСМИМНИ...

Бу жисмиمني тарк этса титроқ,
Ва мен қолсам туйғусиз, ҳиссиз,
Ачинмасдим заррача мутлоқ,
Кетдим, дея ҳаётдан изсиз.

Аммо уйим тарк этса дўстлар,
Айтишмаса номимни мутлоқ,
Бундан кўра юмулсин кўзлар,
Ҳайҳот, даҳшат тириклай ўлмоқ.

ҒУНЧА

Силкитаркан гуллар ғунчани,
Маст уйқудан уйғонди аста.
Шабнамлардан жунжикиб тани,
Тонг нурига кўксини босди.

Жилмайганча ғунча эгиб бош,
Қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.
Япроқларин силкитиб куёш,
Юзларидан артди ғуборни...

ПОК ВИЖДОН

Бўлсанг ҳам заҳматкаш деҳқон наслидан,
Сен оддий бригадир эдинг аслида.
Тиндингни, айт, йилнинг бирор фаслида?
Ҳосил ишқи билан кўпирди қонинг.
Қўшиб ёзганлар-ку, худбин саналар,
Уларнинг шаънига бўлди гиналар,
Сенга ҳам ёғилди ноҳақ таъналар,
Аммо бутун эди, дўстим, имонинг.
Кимлардир устингдан кўзгаб жиноят,
Бирга ўрни қўшиб, улар ниҳоят,
Қўшиб ёзганларга қилди иноят,
Оғриқдан зирқираб ачиди жонинг.
Тухмат ўз қаърига сени ғарқ этди,
Ҳақиқат вақтинча сени тарк этди,
«Айбнома» семириб, қолинг шарҳ этди,
Бир парча муз бўлиб яхлади танинг.
Бошингдан жуда кўп ҳолатлар кечди,
Ростлар ёлғон бўлди, ғалатлар кечди,
Ҳақни пайхон қилиб, лаънатлар кечди,
Заққум бўлди еган ҳар бурда нонинг.
Яхши ҳам тантана қилди адолат,
Ишинг текширилиб, тиклай олдинг қад,
Чекинди соядек фиқо қабоҳат,
Пок экан кўрди эл, дўстим, виждонинг!

Пастдарғом



Шу кунларда Воронеж кўчаларида коинотдан келганлар ҳақидаги гап-сўзлар бир зум ҳам тинмаяпти. Уларнинг бехосдан пайдо бўлиши билан шаҳарликларни саросимага солиб қўйишган. Бу ҳақда ҳатто «Коммуна» вилоят партия газетаси ҳам бир неча мақола эълон қилди. Касаба иттифоқининг вилоят шўбасида бу ҳодисаларни ўрганиш бўйича «марказ» тузилди. Бу марказда «воронежлик» номаълум учувчи объектлар ва энловантлар тўғрисида хабарлар тўпланмоқда. «Марказ»нинг ходимларидан бири П. Брятов бизга ғаройиб учиб юрадиган объектларни кўришга мушарраф бўлганларнинг талайгина хатларини кўрсатди.

Петр Романовичнинг сўзига қараганда, номаълум учиб юрадиган объектлар ҳақидаги хабарлар асосан шаҳарнинг жанубий қисмида истиқомат қилувчи аҳолидан тушмоқда. Худди шу ерда тунги вақтларда ярқираган ва думалоқ ҳамда нок шаклида бўлган номаълум объектлар кўзга ташланиб қолаётди.

Энг ғаройиб ҳодисалар шу йилнинг 27 сентябр куни кечкурун Воронеждаги истироҳат боғларидан бирида юз берди. Бунга биратўла бир неча ўнлаб дам олувчилар тепасида ғаройиб қизғиш рангдаги думалоқ ёруғлик пайдо бўлиб, кейинчалик диаметри ўн метргача етадиган шар шаклидаги номаълум объект кўзга ташланди. Бу объект бир неча дақиқа истироҳат боғи устида айланиб, дам пастга тушар, дам ўзи учун паноҳ излаб қоларди. Шундан сўнг бу объект ўн беш метрча баландликда бир зум туриб қолди. Унинг пастки эшиги очилиб, одам шаклида бўлган уч кўзли кумуш ранг кийимдаги, бош қисмида думалоқ ликопча бўлган аллақандай маҳлуқ ялтироқ этикчада пайдо бўлди. Яна бир неча дақиқа ўтгач, бу ҳодисадан қотиб қолган шаҳарликлар кўз ўнгида ерга қўнди. У ўз ҳаракати давомида теракни шикастлантирди. Қайсики, ҳозир ҳам унинг қайрилганлиги кўриниб турибди. Шундан сўнг номаълум учувчи объектдан яна иккита уч метрли



маҳлуқлар чиқишди. Улардан бири «дўст»ининг чўнтагини кавлагач, бошқаси битта-битта қадам

соли брейк усулида рақс тушаётгандек юриб кетди. Буни кузатиб турганлар шундай хулосага келишдики, қадам

ташлаб бораётган маҳлуқ, робот-разведкачи экан.

Бир неча дақиқа ўтгач, бу ҳодисадан қўрқиб кетган болакайнинг қичқиргани эшитилди. Шу дамда коинотдан келган маҳлуқнинг нигоҳи унга тушиши билан кўзлари ёниб кетди ва болакай шол бўлгандай қотиб қолди. Сал ўтмай бу ердаги қирққа яқин одам қўрққанларидан қичқира бошлашди.

Уни қарангки, коинотдан келган маҳлуқлар тезда ўз шарларига жойлашиб жуфтани ростлаб қолдилар. Афсуски, беш дақиқа ўтар-ўтмас, яна улар пайдо бўлишди. Номаълум объектдан яна уч кўзли маҳлуқ чиқди. Бу гал унинг ёнида тўппончани эслатувчи аллақандай найча бор эди. Келгинди бу найчани намоишкорона 16 ёшли ўсмирга тўғрилаган эди, уни қарангки, ҳаммининг кўз ўнгида бу болакай ғойиб бўлиб қолди. Ўзга сайёрадан ташриф буюрган жонзот ўз маконига киргач, бу мўъжизакор объект бутунлай учиб кетди. Уни қарангки, бояги ҳаммининг кўз ўнгида йўқолиб қолган болакай яна пайдо бўлиб, гўёки ҳеч нарса бўлмагандек ўз ўрнида тураверди. У бўлиб ўтган воқеадан умуман беҳабар эди.

Фан номзоди Ю. Лозовцев, спектрал лаборатория бошлиғи Г. Сиранов ва уларнинг ҳамфикрлари биоЛокация ёрдамида номаълум учувчи объект кўнган диаметри 20 метр келадиган майдончани аниқ белгилашди. Уларнинг текширишича, номаълум объект кўнган майдонча 4—5 сантиметр, чўккан жойнинг диаметри 14—16 сантиметрга тўғри келади. Бу объект оёқлари турган жойларнинг бирида диаметри 25 сантиметр ва чуқурлиги 37 сантиметр бўлган кавак пайдо бўлганлигига амин бўлинди. Уларнинг тахминига кўра, бу ердан текшириб кўришга тўпроқ олинган.

Дастлаб номаълум учувчи объектлар 21 июлда ўзини намоён қилган эди. Шундан бери уларнинг ташрифи фаоллашиб қолди. Буни унга гувоҳ бўлганлар тасдиқлаб туришибди.

МУЗНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Исландиядаги Ватаю музлиги майдалаб сотишга мўлжалланмоқда. Мазкур музликнинг ғоятда шаффоф, тоза қават-қаватлари бўлак-бўлак олинадилар ва майхоналар, ресторанлар ва кафеларни совутиш учун ишлатилади. Норвегия ва Швециядаги меҳмонхоналар эгаларининг бирлашмаси аллақачон шу музликдан 20 тонна келтиришга буюртма бердилар. Чехославакияда чиқадиغان «Млади свет» журнали Англия мамлакатининг ҳам шу масалага қизиқиб қараётганини хабар қилади.

СЕҲРЛАНГАН ОЛАПАР

Душанбе шаҳрида истиқомат қилувчи Акбар Исмоилов кундан-кунга сирқовланиб бораётган ити — Олапарнинг аҳволини кўриб ғоят ачинарди. «Ит деган жонивор шунчалик ҳам тез кексарадими-а, эх, афсусл!» дея кўярди у баъзан. Чунки Олапарнинг тишлари туша бошлади, жуни ҳам деярли тўкилиб бўлди. Жонивор ит кун бўйи уйчасининг ёнида ётарди, емиши ҳам кўнгилдагидек эмасди.

— Кунлардан бир кун Олапаримизнинг ёнгинамизда телевизорга тикилиб, Алан Чумакнинг кўрсатувини томоша қилаётганини сезиб қолдик, — дея ҳикоя қилади итнинг эгаси. — Ахир итимизнинг аҳволини ҳаммиша эъти-

бор билан кузатиб юрардикда. Чумакнинг сеанслари давомида Олапарнинг экранга қараб кўзларини пирпиратганини, қандайдир тетикланаётганини сездик. Бир неча муддатдан сўнг Олапарнинг тишлари бутунлай тўкилди-ю, уларнинг ўрнида янги тишлар ўсиб чиқди. Айни кунларда Олапар жунлари хўрпайиб ўсган навқирон итга айланди-қолди.

Олапардаги бундай ўзгариш ветеринар шифокорларини ҳам ҳайрон қолдираётди...

ИШОНИНГ-ИШОНМАНГ

Бу йил Англиянинг жанубий буғдойзорларидаги фермерлар ўртасида аниқ ва ўлчаб-бичилгандек доира майдонида ётиб қолган буғдой поялари — «сайёрамиздан ташқи» махфий куч қолдирган тушуниб бўлмайдиган излар тўғрисида хавотирли шовшувлар тарқалди.

«Англанмаган идрок» томонидан йўналтирилган ва

улкан доира шаклида буғдой поялари ётиб қолган майдон — номаълум куч таъсири борасидаги фикрлар шундай эди. Қизиқ, буғдой поялари бир текис ё соат мили тарафга, ёки соат милига қарама-қарши томонга ётган эди. Яқинда мана шундай «доира» лардан бирининг ўртасидан оппоқ темирсимон нарса топиб олинди, унинг табиий хоссасини ҳамда келиб чиқишини аниқлаш имкони бўлмади.

ТАСС суратхонасидан



ЭГАСИНИ БОЙТАЁТГАН... ҲАККА

Қаргалар ва ҳақкаларнинг ялтироқ буюмларга «қизиқиб қараши» қадимдан маълум. Франциянинг Верден шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионернинг уйга ўрганган ҳақкаси бор. Бир куни уй эгаси «сайр этиб» қайтган ҳақка тумшугида нимадир борлигини пайқади — аниқланишича, кичик турк тангаси экан... Бир неча муддатдан кейин у венгерча филлер — танга келтирди. Маълум бўлишича, мазкур қуш бундай тангаларни шаҳардаги фавворадан келтирар экан. Фавворадаги сувга эса, шаҳарга келган кўп сонли саёҳатчилар танга ташлашар экан. Францияда чиқадиغان «Юманите» газетасининг хабарига кўра, эгаси қушни шу даражада «меҳнат»га ўргатибдики, натижада қуш унга ҳар куни 5—10 танганга келтириб берадиган бўлибди.

Шарофат БОТИРОВА



ЕНГАН ЖУВОН

Қорачиги . тубидан чақин кетар фалакка,
Олов қандай ёпишди қирқ кокилли малакка?
Босолмайман ҳовурин чўғ туташар юракка,
Танин ёқиб дунёга ўт очган уволгинам!

Кул-кул бўлган танингни бу кеч тупроқ кўмади,
Сенинг бирла бағри тул онанг буқун ўлади.
Авлодинга кўп қийин «кююк»ли ном олади,
Вадном бўлган Нафратдай беном қолган гулгинам.

Қутлуғ ернинг бағрига қора гулдай борарсан,
Дўсту тенгқурларингнинг юрагини ёрарсан.
Ўз танинг ўзинг ёқиб, кимдан ўчинг оларсан?
Еруғ ерга сиғмаган гулдайн уволгинам!

Ким ул сенинг бошинга чарху гирёнлар солган?
Чўғдай иссиқ бағринга совуқ илонлар солган?
Шодумон дамларинга оху нолонлар солган?
Ажални ҳам қақшатгай бундайн саволгинам!

Афсус бўлсин, кўксингда унмаган зурёд кетди,
Ўн гулингдан бири ҳам очилмай оҳда кетди.
Сени дея яралган насиба доғда кетди,
Шул дунёда ўсмаган гулдайн уволгинам!



Кўзларингни тиндириб алам сени алдади,
Тилла рангли кўйлақда армон сени алдади.
Гоҳ қирмизи, гоҳ башанг хижрон сени алдади,
Алдоқларга суюлиб асир тушган оргинам!

Қора шолинг юзинга қора кундай ёпилди,
Сен қилган бул номардлик қора кунга ёйилди.
Оқ маржонинг шуъласи қора тунга чайилди,
Қора туннинг келини — қўлдан кетган соргинам!

Сен ёнган қора кунда кўшиқ ҳам ёнди сим-сим,
Унинг аччиқ дудидан ошиқ ҳам ёнди жим-жим.
Ким деган зот бўлди ул, гўё шам ёнар хун-хун,
Ўзин ўйлаб ўзгани ўйламаган зоргинам!

Ложувард кўк юзидан юлдуз учди-ю кетди,
Қирқ қиз канизак бўлса, бир қиз учди-ю кетди.
Малаклар оламига ҳурқиз учди-ю кетди,
Номинг бор-ку ўзинг йўқ, ўзи йўқ уволгинам!

ЙИГИТЛАРГА

Сизга биз тоғ деймиз суянчиқ билиб,
Оғир юкимизни тутамиз Сизга.
Эртанги кунимиз нурафшон кўр б,
Номингиз боғлаймиз ҳар ўғил-қизга.

Сиз борки, хоналар меҳрга тўлиқ,
Бекамдир бул олам, бутдир нонимиз.
Сиз борки, келажак кўринур қутлуғ,
Соф эрур томирда жўшқин қонимиз.

Сиз ато этасиз бизга фарзандлар,
Биз эса, юракдан яратармиз гул.
Бул чаман бағрида унгай чечаклар,
Бул бўстон саҳнида янграгай кўнгил.

Сиз теран дунёдай зуккосиз, доно,
Сизнинг қўлларингиз тутмасин шамшир.
Мағрур бошларингиз эгилмасин ҳеч,
Сиз-ла маъно топсин ҳар базму жамшид.

Тоғим деб сиғиндим, Сизга, йигитлар!
Ҳоришни билмасин алпдай елкангиз.
Кўзларни қувнатсин шеъру ҳайратлар,
Беармон яшасин биздай бекангиз!



НОТЕНГЛИК

Менинг-ла сўзлашга бўлса иштиёқ,
Отингиз жиловин бўшатиб биров.
Қандай ҳам мулоқот бўлиши мумкин,
Мен ахир пиёда, сиз отдасиз ғоз.

Кибрдан тўн кийиб, гурурдан белбоғ,
Боқасиз тоғдайн бўйра устидан.
Мен эсам тўдадан айрилган қушдай,
Изимни беролмам сизга, рости гап.

Ҳайқирсам товшимдан силкингай Замин,
Ахир томирларим ер билан туташ.
Қуласам тупроққа кунлардан бир кун,
Яна ул бағрига олгувчи Қуёш.



Қисматда ҳокимлик қилганида қиш,
Шул она Заминнинг тафти асради.
Бўғзимга келганда оғир хўрсиниш,
Қалби пок инсонлар бошим силади.

Сиз тулпор устида Заминдан йироқ,
Мен унинг кўксиди очилган гулман.
Нотенглик тахтидан ўлмасман бироқ,
Сўз айтманг, барибир мен тингламасман.

ҚУЛАГАН ҚАСР

Юлдузлар ортида ғужғон санамлар,
Ўғирлаб кетишар эрмакларимни.
Қиймалаб юрагим ёққан аламлар,
Кул қилиб олишар эртақларимни.

У ерда ёнгайлар Ойгул, Барчинлар,
Музлаган хазоннинг ўчган қўридай.
Есуман гўёки менга ачинар,
Етсираб кирарман унга ўғридай.



Эртақлар оламин қасри қулайди,
Гўрўгли оғамнинг оти йиқилар.
Гулшанда ётсираб бўри увлайди,
Оймома булутни босиб ғижинар.

Не бўлди, бу ахир қандай хотима?
Евузлик устидан адолат қани?
Авф этинг, китобмас, ёмон таржима
Адашиб қўлимга тушиб қолибди.



* * *

Қутлуғ оним — ёлғизлик фасли,
Сочларингнинг оқи қадар ҳақ.
Ул отилган қалдирғоч саси,
Ул кўнглимда тўнглаган шафақ.

Ёлғизликнинг тахти тиллодан,
Ўлтирибман мен унда голиб.
Нечун ҳар кеч дарчам чертасан?
Остонамда қуйлайсан ёниб?

Шаҳсуворим, сўйлагил ҳақни,
Мени тахтга ўтказган кимдир?
Давронликка йўқ энди ҳаққинг,
Гуноҳинг ҳам, эҳтимол, йўқдир.

Лекин энди ўзим малика,
Ёлғиз тахтинг ёлғиз тождори.
Естиғимнинг ярмида Армон
Билмай яшар ҳатто ўз номин.



СУЛАЙМОН АЗИМОВ

билан суҳбат

Жумҳуриятимиз маданиятининг жонкуярларидан бири, кекса коммунист Сулаймон ота Азимовнинг ҳаётида шахсга сиғиниш даври ўзининг қора изини қолдириб ўтди. Яқинда ёш ёзувчи Шеркон Қодирий отахон билан суҳбатлади. Ана шу суҳбатнинг мундарижасини хурматли журналхонлар эътиборига тақдим этаётимиз.

Шеркон ҚОДИРИЙ. — Сулаймон ота, Сиз ўша даҳшатли, қатагон йиллар жабрини тортгансиз — 14 йил озодликдан маҳрум этилгансиз. Суҳбатимиз ўша давр ҳақида кечса... Зеро, ўтмиш қабохатлари биз ёшларни доимо ҳушёрликка ундаб турса...

Сулаймон АЗИМОВ. — Дунёдаги мамлакатлар тарихини билганингизча кўз олдингиздан ўтказинг, мамлакатлар тарихини, айрим даврларини, қизиқтириб қолса, имконияти борича муфассалроқ қаранг. Октябр инқилобидан илгари Русия тарихини ҳам ва Советлар даври тарихини ҳам кўздан кечиринг. Мен қўлимдан келганича шундай қилиб кўрдим. Аммо Советлар мамлакатиде кейинги 55—60 йиллар оралигида юз берган фожиали ҳодисаларни дунёнинг бирор мамлакат тарихида кўрмадим. Ҳеч қандай сабабсиз ур-йиқитлар, фожиалар, қирғинлар, ақл бовар қилмайдиган қонли зуғумлар, миллион-миллионлаб гуноҳсиз қурбонлар, бирин-кетин киши кўз ўнгидан ўтаверади. Даҳшат устига даҳшат кишилар руҳига таъсир этаверади. Буларнинг сабаби нима? Ким ўйлаб чиқарган бундай тартибни? Кимнинг манфаати учун? Кимга қарши? Тушуниб кўринчи?!

Бу ҳақда кимлар бош қотирмади, дейсиз. Кимлар хулоса чиқармади. Қайси хулосалар кимларни қаноатлантирди? Ким бу ҳақда гапириши мумкин?! 1937-1938 йиллари, айниқса, даҳшатли бўлган. Бу даврнинг асосий қонуни — қонунсизлик, ҳеч қандай андозага сиғмайдиган зўравонлик эди. Ўша йиллари ҳукм сурган ёппасига қирғин аслида сал илгарироқ бошланган. Партия, совет ходимларига қарши, умуман совет халқининг онгли зиёлиларига қарши олиб борилган қирғин эди.

1934 йилда мен Москвадаги тарих, фалсафа, адабиёт институтининг фалсафа факультетида таҳсил олардим. Ўша йилнинг 1 декабрида ВКП (б) МКнинг секретари, Ленинград обкомининг биринчи секретари С. М. Киров «Қотиллар томонидан ўз хонасида отиб

ўлдирилди», деган хабар эшитдик. 2 декабрда институтда шу ҳодисага бағишланган катта йиғилиш бўлди. Унда барча ўқитувчилар, ўқувчилар қатнашди. Институт, директори, тарихчи, профессор Прегожин маъруза ўқиди. Биз талабалар қотилларни қатъий қораладик. Қотилларга қонун бўйича жазо берилишини талаб қилдик. Буни қарангки, орадан кўп ўтмай шу йигин маърузачиси қамоққа олинди. «У С. М. Кировни ўлдиришда иштирок этганмиш», деган гап тарқалди. Яна бирор кундан сўнг бир нечта профессор қамалди. Яна қамалди... «Институтдагиларнинг бари Кировни ўлдиришда иштирок этганмиш...» Бундай қама-қамалар бошқа шаҳар институтларида ҳам юз берган. Ажаб?! 1 декабрда Киров Ленинградда, шубҳасиз, қотиллар томонидан ўлдирилган. Қисқа вақт ичида ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари қандай қилиб Москва ва бошқа катта шаҳарлардаги одамлар орасида Кировнинг қотиллари «шериклари»ни аниқлашга эришдилар?! Бу ҳодиса ҳеч қандай мантиққа тўғри келмаслигини ўйлаб ҳам ўтиришмади.

Мана, шундай қилиб қама-қама тўлқинлари бошланиб кетди. У кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга кўтарилаверди, кенгайверди, кенгайверди. 1937—1938 йилларга келиб, умумий қирғинга айланиб кетди. Энг даҳшатлиси, бу қирғин совет кишиларининг энг етуқ, ҳалол, малакали, билимли, ишчан, ҳақгўй жамиятимиз ҳаётидаги турли оғирликларни ўз елкаларида кўтариб бораётган гайратли кишиларга қаратилган эди. Улар совет халқининг фахри, партия, совет давлатининг чинакам арбоблари — йирик олимлар, ёзувчилар, педагоглар, врачлар, ҳарбийлар, қисқаси, маънавий оламнинг йирик арбоблари эдилар.

Ш.Қ. — Бу қирғиндан жумҳуриятимиз аҳолиси ҳам озмунча азоб тортди ахир.

С.А. — Мамлакатимизнинг қайси бурчида бўлмасин бу қирғин ҳақида гапирганда: «Энг даҳшатлиси бизда кечган», дейди-

лар. Демак, мамлакат аҳолиси ёппасига қирғин қилинган. Бу совет жамиятининг маънавий кучига қарши шафқатсиз зуғум эди. Тарихнинг ҳеч қандай андозаси ўз ичига сиғдира олмайдиган бу қабохатнинг бошида Сталин диктатураси турар эди. У ўз мақсадларини амалга ошириш учун атрофига ўзига маъқул кишиларни йиққанди. Масалан, Ягода, Андреев, Жданов, Ворошилов кабилар Сталиннинг суянган кишилари эди. Сталинизмнинг бу содиқ қуллари ҳамма иттифоқдош жумҳуриятларнинг шаҳар ва ноҳияларига қўйилган эди. Улар ҳар дақиқа тинч аҳоли бошига мушт ўқталиб дағдаға қилишарди, катта-кичик баравар саросимага тушарди. Шундай аҳволни кўз ўнгингизга келтиринг, ким гуноҳкор, кимнинг нима айби бор — ҳеч нарсани ажратиб бўлмасди. Бугун бир киши қамалиб кетганларни қоралаб мажлисларда гапирса, эртасига ўша кишининг ўзи йўқ бўлиб қоларди. «Фалончи қани?» десангиз: «У — халқ душмани», деган жавоб олардингиз. Бирорта лойиқ одамни топиб, унинг номзодини жумҳурият депутатлигига қўйиб, гапириб турган жойида унинг ёқасидан олиб, машинасига босиб олиб кетадилар. Ким ҳибсга олинса, шу куниёқ тўрт томонга «фалончи халқ душмани», «чет мамлакат жосуси», «ўз ватанини сотувчи» деб жар солинарди. Ҳамма бу гапларга ишонарди. Чунки бу айблар партия раҳбарлари, ҳукумат, қонун номидан айтиларди. Бутун матбуот саҳифаларида, радиоларда қайта-қайта шундай деб эълон қилинарди. Айрим шаҳарларда кўчалар бўшаб қолди. Кишилар ваҳима билан ётиб, ваҳима билан турардилар. Қўрқинч, даҳшат ҳаммаёқни қоплади.

Ш.Қ. — Ўзингизнинг қамалишингиз сабаблари ҳақида гапирсангиз.

С.А. — Бунинг сабаблари кўп. Майли, мавруди келибди, бирини айта қолай: 1940 йил бошларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро мажлиси бўлди. Унда Усмон Юсу-

пов — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети I секретари; Сажая — Ўзбекистон Ички ишлар Халқ комиссари; Кудрявцев — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари, Абдужаббор Абдурахмонов — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси; Кабанов — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари; Еқуб Ортиқбоев — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари; Мунко — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари; Халил Турдиев — Тошкент обкомининг секретари иштирок этишди (И.Охунбоев иштирок этмади). Бюрода битта масала кўрилди. Яъни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси бошқа лавозимга тайинланганлиги муносабати билан унинг ўрнига раис сайлаш масаласи эди. Бу ўринга У.Юсупов бир номзодни кўрсатди. Елғиз мен: «Йўқ, бўлмайди, бу лавозимга маҳаллий шароитни яхши биладиган ўзбек раҳбар бўлиши керак, қолаверса, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ҳусайнов номзодини таклиф этаман», — дедим. Анча тортишувдан сўнг Ҳусайновни сайладик. Менинг мажлисларда ўзимни бундай тутишим раҳбарларга ёқмагани табиий. Қамоқдан келиб эшитсам, Ҳусайнов 13 йил бу лавозимда ҳалол меҳнат қилибди.

Ш.Қ. — Сулаймон ота, Ўзбекистонда қирғинга учраган зиёлилар ҳақида гапирмоқчи эдингиз?

С.А. — Мен улардан жуда кўпини танир эдим: Абдуллахон Каримов (Қўқондан) — Ўзбекистон Халқ комиссарлар Совети раисининг биринчи ўринбосари эди. 1937 йили Файзулла Хўжаев қамалган. А. Каримов унинг ўрнига сайланган. Қасби иқтисодчи, билимли, серсалобат одам эди.

Холмуҳаммад Охундий (Марғилондан) — араб, форс, рус тилларини мукаммал эгаллаган, публицист, маъсул партия ишларида хизмат қилган. 1931 йилларда ВКП (б) МКда Миллий матбуот тармоғининг мудири бўлган.

Ўзбекистонда ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларда ёзган публицистик мақолалари билан машҳур эди. У ўз мақолаларига «Х. О. Марғилоний» деб имзо қўярди. Холмуҳаммад Охундий 1924 йилга қадар Қўқонда «Фарғона» газетасининг муҳаррири эди. Унинг раҳбарлигида Абдулла Раҳмат, Лутфулла Олимийлар фаолият кўрсатишарди.

Карим Қори Икромов (тошкентлик) — Акмал Икромовнинг акаси. 1937 йилда Тошкент шаҳар, Октябр ноҳияси ижроқўмининг раиси эди...

Абдулхай Тожиёв (тошкентлик) — ўзбек, рус тилини мукамал эгаллаган, маълумотли, А. Икромовнинг яқин маслақдоши, СССР Миллатлар кенгаши котиби эди. 1937 йили Ўзбекистон Марказий ижроқўми раиси ўринбосари ва Тошкент шаҳар Советининг раиси лавозимида ишларди. Жумҳурият матбуотида «Абдулхай» имзоси билан публицистик мақолалари эълон қилиниб турарди...

Мирмуслим Шермухамедов (тошкентлик) — партия, давлат арбоби, 1930 йилларда Ўзбекистон маориф комиссари лавозимида ишлаган. 1937 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири эди. Новча, серсалолат одам эди.

Ғулум Ёқубов (тошкентлик) — Ўзбекистон совет партия ташкилотларини тузувчи фаоллардан бири, узоқ йиллар давомида Тошкент шаҳар Эски шаҳар ижроқўмининг раиси бўлиб ишлаган. Ўзбекистон халқ хўжалиги (ВСИХР) раиси лавозимида ишларди.

Камол Шарипов (самарқандлик) — босмахона ишчилигидан Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби даражасига кўтарилган. 1931 йилда у ВЛКСМ Марказий Комитетининг котиби бўлган. 1937 йилда Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлигида сиёсий бўлим бошлиғи эди. Камтарин, гапга уста, ишчан одам эди. Бедарак кетди.

Миркомил Миршаропов (Тошкентдан) — машҳур саркарда, бригада генерали эди. 1919 йилдан бошлаб Тошкентдаги Осипов исёнини бостиришда фаол қатнашган. Мен 1937 йилнинг ёзида Москвада Большой театр шубасида «Риголетта» операсини у билан бирга томоша қилганман. Озроқ вақтдан сўнг қамалди.

Аҳмадбек Мавлонбеков (Ленинбод областидан) — узоқ йиллар Ўзбекистон Юстиция Халқ комиссари лавозимида ишлаган, кекса коммунист, билимли, гапга уста одам эди.

Болтаев (хоразмлик) — эски партия аъзоси, Ўзбекистон Ер ишлари Халқ комиссари эди. Ишчан, камтарин, содда одам эди.

Давлат Ризаев (хоразмлик) — партия раҳбарлик лавозимида ишлаган. Ўзбекистон маорифи Халқ комиссари ўринбосари лавозимида ишлаган.

Содиқжон Болтабоев (қўқонлик) — ишчи, Ўзбекистон КП МКнинг тафтиш комиссияси раиси бўлиб ишлаган. 1937 йилда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби лавозимида эди.

Камтарин, содда, ишчан эди.

Бек Бектемиров (Хоразмдан) — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг тафтиш комиссияси раиси ва ишчи-деҳқон тафтиш Халқ комиссари ва бир вақтда чегара дивизияси комиссари эди. 1933 йили туркман халқи очликдан қирила бошлаганда «Давлат омборидан ғаллалар бозорга олиб чиқиб сотилсин!» деган буйруқ чиқарган. Эртасига Москвадан Каганович имзоси билан «Бек Бектемиров тезда қамалсин» деган буйруқ келган. Суд Б. Бектемировни олий жазога ҳукм қилган. Сўнг ҳукм 10 йиллик жазога алмаштирилган. Муддат ўталгач, қайта суд қилиб, 5 йил қўшиб берилган. 1948 йилда Урганчга қайтиб келди. Ёғ заводига ишчи бўлиб (селсар) жойлашди. Оз вақт ўтмай яна эски ҳукм билан қамалган. Мен у билан 1952 йил Сибир тайгасида учрашганман. 1961 йилда 29 йил тутқунликда ўтириб, қайтиб келган. Туркманистон КП Марказий Комитети дарров унга шароит яратиб берган. Борди-келдимиз бор эди. Яқинда вафот этди.

Собиржон Содиков (Тошкентдан) — «Тажриба станцияси» директори бўлган, академик Р. Шредер билан бирга ишлаган, Оржоникидзе райкоми секретари бўлиб ҳам ишлаган, 1937 йилда қамалиб кетган. Мен у киши билан Эски шаҳар маориф уйида ва районда бўладиган турли йиғилишларда учрашар эдик. Урта бўйли, истараси иссиқ, сўзлари ёқимли киши эди. Эски шаҳар зиёлиларининг йиғилишларида тез-тез бўлиб турарди. Кўрилаётган масала юзасидан ҳамма вақт ўз фикр ва мулоҳазаларини айттарди. Ҳамманинг ҳурматини қозонган эди. Ўз ҳаёт фаолияти билан ҳаммага ўрнак бўларли киши эди.

Исо Шарофхўжаев (Бухордан) — журналист, партия ходими, «Еш ленинчи» газетасининг муҳаррири эди. 1937 йил Ўзбекистон КП МКнинг матбуот бўлими мудири бўлиб ишлаган.

Муҳиддин Усмонов (Андижондан) — зиёлилардан. Ўзбекистонда Совет ҳукумати ташкил топган вақтда комсомол ташкилотини тузганлардан бири. Уқитувчи, 1920 йили Тошкентга келган. Маориф Халқ комиссарлигида ишлаган. 1941 йили қатагон қилинди.

Комилжон Алимов (Тошкентдан) — эски партия ходими, А. Икромовнинг қалин дўсти, қалами ўткир ҳамда нотик эди. Турмада нобуд бўлган. Укалари — Раҳматилла Алимов қатагон қилинган, Лутфулла Алимов 10 йилга ҳукм этилган. У 1937 йили ҚҚАССР обкоми секретари эди.

Насриддин Хўжаев (тошкентлик) — 1919 йилдан партия аъзоси, қамалганда Тожикистон Марказий Касаба союзлари раиси эди. 1937 йили 90 ёшида вафот этди.

Қори Йўлдош Пўлатов (Бухордан) — Бухоро Халқ Жумҳуриятини тузишда фаол қатнашган. Файзулла Хўжаевнинг сафдоши.

Мўмин Хўжа — Ўзбекистон Халқ маорифи комиссари эди.

Шариф Ражапов (Ленинбоддан) — Ўзбекистон КП МКнинг пропаганда бўлимида ишлаган.

Ғани Исҳоқов (тошкентлик) — ишчи, истеъдодли ташкилотчи



эди. Ўзбекистон КП МКнинг бўлим мудири бўлиб ишлаган.

Ғулум Акромов (тошкентлик) — босмахона ишчиси, ишчан одам эди. Округ маориф бўлими ходими эди. 1937 йили Норинда ноҳия партия комитети биринчи котиби эди.

Одилқор Ғулумов (Тошкентдан) — зўр билимли, маорифчи эди. Эски шаҳар маорифчилар партия ташкилоти котиби вазифасида ишларди. 1937 йили Қўқон яқинидаги ноҳияда ижроия қўмитаси раиси эди.

Ботир Ғулум (тошкентлик) — лирик шоир, Самарқандда ўқирди.

Шокиржон Раҳимий (Тошкентдан) — Ўзбекистон жумҳурияти Халқ маорифининг етук арбобларидан, 1920 йилларда «Совға» номли китоби нашр этилган. Барча ўзбек зиёлилари шу китобни севиб ўқирди. Бу киши мени партия сафига қабул қилишга қафолат берган.

Мирзахўжа Уринхўжаев (Самарқанддан) — 1918 йилдан партия аъзоси, Самарқанд вилоятида босмачиларга қарши курашган.

Эшон Вобо Исмолов (Тошкентдан) — Ўзбекистон Халқ маорифининг юкалишида кўп меҳнати сингган. Кексайган, кўп йиллар қамқонхона азобларини тортган. Менга сабоқ берган домлам. «Бир парча нон» мавзуида иншо ёзишга вазифа берган. Вазифани аъло адо этганим учун мукофотга дафтар тақдим этган.

Абдулла Қодирий, Мажид Қодирий, Собир Қодирий, Наби Қодирий, Ҳабиб Қодирий.

Ш.Қ. — Кечирасиз, Сулаймон ота, иложи бўлса, Қодирийларга муфассал тўхталсангиз.

С.А. — Мажид ва Собир Қодирийлар жуда зўр маърифатпарвар эдилар. Собир Қодирий (Тошкентдан) — Ўзбекистонда Халқ маорифи комиссари комиссиясининг аъзоси эди. Мажид Қодирий (Тошкентдан) — техникум директори эди, Ҳабиб Қодирий — (ўшлик, уйғур) — файласуф олим, журналист, партия ходими, Ўзбекистон КП МК матбуот бўлим мудири эди. Наби Қодирий (Тошкентдан) — партия ходимларидан, Ленин асарларидан ўзбекчага таржима қилган ва ниҳоят Абдулла Қодирий — менимча, унинг номини билмаган, у ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Аммо уни кўрган-билган одамлар жуда кам қолган. Адиб яратган «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» каби асарлари ўз вақтида омма орасида кенг тарқалган. Унинг номи

бундан 60 йил муқаддам ҳам маълум ва машҳур эди. Чунки Қодирий асарларининг ўзбек тилида, ўзбек маънавий ҳаётида пайдо бўлиши, маънавий ҳаётимизда кенг ва тубли тўлқин тусини олди, бу тўлқин ҳанузгача давом этапти. Унинг ўлмас асарлари ҳаётимизнинг турли қатламларига кириб, маънавий тараққиётимизнинг мазмунини бойитди.

Кейинги вақтларда халқимиз орасидан, айниқса ёшлар, адабиётимизга катта куч бўлиб кириб келишмоқда. Кишини қувонтирадигани хотин-қизларимиздан ҳам келажаги порлоқ, умидли ижодкорлар кўпаймоқда. Бадий истеъдод осмондан тушмайди. Қуруқ заминдан ҳам унмайди. Уларнинг дунёга келиши учун, маънавий озиқланадиган тарих сабаб бўлади. Бу ёш қалам соҳибаларининг асарларини ўқиган ҳар бир киши тилимизнинг кучини, жиосини ва турли ҳиссиётларини равшан қилиб бадий тасвирлаб бериш қудратига ишонч ҳосил қилади. Шу жиҳатдан Навоий ҳаракатларининг ўзбек тилига берган зўр баҳоси билан ҳозирги ёш қаламкашларнинг тил маҳорати ўртасида маълум муштараклик бор, десак бўлади. Ўз асарлари билан менда ўзларига ғойибона ҳурмат уйғотган ёш қаламкашларнинг исмларини бирма-бир айтгим келади. Бироқ суҳбат мавзуи ва белгиланган ҳажми менинг тилагимни бажо келтиришга имкон бермайди. Менимча, бу ҳақида муфассалроқ гапни мутасадди ўртоқлар ўз вақтида айтишса керак. Лекин мен шунга таъкидламоқчиманки, ҳозирги ўсиб келаётган ёш истеъдодлар бой, руҳий, маънавий заминда пайдо бўлди. Булар замонлар оша ўз буюк аждодларининг бадий ва маънавий меросини эмиб етилаётган ва эртага ё индинга халқимизни қувонтириши мумкин бўлган серғайрат, онги равшан, қўрқмас адибларимиз, шоирларимиз ва бошқа маданият, умуман маънавийтимиз арбобларидир.

Энди юқориди таъкидланган «маънавий мерос» ҳақида кенгроқ тўхталмоқчиман. А. Қодирийнинг «Ўтган кунлари» 1926 йили уч қисмдан иборат бўлиб чиққан эди. Биз ўша вақтда мактаб ўқувчилари китобнинг ҳар қайси қисми чиқши билан йиғилишиб ўқиб чиқардик. Китоб кейин бир бутун бўлиб чиқди. Уша вақтда ўқувчилар орасида бутун гап-сўзлар фақат «Ўтган кунлар» устида юритиларди. Сўнгра «Меҳробдан чаён» китоби чоп

этилди. Уни ҳам аввалги китобдек қизиқиб ўқидик. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи чиқиши билан барча халқ уни ўқишга «ёпирилиб ташланди» десам, менимча, лоф бўлмаса керак. Унинг асарлари чиқиши билан қўлма-қўл тарқаларди. Адиб асарларининг мўъжизаси бўлса керакки, дарров ҳаммани ўзига ром этарди. Қаерда қанча одам тўпланмасин, кўчадами, маҳалладаги одамлар ўртасидами, суҳбат Қодирий романларининг қахрамонлари ҳақида борарди. Шу суҳбатларда иштирок этган кексароқ одамлар Қодирийнинг илгари «Муштум»да ёзган асарлари — «Калвак Махсум ён дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» сарлавҳали ҳажвия ва ҳикоялари ҳақида гапириб берардилар. Қисқаси, бутун Ўзбекистон маданиятининг асосий мавзуи Жулқунбой, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», уларнинг қахрамонлари ҳақида бўларди. Фақат қуруқ гаплар эмас, аксинча, шундай асарлар яратган А. Қодирийни зўр эҳтиром билан тилга олардилар.

Ўзбекистонда кўтарилаётган асосий руҳ, қайнаб бораётган ижтимоий ҳаёт кезларида Абдулла Қодирий асарларининг бадиий эстетик маънавий кучининг таъсири китобхонларни дунёга кенг, соғлом назар билан қарашга ўргатарди. Эътибор берилса, омма орасида Кумуш, Раъно, Отабек, Анвар каби исмлар 27—28-йилдан кўпая бошлади. Халқимизнинг маданий тарихида Абдулла Қодирий асарларидек кенг ўрин олган, халқни руҳий озиклантирадиган бошқа бирон бир асарни ҳозиргача учратмадим.

Ойлар ўтди, йиллар ўтди. Қора булутлар тўплана бошлади. Ҳар бир соғлом ҳалол, малакали зиёлининг ҳаёти хавф остида қолди. Ўша пайтларда кимнинг қўлида А. Қодирий асарлари кўринса, у ҳеч иккиланмай қамоққа олинарди ва Сталин маҳбусларига жўнатиларди. Шундай бўлса ҳам Қодирий асарларини маданий ҳаётимиздан тамомла сиқиб чиқариш ҳеч кимнинг қўлидан келмади. Ҳатто, талабалар «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг саҳифаларини бўлиб, кўрпалари остига тиқиб, яширинча бир-бирларига узатар эдилар. Айрим масъул партия ходимлари Қодирий асарларини Ўзбекистонда ўқишдан қўриқиб, қурортларга бориб ўқиб келишарди.

Ш.Қ. — Кечирасиз, шу ўринда дадам Ҳабибулла Қодирий сўйлаб берган бир воқеа ёдимга тушди. Усмон Юсупов ишдан олингандан сўнг «Ўтган кунлар»ни ўқиб: «Аттанг, шу кишини олиб қолсам бўларкан-а», деган экан.

С.А. — Бўлиши мумкин. У. Юсупов умуман бадиий китоб ўқимаган раҳбар эди. Мана шундай саводсизлар бир кишини ҳибса оладилар, уйини тинтув қиладилар. Уйдан «Ўтган кунлар» чиқади. «Буни сен ҳам ўқиган бўлсанг керак», деб унинг 10-синфда ўқийдиган боласини мактабдан олиб, 10 йилга ҳукм қилиб юборадилар. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарини ўқиганликда фараз қилинган мактаб боласи, «ёш жиноятчи»ни «хавфли жиноятчилар» қамоқхонасида ўз кўзим билан кўрган-



Ҳасан-Ҳусанлар.

О. Губенко расми.

ман. Ундайлар жуда оғир, руҳий азобланганларида, уларга қўлимдан келганича тасалли берардим.

Абдулла Қодирий шунчалик машҳур, севимли бўлишига қарамай, ҳеч қаерда ўзини кўз-кўз қилмасди. Минбарларга чиқиб кўкрак керич, кўпчилик йиғилган ерларда роз юриш қилиб, «мана мен» дейиш у вақтда ҳар бир ўзини билган кишига ёт эди. Шухратга интилиш — пўстаки кишиларнинг иши. Бундай арбобларнинг чигиртка каби кўпайиши, афсуски, кейинги даврда юз берди. Киши қанча бетамиза бўлса, ўзини-ўзи шунча кўз-кўз қилади. Пўстаки одамга ташқи ниқоб керак. Ўша замонларда ниқоб остида кун кўрадиганлар беҳад кўпайиб кетди. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам ўша ниқобларини ечганлари йўқ. Ҳақиқий башарасини эл-юрт кўриб қолишдан қўчишади.

Абдулла Қодирийнинг ўзини кўрмаган бўлсам-да, унинг сиймосини кўз олдимга келтирардим. Менимча, бу у кишининг «Муштум»даги фелъетонларини доимий ўқиб боришим таъсирида бўлгандир. Мени мактабда (Вешёгочдаги «Намуна» тажриба мактаби) ўқитган домларим: «Эшон бобо Қори Исломов (10 йил қамалиб нобуд бўлган), Илҳом Одий — тилчи, Дўстмуҳаммадов (хусниҳатдан сабоқ берардилар) лар Қодирийга тенгдош, ҳамдард одамлар эди. Улар Абдулла Қодирий ҳақида фахрланиб гапиришарди. Булар ҳам менга ўз таъсирини кўрсатган. «Абдулла Қодирийга ўхшаган одам бўлиш учун нима қилиш керак экан?» деган хаёл доимо онгимда чарх урарди. Кейин А. Қодирийнинг ўзини кўрдим. Одамлар билан гаплашиб турган экан, танишиш истаги кучли бўлса ҳам яқинроқ бориб: «Сиз Абдулла Қодирийми?» дейишдан ўзимни тийганман. Мен мактаб боласи, у киши эса,

машҳур Абдулла Қодирий — Жулқунбой, унинг салобати бир менигина эмас, балки, катта ёшдагиларни ҳам босар эди. Кейин у вақтларда халқимиз катталарга ҳурмат, одоб ҳозирги замонга қараганда жуда ҳам кучли эди. 1927—1928-йиллар тушунчаси билан қараганда, мактаб боласининг машҳур, нуфузли, катта ёзувчиларга дабдурустдан қўл узатиб кўришиши ахлоқ, одоб чеғарасига сиғадиган ҳолат эмас эди. А.Қодирийни учратганимда уни кўрмай туриб қилган тасаввурим тўғри чиқди. Кейинги пайтларда босилиб чиққан асарларида сура ти бор. Мўйлови, қоши, кўзи, юзининг тузилиши, кўйлаги худди ўша мен кўрган А. Қодирийнинг ўзи. Уни кўрганимдаги кўз қарашлари: гўё бутун дунёнинг маъноси шу одамнинг кўз қарашларида тўплангандек таассурот қолдирган. Ўзи жуда бошиқ, салобатли одам эди. Бу менинг уни ўша учратганимдаги кўрган илк таассуротим. Агар яқинроқдан мулоқотда бўлганимда, билмадим... Ҳар ҳолда янада кучлироқ таассурот қолдириши табиий эди.

Яқин 60-70 йиллик ўтмишимиз: шу орада учратган, билган катта-кичик, турли касб эгалари, айниқса турли касб зиёлилари билан бўлган мулоқотларим, хусусан ўн тўрт йиллик турма ҳаётим ва шахсий тахминимга суяниб айтганда шу йиллар ичида жуда кўп номи тарихда қоладиغان ёзувчиларимиз ва бошқа зиёлиларимиз бўлган.

Абдулла Қодирийнинг тарихда тутган мавқеи бошқаларникидан фарқ қилади. Умуман, бадиий адабиётимизнинг ўсиши, унинг асосий омиллари, бадиёети, катта-кичик арбобларнинг етишиб чиқиши, халқда маданий меросимизга бўлган муносабатларнинг кенгайиши ривожланиб бориши, кадрлаш тушунчалари — буларнинг ҳаммасига хизмат қилган замин А. Қодирийнинг

елкаси дегим келади. Тарихимизнинг кейинги 50—60 йиллари кўп ур-йиқитлар билан ўтди. Шу даврда яшаган, шу даврни кўрган-билганлар сафи ҳам кундан-кунга сийраклашяпти. Аммо бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммаси қоғозга тушган эмас.

Халқимизнинг етук вакиллари, илғор қисми қуруқ бўҳтонлар қурбони бўлиб кетган, бегуноҳ қирилган. Чунки ўша замоннинг қонуни — қонунсизлик эди. Уларнинг ўғил-қизлари пешонасига «халқ душманининг фарзанди» деган тамға босилганди. Инсон ҳуқуқи поймол қилинган, жабр устига жабр ёғилган кишиларни даҳшатга солиб, маънавий карахт ҳолига келтириб қўйилганди.

Энди, партиямиз ошкоралик ва демократиялаш асосида жамиятимизни қайта қуриш каби буюк ишларни олиб бормоқда. Инсонлар эндигина ўзларига кела бошладилар. Одамлар энди тилга кирдилар. Мана шундай вақтда ҳам тарихда мисли кўрилмаган жиноят қатламларини ёпиб: «...айтиб қўйсам, нима бўларкин?» деб қўриқиб ўтириш, тарих олдида гуноҳ эмасми? Шу боисдан кекса авлоднинг вазифаси — ўзи кўрган-билганларини ҳозирги авлодга етказиш, токи кишилар ўтмишимиз ҳақида бор гапларни, ҳақиқий ҳодисаларни эшитсинлар, билсинлар! Бунингсиз ўтмишнинг жиноят қатламлари очилмай қолиб кетаверади. Ўтмишимиз ҳақида кишилар онгида ёлгон тасаввурлар туғдиради. Бу эса, қўйинга тўлдирилган пуч ёнғоққа ўхшайди. Токи элининг, халқининг келажагини ўйлаган, ўзини билган одам пуч ёнғоқ билан ҳеч кимнинг қўйини тўлдирмасин.

Ш.Қ. — Домла, ҳаммага ўрناق бўладиган суҳбатингиз учун Сизга катта раҳмат! Саломат бўлинг!

Суҳбатни Шеркон ҚОДИРИЙ олиб борди.



Ўзбекистон ССР халқ шоири Қуддус Муҳаммадий ўқувчилар даврасида.

Э. Иўлдошев сурати



Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан халқ миннатдор.


А. Жумаев суратлари



Тил байрами — халқ байрами.



Шеърят ихлосмандлари Алишер Навоий ҳайкали пойига гулдаста кўйдилар.



Э. АБДУЛЛАЕВ. ОРОЛНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК.



В. Сваричевский сураги

Дорифунун пилапоояларида.



Умумий ва амалий кимё фанига бағишланиб Тошкентда бўлиб ўтган XIX менделеевчилар съезди иштирокчилари бўлган олимлар — (чапдан) Светлана Новикова, Мирҳожии Асқаров ҳамда Германия Федератив Республикасидан келган кимёгар олимлар Вольфганг Мерц ва Алайс Хаас.

Ш. Иброҳимов ва
Р. Нуриимбоев суратлари



Роҳатижон экан...

А. Жумаев олган сурат

Оқилжон ҲУСАН

Шундай бир фантастик лавҳани тасаввур қилайлик. Физик-техник ва маънавий-руҳий фанларнинг қудрати билан буюк аждодларимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино жумҳуриятимиз пойтахти Тошкентга ташриф буюрадилар. Учала аллома таксига ўтирадилар-да, дастлаб шаҳардаги Кўкрак хирургияси институтига борадилар. Институтдаги ишлар билан бир қадар танишиб бўлиб, ташқарига чиқадилар-да, Абу Али ибн Сино ҳайкалини томоша қиладилар. Улуғ табиб ибн Синонинг ўзи ҳам авлодларининг эҳтиромидан хурсанд бўлади, хиёл жилмаяди.

Алломалар яна таксига ўтириб, йўлга тушадилар. Беруний проспектида сайр этиб борар эканлар, ҳайдовчи йигит Иттифоқимиздаги энг йирик олий ўқув юрти — Политехника институти Абу Райҳон Беруний номига қўйилганини айтади. Бобокалон олим Абу Райҳон ҳам хушнуд жилмаяди.

— Энди сизларни Чилонзорга олиб бораман, — дейди ҳайдовчи йигит. — У ерда Ал-Хоразмийга ўрнатилган ҳайкал бор. Ундан юқорироқда Алгоритм заводи ва Алгоритм уй-жой мавзеи бор. Назаримда, уларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ...

Алломалар ҳайдовчи йигит айтган манзилларда ҳам бирма-бир тўхтайдилар. Яъни Чилонзордаги Ал-Хоразмий ҳайкалини томоша қиладилар, айтилган заводга ҳам, уй-жой мавзеига ҳам ташриф буюрадилар. Аммо ўз даврида математика фанида инқилоб ясаган Ал-Хоразмийнинг негадир сира ҳам чиройи очилмайдими.

— Ҳа, бахайр, не бўлди сизга, устоз? — деб сўрайди Беруний. Ал-Хоразмий индамайди.

— Дардингизни биз шогирдларингиз ила баҳам кўрунг, — дейди Ибн Сино.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий хаёлида қандайдир тенгламани ечаётгандек ўйланиб туради-да, сўнгра:

— Мен ҳозир мулла Насриддин афанди аҳволига тушубдурмен, — дейди-да, сўзида давом этади. — Уйланиш тараддусинда юрган афанди шўрлик никоҳ кунни ош еярга ҳам фуржа тополмабдур, ҳеч ким анинг ғамини емабдур. Бундин кўнгли озорланган кувёв — афанди қаттиқ мутаассирланадур ва келин келган маҳал қаҳр бирлан: «Ўшангага ош

еганлар кирсун!» дейдур... Менинг ҳам ўшул завудга, уй-жой манзилига бормоғимнинг лузуми йўқ эрди. Мана, худо шоҳид, ўзларингиз инсоф ила сўзлангиз, исму шарифини шу қадар вайрон этарга не ҳожат бор?! Келинг, аждодларимизнинг тасаввурдаги ташрифларига чек қўйиб, гапнинг индаллосига — асосий мақсадга ўтайлик.

«Алгоритм» сўзининг маъноси нима ва у қандай пайдо бўлган? Бу саволга «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг биринчи жилдидан қуйидагича жавоб оласиз:

«Алгоритм, алгорифм — маълум бир типга онд ҳамма масалаларни ечишда ишлатиладиган операциялар системасининг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида. Урта асрларда санокнинг ўнли системаси бўйича тўрт арифметик амал бажариладиган қоида илми алгоритм, деб аташган. «Бу қоидаларни математикага IX асрда ўзбек математиги Ал-Хоразмий киритган. Европада бундай қоидалар унинг номи билан аталиб, «алгоритм» дейилган. Кейинчалик бу ном «алгоритм»га айланган» (академик А. Н. Колмогоров). Ал-Хоразмийнинг «Арифметика» асарининг биринчи сўзи: Қола Ал-Хоразмий сўзлари лотин тилига Digitalgorithmi («Дедики Ал-Хоразмий») деб таржима қилинган. Бунда Ал-Хоразмий сўзи бузилиб, Algorithmi деб ёзилган. Фанда «Евклид алгоритми», «Гиёсиддин алгоритми», «Лурье алгоритми», «Марков алгоритми» деб аталувчи алгоритмлар маълум. Бундай алгоритмлар сони борган сари кўпаймоқда. Алгоритм тушунчаси тобора кенгайиб бориб, алгоритмлар назарияси пайдо бўлди. Алгоритмлар назарияси эса, кибернетиканинг назарий ва мантиқий асосидир. Ҳозир жумҳуриятимизда бир неча илмий муассасалар ва ҳисоблаш тармоқлари алгоритмдан фойдаланиш соҳасида самарали иш олиб бормоқда. ЎзССР Фанлар академияси ҳисоблаш маркази кибернетика институтида олиб борилаётган ишлар бунга мисол бўла олади. Академиклардан В. Қ. Қобулов, Ҳ. Ф. Фозилов ва бошқа олимлар алгоритмнинг қўлланиш соҳасини кенгайтирмоқдалар.

Кўраёспизми, қомусимизда ҳам бу ҳақда очик, дангал тушунтириш йўқ, гап айлантириб келиниб Ал-Хоразмий номига «бир амаллаб» боғланган. Албатта, бундан салкам йигирма йил муқаддам чоп этилган қомусдан гина

қилишимиз ножоиздир. Лекин, ҳар қалай, ўтмиш меросимизга беписанд ёхуд юқоридан қараб баҳо беришимиз — инсофдан эмас-да!

Биз худди шу мавзуда математик олимлар — фан номзодлари Абдуманнон Абдурахмонов, Абдукарим Наимжонов, ёш математик Ботир Зокиров билан сўзлашдик.

— «Алгоритм» сўзи аслида Ал-Хоразмий сўзидан келиб чиққан, — дейишди ҳурматли олимлар. Уларнинг таъкидлашларича, буюк аждодимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг математикага оид кашфиётлари унинг номи билан аталиб, араблар дунёсидан Европага ўтган ва ундан Россияга ўтиб, бизга «алгоритм» шаклида қайтиб келган. Бу жараён қуйидагича юз берган: Европадаги айрим тилларда «х» ҳарфи йўқлиги сабабли дастлаб «Ал-Хоразмий» — «алгорезм» тарзида турланган, бора-бора «резм» шакли «ритм»га айланган, шу тариқа «алгоритм» сўзи пайдо бўлгану Ал-Хоразмийнинг номига алоқасиздек бўлиб қолган.

Тўғри, «ритм» сўзи ўзида «маром», қомусда айтилганидек, «муайян тартиб» маъноларини ташийди, шунга кўра «алгоритм» сўзи математика фанининг маълум бир йўналишларини акс эттираётганини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин жуда оддий бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслик керак: буғдой дони бўлмаса, йўқ жойдан ун пайдо қилиш, ниҳоят нон ёпиш мумкин эмас! Яъни, «нон»га асос бўлган «дон»ни — Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийни асло эсдан чиқармаслик лозим! Ҳеч бўлмаганда, аждодимизнинг номини унинг ўз юртида тўғри талаффуз этсак бўлмайдами? Хўп, майли, заводнинг номи Алгоритм экан, унда, айтайлик, «муайян тартиб» йўсинида маҳсулотлар ишлаб чиқарилар экан, уй-жой мавзеини нега Ал-Хоразмий номи билан аташ мумкин эмас?! Утмишимизга, тарихимизга ҳурмат шуми?

Шу муносабат билан яна битта ҳақли савол туғилади: биз бошқа тиллардан бирор сўзни луғатимизга ўзлаштирганимизда асли қандай бўлса шундайлигича қабул қиламиз-у, нега бошқалар бизнинг сўзимизни хоҳлаганларича бузиб ифода этаверадилар? Назаримизда, бу борада эстонияликларнинг «Таллинн» сўзининг иккита «н» билан ёзилиши учун махсус қарор чиқарганликлари бизга ибрат бўлмоғи лозим.


Яхшиямки, ўзбек тилига Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили мақоми берилди — шунга ҳам салкам уч ой бўлаяпти. Демак, ҳалокат ёқасига бориб қолган тилимизнинг яна ривож топиб кетишига ишонимиз мумкин. Бунинг учун ҳар биримиз қўлимиздан келганича ўз бурчимизни бажарайлик.

Ҳар қалай, «алгоритм» сўзининг «Ал-Хоразмий»дан келиб чиқганини эсдан чиқармайлик...

НЕПТУН САЙЁРАСИ

Нептун сайёрасининг қуёшдан ўртача олислиги 30,07 астрономик йил (4500 миллион километр)га тенг. Сайёра муҳитининг таркибида CH_4 , H_2 , HE моддалари мавжуд. У ўзининг Тритон ҳамда Нерида табиий йўлдошларига эга. Йўлдошлардан бири 1846 йили, иккинчиси 1946 йили кашф этилган. Нептун ердан жуда ҳам олисда ҳаракат қилгани сабабли илмий кузатишлар олиб бориш мушкул... Дунё олимлари яқин-яқингача шундай фикрда эдилар. Лекин коинот фанининг бугунги ривожини бундай қарашларни ҳам инкор этмоқда.

Америкалик олимлар яқинда Калифорниядан «Вояжер — 2» сайёралараро космик кемаси ёрдамида Нептуннинг яхлит суратини олишга муваффақ бўлдилар. Сиз суратини кўриб турган сайёранинг юзасидаги қора доғ — атмосфера қуюнидир. Бу қуюннинг ҳажми шу қадар каттаки, Ер бемалол унга жо бўла олади. Олимлар «Вояжер — 2» космик кемаси ўз ҳаракати йўналишида ерга узатиб турган суратлардан иттифоқо Нептуннинг ҳозиргача маълум бўлмаган учинчи йўлдошини сезиб қолдилар. Уларнинг айтишларича, бу йўлдош Ойдан 5 марта кичик. Аини пайтда мутахассисларнинг Нептун билан яқиндан танишиши давом этапти.



ОЛТИНИ БОР ҚИШЛОҚ ОБОДМИ?

Тошкентдан автобусда бораётган йўловчи «Темур дарвозасидан ўтганидан сўнг об-ҳавонинг кескин ўзгарганини дарров сезади. Чунки сиз шу пайда меридиан чизиқлари кесишган Ғаллаорол ноҳиясига кириб келасиз. Нуротанинг туя ўркакчи тизма тоғлари ҳамда Ғўбдин тоғлари билан ўралган Ғаллаорол ўзининг табиати, ери, иқлими, жўғрофий ўрни жиҳатидан жумҳуриятимизда алоҳида ўрин тутди. Ғаллаорол замини асосан даштдан, яъни суғорилмайдиган ерлардан иборат. Лекин бу заминда ерости хазинаси беқиёс. Шундан бўлса керак, ноҳияни «мамлакатнинг валюта цехи» деб ҳам айтишади. Чунки Ғаллаоролдаги Маржонбулоқ олтин қазиб чиқариш корхонаси мамлакатимизга энг юқори сифатли олтин етказиб беради. Шунингдек, ноҳиядаги Қўйтош конларидан олиб кетилаётган вольфрам метали оддий лампочкадан тортиб, космик ракеталар ясашига ҳам ишлатилаётир. Қолаверса, жумҳуриятимиз бозорларидаги энг олди майиз ҳам шу замин саховатидан нишондир. Ғаллаоролнинг лалмикор баҳори буғдойидан тайёрланган ундан ёпилган нондан емабсиз — бу дунёга келмабсиз! Совхозларнинг чўлларда ёйилиб юрган сурув-сурув қўйларининг саноғи йўқ. Хуллас, Ғаллаоролни саноат, чорвачилик, деҳқончилик ноҳияси, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳойнаҳой, журналхонлар шундай заминда яшовчилар бой-бадавлат, турмушлари тўқис, ташвишдан йироқ кун кечирсалар керак деган хаёлга боришлари аниқ. Афсуски, янглишадилар. Чунки олтини бор юртнинг ҳаммаси ҳам обод бўлавермас экан. Биз

Ғаллаорол ноҳиясида шоир бобомиз Муқимий бундан салкам бир аср муқаддам таърифлаган хароб қишлоқлардан ҳам ночор қишлоқларни кўриб бунга гувоҳ бўлдик. Турғунлик йилларидаги ва ҳозир ҳам баъзи жойларда давом этаётган маъмурий-буйруқбозлик туфайли бир текисда ривожланиш бўлмади. Номутаносиблик шу даражага бориб етдики, оралиги бир неча чақирим бўлган икки аҳоли истиқоматгоҳида осмон билан ерча фарқ қилувчи манзарани кўриш мумкин. Масалан, кончилар шаҳарчаси Маржонбулоқда яшаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Замоनावий нусхада қурилган социал, маданий-маиший бинолар, табобат муассасалари кўзни қувонтиргудек. Шаҳарча аҳолисининг асосий қисми мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келганлар. Дашт ўртасида яшнаб турган бу работдан атиги 1,5-2 чақирим нарида Ғўбдин ва Гумсой қишлоқлари бор. Икки қишлоқда 200 дан ортиқ хонадан истиқомат қилади. Юқорида тилга олинган Маржонбулоқ шаҳридаги шароитнинг юздан бир фоизи ҳам мазкур қишлоқларда йўқ. Ясли-боғча, ҳаммом, клуб, телефон, кутубхона кўпдан бери ғўбдинликларнинг хаёлий орзуларига айланган. Айниқса, ичимлик сув муаммоси бу қишлоқларни қаттиқ исканжага олган. Илгарилари қишлоқ аҳолиси тоғлардан оқиб келаётган булоқ сувларидан истеъмол қиларди. Лекин қудуқлар қазилиб ва улкан қувурлар орқали булоқларнинг суви катта шаҳарларга юборилгач, қишлоққа келадиган сув тортилиб қолди. Энди ғўбдинликлар 3-4 чақирим узоқликдан ичимлик сувини ташиб келишга мажбур бўлишаё-

тир. Лекин овоз эшитилгудек масофадаги Маржонбулоқдан водопровод қувури орқали қишлоққа сув келтиришни бирор раҳбар ўйлашни ҳам ўзига эп билмаётир. Қақраб-қақшаб кетаётган бу қишлоқлар умумий эътибордан аллақачон четда қолган. Икки қишлоққа хизмат кўрсатувчи ягона қишлоқ врачлик амбулаторияси ҳолига эса маймунлар йиғлайди. Чанги чиқиб ётган каталакдек бу уйчанинг ўзи антисанитария ҳолатидадир. Қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасининг пастлиги кишиларнинг кун кечиришини оғирлаштириб юбораётир. Шуниси ачинарлики, Ғўбдин қишлоғининг асосий кўпчилик меҳнатга лаёқатли аҳолиси олтин конларида ва Маржонбулоқ олтин қазиб чиқариш корхонасида меҳнат қиладилар. Кон раҳбарияти арзон ишчи кучини хуш кўрса-да, уларнинг турмуш даражасини ўстиришни ўзларининг вазифалари деб билмайдилар.

Бундай аянчли аҳволни Ғаллаорол ноҳиясининг қатор қишлоқларида ҳам кўриш мумкин. Молтоп, Совруқ, Совруқсой, Жарбулоқ, Робат, Коризқудуқ, Қўтал, Чаёнли, Бахмал, Қоронғул қишлоқларининг бугунги аҳволи шунчалик пастки, бу манзилгоҳларда яшаётган кишиларнинг сабр-бардошига беихтиёр тан берасиз.

Лекин сабрнинг ҳам чегараси бор. Чунки ҳозир Фарғонадаги фожиали воқеалар ҳали ҳамманинг хотирасида турибди. Бу ерда иқтисодиётнинг таназзулли ҳолати, меҳнаткашлар турмуш даражасининг пастлиги, ишчи кучларининг ошиб-тошиб ётганлиги ўша фожиаларнинг энг асосий сабабларидан бири бўлганлиги сир эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ғаллаорол ноҳиясидаги меҳнат-

кашларнинг моддий аҳволи, маданий-маиший турмуш даражаси ниҳоятда ночор. Ноҳиядаги ҳар бир ишловчи ишчининг йиллик даромади 1200 сўмдан ошар-ошмас. Агар ҳозир бозорда бир кило гўшт 6-7 сўмлигини, эркакларнинг бир жуфт пойафзали 50-60 сўмлигини назарда тутсак, юқоридаги даромад суммаси ҳозирги ҳаёт тарзи учун урвоқ ҳам бўлмаслиги аёнлашади.



Совруқ қишлоғидаги мактаб кутубхонасига киришга журъат этиш қийин.

Ноҳия бўйича болаларни боғча-ясиларга жалб этиш 23 фоизни ташкил этади, холос. Мавжуд боғча-ясилардаги аҳвол ҳам қониқарли эмас. Биз «Коммунизм» совхозининг «Дўстлик» болалар боғчасида бўлганимизда у ердаги аҳволни кўриб, маҳаллий раҳбарларнинг шунчалик лоқайдлигига сўз топишга ожиз қолдик. Болаларга берилаётган таомлар билан қизиқдик. Ошхонада бор-йўғи бир хил овқат пиширилмоқда. Бу ҳам гўштсиз, картошкасиз, суяқ. Болалар ичаётган сувни катталар ичса касал бўлиши тайин. Болалар санэпидстанция аллақачон ичиш мумкин эмас, деб хулоса чиқарган сувни, ноиложликдан ичишга мажбур бўлишаётир. Нафақат боғча болалари, бутун Катта Молтоп қишлоғи инсон саломатлигига путур етказувчи сувдан ичиб танлари озор чекмоқда. Қишлоқдан атиги 500 метр нарида эса, тоғлардаги шаффоф булоқларда йиғилган сув қувур орқали Маржонбулоқ олтин фабрикасига боради. Бу сув фабрикада рудани ювиш учун ишлатилади.

Озиқ-овқат истеъмолининг камлиги, экологик аҳвол, оилавий бюджетнинг тенгсизлиги, ижтимоий соҳаларнинг етишмаслиги, айниқса, ноҳиядаги хотин-қизларни мушкул аҳволга солиб қўяётир.

Меҳнатга қобилиятли аёлларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмаслиги натижасида



Молтоп қишлоғи аҳлининг ягона сув манбаи — уларнинг қувонч чашмаси.



М. В. Ломоносов номли мактабда 320 ўқувчи таълим олади. Лекин мактабда бор-йўғи 12 синф хонаси мавжуд. Мактабнинг ўзи эса молхонадан ҳам хароб.

Р. Нуримбоев суратлари

улар умумиттифоқ қонунларида кўзда тутилган имтиёзлардан маҳрум бўлиб қолаётирлар. Юқоридан номлари тилга олинган қишлоқларда яшовчи хотин-қизларнинг 90 фоизи ишсиз.

Меҳнатга лаёқатли, ижтимоий ишлаб чиқаришда машғул бўлмаган аҳолининг сони Фаллаорол ноҳиясида йил сайин ортиб бораётир. Ўз қишлоғида иш топишнинг мушкуллиги туфайли биргина «Коммунизм» совхозидан 1500 га яқин киши узоқ йўл босишиб бошқа жойларга бориб ишлайдилар.

Айниқса, ёшлар учун ишсизлик офатдир. Киши жамиятга ўзининг

кераксизлигини ҳис қилса, маънавий тушкунликка тушиши аниқ. Масалан, ноҳиядаги Ғўбдин қишлоқ Совети территориясидаги мактабларни 350 ўқувчи битириб чиқади. Шулардан 200 таси олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ҳамда ишга жойлашса, қолгани беиш қолаётир. Ҳозирги кунда бу ерда 1200 га яқин меҳнатга лаёқатли кишилар иш билан таъминланмаган. Айниқса, биз Совруқ қишлоғида бўлганимизда турғунлик йилларидаги инсон тақдирига бефарқ қарашнинг оқибатлари натижасида юзга келган аянчли манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бир пайтлар файз-

ли, зич бўлган қишлоқ ўрнида ҳозир чордевор харобалари, эгалари кўчиб кетган, тўкилай деб турган уйлар, қуриган боғларни кўрасиз. Раҳбарлар қишлоқ жойларда иш ўринларини ташкил этиш ўрнига, ишсизлик муаммосининг осон йўлини танладилар. Яъни, ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш учун Россиянинг ноқоратупроқ зоналарига, Сибир томонларга ва қўриқ ерларга юборишни ташвиқ қилдилар. Кўпчилик байналмилалчилик шиори остида жойларини бўшатиб, ўзга юртларга иш қидириб кетдилар. Тирикчилик ўтказиш учун қўриқ ерларга одамларнинг кўплаб кўчиб кетиши натижасида ноҳиядаги қишлоқлардан файз кетди.

Шахтёрлар посёлкаси ҳисобланган Қўйтошда ҳам маҳаллий хотин-қизлар учун қўл келаётган меҳнат тури — касаначиликни жорий қилиш учун етарли имконият бор. Лекин бунинг учун посёлка Совети раҳбарлари, кон бошқармаси маъмурияти халқ ҳақида жон куйдириши лозим. Афсуски, улар ҳозирча «бош ёрилса қалпоқ остида» қабилида иш юритишиб, ишсизлик муаммосини хаспўслашга ҳаракат қилишаётир.

Биз Фаллаорол ноҳиясининг ўнлаб қишлоқларида бўлганимизда 10 минг нафардан ошиқ меҳнат ресурслари — ишчи кучлари тўпланиб қолганлигини аниқладик. Бу жуда катта куч. Фаллаоролда яқин йиллар ичида 2 минг ишчи ишлаши мумкин бўлган «Электрасбоблар» заводи қурилиши лойиҳалаштирилаётган экан. Албатта қурилажак завод ишсизлик муаммосини ҳал этишга ожизлик қилади. Шу ўринда ҳақли бир мулоҳаза туғилади. Жумҳуриятимизда етишти-

рилаётган пахтани ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўйиш билан нафақат Фаллаорол ноҳиясидаги, балки бутун жумҳуриятимиздаги бир ярим миллион ишсизни иш билан таъминлаш мумкин эмасмикин? Қолаверса, ҳозирги жойлардаги раҳбарлар мамлакатимизда кечаётган қайта қуриш жараёнига мос ишласалар, турли имконларни қидириб, халқнинг маданий, маиший, иқтисодий турмуш даражасини кўтарсалар. Афсуски, биз бўлган Фаллаорол ноҳияси раҳбарларига XIX партия конференцияси, СССР Халқ депутатларининг I съезди руҳи ҳали етиб бормагандек туюлди. Ҳамон улар эскича иш юритишни, яъни ишни кабинетда ўтириб бошқаришдан воз кечолмаётирлар. Улар халқ орасида бўлганларида эди, элнинг дардини англаган бўлар эдилар. Томи босиб қолай деган мактабларни, қишда совуқ, ёзда иссиқ хароб касалхоналарни, бочкаларда келтирилган сувга навбат кутиб турган аёлларни кўрган бўлардилар.

Қолаверса, Фаллаорол ноҳияси ўз еридан чиқаётган олтиндан, вольфрамдан нима наф кўраётир?! Бу Иттифоқ идораларига бўйсунувчи корхоналар ноҳия бюджетига ҳеч қандай фойда бермаётир. Тўғриси, кон раҳбарлари ҳеч кимни даромадга шерик қилгулари йўқ.

Жумҳуриятимизда бир ноҳия бор. Номи Фаллаорол. Фаллага бой. Чорвага бой. Хазинага ҳам бой. Лекин халқи... ночор аҳволда, камбағал яшамоқда.

Абдураззоқ КАРИМОВ,
«Гулистон» журналининг махсус муҳбири



Обрадовск ноҳия марказининг журналисти П. И. Неустроев кеча ярим тунда менга кўнғироқ қилди ва узоқ-юлуқ хаяжонли овозда шов-шувли янгиликдан огоҳ этди. Зукко кишилар менинг нима учун Петр Ивановичнинг ҳикоясини шундоқлигича беришни лозим топганлигини ҳамда кўпчиликнинг эътиборига тақдим этаётганлигини англаб етишар, деб умид қиламан. Эслатилган узоқ-юлуқ овоз, сабаби сизга кўйроқда ойдинлашди, шунингдек, телефон тармоқларидаги ҳар доимги узилишлар туфайли баъзи бир сўзларни, ҳатто бутун бир жумлаларни ҳам англолмай қолдим. Англашилмаган жойларни ҳар ким ўзинча талқин этишга ҳаққи бор.

В. ЕГОРОВ

— Салом, оқсоқол! Узр, кечроқ-бемаврид кўнғироқ қилаялман. Менинг кобра... (ўқиб бўлмади)... Узларидан

кетишди... (ўқиб бўлмади)... Ҳа, бир ойдирки, талонлар қиёмега келмаяпти... (ўқиб бўлмади)... Газеталарда ўқидингми?... (ўқиб бўлмади)... «Огонёк»... (ўқиб бўлмади)... «Наш современник»... (ўқиб бўлмади)... «Московские новости»... (ўқиб бўлмади)... Энди бугун бизда нима воқеа бўлганига қулоқ сол. Шаҳарга Кузатилмаган Учар Ликоп-КУЛ кўнди. Тушунаясанми?... Қайтараман: КУЛ... Тушунмаясан?... (ўқиб бўлмади)... Худого шукур, етиб борди. Стенографлик қилишни хоҳлайсанми?... Яхши, ёз. Воқеа жойидан репортаж шаклида айтиб тураман. Сарлавҳасини ўзинг ўйлаб кўр. Шов-шувдан, биронта сокинроғи дуруст. Йўқса, жонга тегади, бизда эса, уч йилдан буён меҳмонхонанитопшираолишмаяпти. Василий Даниловичнинг вилласи, дейсанми? Ҳозирча тўхтатиб қўйишган. Олдинда нималар кутаяпти, ким билсин. Қисқаси: бошладик. Сарлавҳа:

Кўндилар

Мана, узоқ кутилган ҳодиса рўй берди! Бугун соат 13 дан 58 минут ўтганда Обрадовск ноҳия марказининг Пробуждения майдонига Кузатилмаган Учар Ликоп — КУЛ ичида ўзга сайёраликлар билан ерга кўнди. Бизнинг шонли шахримиз аҳолиси ўзга дунё чопарлари билан биринчи бўлиб юзма-юз учра-

шиш бахтига муяссар бўлишди. Бу бахтга эришганлар 357 киши экан. Уларнинг ҳаммаси ҳам фаразга мойил ўспиринлар эмас, балки кўпни кўрган эркаклар эди.

Албатта, ўқувчилар батафсилроқ билишга қизиқадилар. Мана, улар. Оддий куз кунни. Ногаҳон қаёқдандир гуриллаган овоз эшитилди, осмон яшил рангга кириб, кейин қизарди, худди шаҳар ижроия кўмитаси биносининг тепасида осилиб турган булут ортидан лимонранг учар ликоп ёриб чиқиб, оҳиста майдон ўртасида кўнди.

Кейин уни кўрган шохидлар менга айтишларича, кўниш жараёнида ҳеч қандай шовқин эшитилмаган, фақат Кузатилмаган Учар Ликоп ерга теккан чоғида кескин товуш таралган. «Гўёки, бўза қиёмидан ошиб кетиб, шиша тиқинини отиб юборгандек бўлди», дейди мазкур воқеани кўрган гувоҳлардан бири — Обрадовск озиқ-овқат корхонасининг ишчиси Л. М. Криволупов.

Ликопдан, лотин алифбосида НЛО деб ёзилган қанотлар ўртасидаги бордан учта ўзга сайёралик чиқди. Сўнгра уларнинг бўйи ўлчанганда, қуйидагилар аниқланди: 3 метру 02 сантиметр, 3 метру 09 сантиметр, 3 метру 36 сантиметр. Аввалдан айтиб қўяқолай, энг новча келгинди обрадовсклик мутахассисларнинг фикрига кўра, аёл экан. «Улар одамга ўхшамасди», дея изоҳ берди ўша озиқ-овқат корхонасининг ҳарбий-

лаштирилган соқчилик мергани Е. И. Дубравин.

Келгиндилар тўла ишонч билан атрофга назар ташлашарди. Ҳар бирининг учтадан кўзи, тўрттадан қулоғи, саккизтадан тешикчалари, улардан иккитаси юзида (агар шу юз бўлса!) кўндаланг, аёл деб тахмин қилинганнинг юзида тиккасига жойлашган эди. Ўзга сайёраликлар нуқраранг комбинезон кийишган эди, оёқларида резинани эслатадиган этик...

...Ўзга сайёраликларнинг энг паст бўйлиги олдинга бир қадам ташлаб, темир жаранглагандек овозда:

— Ошкоралик... Ура! — деди.

— Ура! — 357 обрадовалик ҳам жавоб қайтарди, лекин жойларидан жилишмади. Шунини аниқ айтиш лозимки, бу ердагилар яқинда оқланган ичимлик бўлимида навбатда турганлар эдилар.

Ҳозир, мазкур сатрларни телефон орқали узатаётганимизда, шаҳар ижроия кўмитаси Василий Данилович Гамов раислигида норасмий ташкилотларнинг фаоллари иштирокида мажлис бораётир. Кун тартибида битта масала: келгиндилар билан қандай муносабатда бўламиз?

П. НЕУСТРОЕВ,

«Вечерний звон» шаҳар газетасининг бўлим мудирини. (Махсус «Правда» газетаси учун).



Қушлар — бизнинг дўстимиз. А. Абалян сурати

ТАБИАТ БИЛАН МУЛОҚОТ

XX аснинг иккинчи ярмига оёқ қўйган Одам орқасига қайрилиб қараса, босган изи кўринмай қолаётибди... Эндиликда табиатни асраш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланиш ҳаётий заруратга айланди. Бу зарурат ҳамма ёзма манбаларга, кашфиётларга мавзу бўлиб кирмоқда. Ҳа, одам ҳалокат ёқасига, чоғга яқинлашиб қолаётганини англаб қолди. Уртача олисликдаги ракеталарни қисқартириш ҳақидаги Совет — Америка шартномасининг имзоланиши (1987, декабр) ҳам аввало табиатни асрашга оид улғу тадбир бўлди.

Табиат муҳофазаси масаласида Дадахон Нурий фаол гражданликни намоён этмоқда. У «Шаҳар ўртасида бир туп оқ ўрик» («Ёшлик», 1984, 4-сон) мақоласида долзарб муаммо — сўнгги йилларда Тошкент ва унинг атрофидаги боғлар йўқ бўлиб кетаётгани, шаҳарда мевали дарахтларни кўпайтириш масаласини қўйган эди. Ёзувчи кейин ҳам шу мавзуда бир неча мақолалар эълон қилди. Аммо Тошкент шаҳри «амалдорлари» публицист мулоҳазаларини инobatга олмаётгани алам қилади кишига.

Дадахон Нурийнинг «Бўстонликни кутқаринг!» публицистик китоби республика радиосида икки ой мобайнида ўқиб эшиттирилди, «Шарқ юлдузи» журналида (1988, 3—4-сонлар) эълон қилинди. Публицист Бўстонлик табиатига узоқ йиллар тажовуз қилиб келган ва ёвузликни ҳозир ҳам давом эттираётган идоровий «корчалон»ларнинг ғайринсоний хатти-ҳаракатлари, Ғазалкентда қурилмоқчи янги «заҳар корхоналари»нинг истиқболсизлигини кескин қоралайди. Зеро, Чирчиқ дарёсига тўкилаётган заҳарли оқова 230 миллион куб метрдан кўпроқ, сувда сульфид нормадан етти, магний тўрт баравар зиёд-дир. Шуни кўра-била туриб ҳайбаракаллагичилар «Ғазалкентни Чирчиқ каби саноат шаҳрига айлантира-миз», деган шиорни кўтариб, идорама-идора елиб-югуриб юришибди.

Янги боғлар яратишга эътиборсизлик, лоқайдлик, Тошкент ва унинг атрофидаги боғларнинг қирилаётгани А. Мухтор, Э. Воҳидов, Д. Нурий, В. Соколов, Ф. Мухидиновнинг «Лоқайдлик гирдобини» мақоласида («Тошкент ҳақиқати», 1987, 3 апрел) ниҳоятда ўткир қилиб қўйилди. У газета саҳифаларида ярим йил муҳокама қилинди. Газетхонлар ёзувчилар фикрини тўла қўллаб-қувватладилар...

Орол денгизининг аянчли қисмати ҳар бир виждоний уйғоқ одамнинг кўзини ёшлайди. Афсус, кўз ёши билан Орол тўлмайди. Нима қилиш керак? Бюрократик «бетон»ларни экскаваторлар билан ҳам

қўпориб бўлмаётган бир замонда қаламқаш кўлидан нима иш келарди?! Лекин ҳар қандай экскаваторлардан сўз қудратлироқ эканига ўша бюрократлар энди-энди ишоншараяпти. «Муштлашишни бошлаш керак, у ёғига — кўрамиз», — В. И. Ленин шу фикрни такрорлашни яхши кўрар экан.

Мутахассисларнинг таърифлашича, Орол денгизи ер қуррасининг чўл минтақасида жойлашган энг йирик, суви шўр ва оқмайдиған кўллардан ҳисобланади. Катталиги жиҳатидан у дунёда тўртинчи, Ватанимизда эса Каспий денгизидан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳажми ва серсувлигини назарда тутиб, унга денгиз деб ном берилган. Ҳозирги кунга келиб, шу баҳри азим қуриб бораёпти. Шуни айтиш керакки, Орол денгизининг қуриб бориши бутун жаҳонни ҳайратда қолдирмоқда, чунки бу ноёб табиий бойлик шу кунларда сиз билан бизнинг кўн ўнгимизда ғойиб бўлаётир.

Орол денгизи Урта Осиё регионининг долзарб экологик муаммосига айланди. Орол муаммосига жамоатчилик диққатини жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошида Орол комитети (1987, январ) тузилди. Комитет раиси Пирмат Шермухамедов ташаббуси билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Орол тақдири — бизнинг тақдиримиз» (1987, 10 апрел), «Гулистон» журналида «Орол мадад кутмоқда» (1988, 1-сон) сарлавҳаси остида материаллар уюштирилиб, уларда мамлакатимиз машҳур ёзувчилари Ч. Айтматов, М. Танк, В. Распутин, С. Залигин, Алесь Адамович, А. Нурпеисов, Шукрулло, Саид Аҳмад, О. Ёқубов, Мирмуҳсин, П. Қодиров, У. Умарбеков, М. Шахановнинг Орол муаммосига оид муҳим фикрлари эълон қилинди. Ёзувчилар Оролнинг ижтимоий-экологик жиҳатдан муҳим аҳамиятини кўрсатиб, бу борада зарур чоралар ишлаб чиқиш ҳақида мулоҳаза юритадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ва «Гулистон» журналида босилган ва наърали акс-садо берган Зиё Бунёдовнинг «Биз сен билан биргамиз, Орол», Маъруф Жалилнинг «Қирғоқдан қочаётган денгиз», «Орол билан юзма-юз», П. Шермухамедовнинг «Ҳаммамизнинг бурчимиз», «Оролни асраш мумкин», Ш. Сиддиқовнинг «Яшасан, Орол!» каби мақолаларида масала ижтимоий-сиёсий, илмий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий аспектларда таҳлил қилинган.

Сарвар Азимов «Мовий Орол», «В. И. Ленин кўнглига тушган жой», «Орол — баҳри камол» мақолала-

рида Орол денгизини аввало гўзаллик, меҳнат, дўстлик гўшаси сифатида таърифлайди. Публицист Орол денгизи кўп асрдан бери Урта Осиё иқлимини мўътадиллаштириб келаётгани, бу тупроқ Орол туфайли босқинчи жаҳонгирлар оромини бузгани, қирғоқларга тўлиб оққан Амударё ва Сирдарё юрт қалъаси бўлгани, қалъани бузмоқ истаган ёв қони бўтана сувда кўпириб оққанини ишончли манбалар, фактлар, хотиралар асосида ўткир тафаккур билан таҳлил этади... Ёзувчи Оролга ҳеч бир замонда бизнинг замондагидек ёвузлик, очкўзлик қилинмаганини, бунинг олди олинмаса, келажакда биздан табиат аёвсиз ўч олишини ўтмиш ва бугун қиёсида, икки замон одамларининг Оролга муносабати таҳлилида кўрсатади. Фактлар ва фикрлар таҳлилида ёзувчининг ўзига хос таъсирчан услуби намоён бўлган.

Владимир Соколовнинг «Орол қисмати» («Литературная газета», 1987, 18 ноябр) мақоласида масала Иттифоқ миқёсига олиб чиқилди. Публицистик жўшқинлик билан ёзилган бу мақолада воқеанинг даҳшатли ушбу деталда умумлаштирилган: «Мўйноқ аёлларининг кўкрак сутларидаги туз нормадагидан бир неча бор ортиб кетган... Мен ана шу шўр сут ҳақида эшитгач, англадим — бу ерда фалокат юз бермоқда». Публицист 1962, 1965, 1968 йил газета ахборотлари, турли позиция тутган олимлар фикрлари, иқтисодчилар таклифларидан характерли мисоллар келтириб, уларни шарҳлайди — ўқувчида ассоциатив фикр қўзғайди. Ёзувчининг ўйчан мушоҳада билан айтган мулоҳазаларидан учқун сачрайди: «Сакта стратегия бугун жиддий кулфатларга олиб келди, энди экономикани планли бошқариш мавқеида туриб бу кулфатларни севмасликка олиш Урта Осиёни бадавлат ўзбеклар (тожиклар, туркманлар, қирғизлар...) палову қовун еб, «оқ олтин» туфайли бойлик орттираётган субтропик жаннат ҳисоблаш ўта ноинсонийликдир, социализм принципларига ётдир...»

«Ёшлик» журналида Шерали Сокин «Орол бонги» (1987, 7-сон), «Фан ва турмуш»да Э. Юсупов ва С. Зиёдуллаев «Ҳали ҳам кеч эмас», «Қишлоқ ҳақиқати»да П. Шермухамедов «Сен омон қоласан, баҳри азим», Акрам Аминов «Оқ чорлоқнинг мунгли кўзлари ёхуд Орол ва саломатлик» (29, 30 сентябр, 1 октябр) каби мақола, суҳбат, эсселарини эълон қилдилар. Республика радиоси ва телевидениеси бир неча эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлади. Бу материалларда Орол денгизи қуриб

битса, у келтирадиган фожиалар, табиат мувозанати бузилишининг хунук жароҳатлари, уларнинг олдини олиш зарурлиги ҳаяжон билан таъкидланади.

А. Нурпеисов, А. Ткаченко, Маъруф Жалил, У. Абдурахмонов, Ш. Сокиннинг мақолалари ҳам ижтимоий, маърифий-тарбиявий аҳамияти, бадиий-публицистик тадқиқот, тил ва услуб хусусиятлари жиҳатдан оригиналликка эга.

Хуллас, Орол муаммосига бағишланган кўплаб шеърӣй, насрий ва публицистик материалларда бу масалани зудлик билан ҳал этиш, зарур чоралар кўриш даъват қилинди. Шу муносабат билан 1988 йил май ойида Тошкентда Орол денгизи муаммоларига бағишланган «Экология ва адабиёт» мавзусида Бутуниттифоқ Кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Орол денгизи районида экология ва санитария ҳолатини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» (1988 йил, сентябр) қарор қабул қилди. Бу ҳужжатларда Урта Осиё региони тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Орол денгизини муҳофаза қилиш тадбирлари белгиланди.

Табиат ва инсон муаммоларига оид публицистик асарларнинг характерли жиҳати шуки, долзарб муаммоларни рўзномага қўйиш билан бирга уларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикр баён қилинади. Биргина мисол: мутахассис олимларнинг ёзишича, мамлакат бўйича ҳар гектар ерга сарфланаётган ўғитларнинг нормаси 30 кг бўлса, Урта Осиё республикаларида у 480—600 кг. га етгани, заҳарли кимёвий моддалар эса, бошқа жойларда 1—2 кг. ни ташкил этгани ҳолда бизда 34,4 кг. дан ошиб кетган. Публицистлар ана шу масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб эдилар. Заҳри қотилнинг инсон танасига зарари ҳақида В. Соколовнинг «Виждон хасталиги», А. Нормуродовнинг «Қуёшни ташлаб кетинг», М. Абдуллаевнинг «Сабоқлар», Аҳмад Аъзамнинг «Туташ ҳалқалар» мақолалари кенг тушунча беради. Айниқса, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси табиатни, инсон саломатлигини беаёв емираётган заҳарли дорилар, ғўза баргини тўқувчи бутифос, бухлифосни маҳв этиш учун кураш бошлади — саҳифалар уюштирди, мақолалар эълон қилди, телефон қилавериб амалдорларни гангитди, қонунчиларга, соғлиқ посбонларига мурожаат қилди, охири бутифос деган бало азимдан қутқазадиган махсус қарор чиқди.

«Гулистон» журналининг «Табиат ва инсон» рубрикаси остида берилаётган материаллари қизиқиш билан ўқилади. М. Қўшмоқовнинг «Орол паймонаси» қасидаси, Ҳ. Асқарнинг «Йўқ, бу бошқа жой!» эссе-си, О. Абдуллаевнинг «Табиат шайдоси», А. Худойбердиевнинг «Бурч», Й. Қосимовнинг «Сув қадри» мақолаларида табиатга озор бериш — инсонга озор беришдир, табиатни топташ — инсон қадр-қимматини топташдир, деган фикр-тушунча публицистик характерланган.

Табиат ва инсон муаммолари Нусрат Раҳматов публицистик ижодининг бош жилғасидир. Унинг «Замондош ўйлари» рисоласида табиат ва инсон тақдири, табиатга иззат-ҳурмат ҳақида ўйчан мулоҳазаларни ўқиймиз. Ҳозирги вақтда «Бир парча замин», «Менинг дастурхоним», «Бизнинг бозорлар», «Соҳибкор характери», «Мойжўвоз олдидаги ўйлар», «Отлар ва зотлар» каби муаммолар ҳақида боши қотмаган бирор кишини топиш қийин. Бу мақолалар бир жанрнинг ҳалқаларидай бир-бирини мантиқан тўлдирди. «Бир парча замин»да томорқадан фойдаланиш муаммолари ўртага ташланган. Томорқа ерлари экин майдонларининг 15—20 фоизини ташкил этар экан. Хўш, томорқадан қандай фойдаланаяпмиз? Томорқа эгаси ерини тақирга айлантириб қўядими, бир йилда ундан тўрт бор ҳосил олиб, бойлик манбаига айлантирадими — ҳеч кимнинг иши йўқ... Ахир у ҳам ер-ку! Ризқ-рўзимиз манбаи-ку!» Муаллиф ана шу фикрни бир неча фактлар ва мантиқий муҳокамалар орқали ривожлантириб, ҳулосалар баён қилади. Ҳулосаларнинг бири бундай: «Авалло шахсий хўжаликка бўлган муносабатни ўзгартириш керак!» Оила пудрати, ерни ижарага олиш мамлакат экономикасини ўстириш шартларидан бири қилиб қўйилган ҳозирги пайтда Нусрат Раҳматов мулоҳазаларининг ўзига хос қиммати бор! Айниқса, «Табиатга нисбатан меҳр-оқибатли бўлайлик!» деган ғоя талқини ғоят долзарбдир!

Нусрат Раҳматовнинг халқ селек-

ционерлари портрети гавдалантирилган «Селекция мўъжизаси» (1987) очеркларини ўқиб, дастурхонимиз кўрки, ҳаётимиз манбаи бўлган ноз-неъматлар, мевалар ўз-ўзидан пайдо бўлмагани ҳақида мева таъмидек «ширин» ўйларга дуч келамиз — селекционер қиёфаси мева сиртидек нурланиб, тов-ланиб кўриниб туради.

Шойим Бўтаевнинг «Яшил дарахт» эсседа («Шарқ юлдузи», 1987, 8-сон) инсон — табиат фарзанди ҳақида мулоҳазали ўй суради. Эсседа табиат образи яратилган. Табиат барча эзгуликлар, гўзалликлар манбаи сифатида талқин қилинади: «Ҳар ҳолда, ёзаётган асарларимиз — ҳикоя, шеър, достонларимизга осмон бўлибми, қуёш бўлибми, мезон торлари бўлибми кириб табиийликни барқарор қилиб турувчи ҳис-ҳаяжон, туйғуларимиз ҳам-табиат».

Эсседа халқ удумлари — қушларга, дарахтларга озор бермаслик, янги Ойга шукрона айтиб пешвоз чиқиш, чорвадорлар, ғаллакорлар байрамлари, сумалак, ҳашар, анъанавий достончилик ҳақидаги мулоҳазалар, бадий лавҳалар табиат образини ҳар томонлама характерлашга хизмат қилган.

Эсседа инсоннинг табиатдан узоқлашаётгани — ўзидан, ўзлигидан узоқлашганидир, деб изоҳланади. Болаликка ҳамроҳ бўлган булоқлар кўмилиб, тегирмонлар, обжувозлар, мойжувозлар бузилиб, боғ-роғлар барбод бўлиб бораётибди. Сочлари кумушдай, қўллари кекса гужум танасидай, чеҳраларини қат-қат ажинлар босган, кўзларидан бутун тирик олам акс этувчи кампирлар ва чоллар табиат тимсоллари бўлиб гавдаланадилар. Зеро, Ҳилол биби, Нисо оча, Уғилой эна, Низом чўпон, тегирмончи чол, жувозкаш Кўки бобо, боғбон Отақул бобо, қандолатпаз бобонинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракати тасвири эссега жон киритган.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиш керак. Ҳозирги ёш ёзувчи, шоир ва публицистлар ҳар жиҳатдан ўқимишли. Улар жаҳон ва Ватан классикасидан бохабар — улғў ёзувчи ва донишмандларнинг ибратли ибораларини ён дафтарга

ёзиб борадилар. Қолаверса, катта ҳажмли ҳикматлар тўплами — «Тафаккур гулшани» ҳам уларнинг иш столида турибди. Сўнгги пайтда ёш ёзувчилар публицистик ёзмаларида фикрни кучайтириш мақсадида Маркесдан тортиб Антуан де Сент Экзюперининг ибратли ибораларидан мисоллар оладилар. Бу «ақлли»лик баъзан одамга сингмайди. Масалан, Шойим Бўтаев ҳам «Яшил дарахт» эсседа К. Паустовский, Э. Хемингуэй, Жон Рескин, Антуан де Сент Экзюпери, А. П. Чехов, М. Горький каби алломаларнинг қисқа ибораларидан фойдаланади. Аммо бу иборалар асар мазмунига, фикр маъзига сингиб кетмайди. Зероки, гап халқ удумлари, ўзбекларнинг мойжувоз ва тегирмонлари, боғ-роғлари ҳақида борар экан, ўзбек кексаларининг портрети, ўйлари ифодаланар экан, Шарқ алломалари иборалари фикр моҳитига кўпроқ мос бўлиб тушар эди...

Ўқоридагилардан англашиладики, табиат ва инсон муносабатлари мавзуи кўп қиррали бўлиб, бу мавзуни ёритишга ёзувчи-публицистлар катта куч сарфламоқдалар. Бу ўринда В. Распутиннинг ТАСС муҳбири билан суҳбатдаги (1987, 15 март) ушбу фикри ғоят характерли: «Табиат ўз қонунларига кўра ҳосил беради, уни йиғиб-тегиб олиш учун вақт беради, ернинг дам олишига имкон беради. Бу ҳар йили қайтарилади. Деҳқон мана шу айланма ҳаракатни билгандан сўнг унга мослашди. Инсон табиатга мослашиб, ўзига ва унга ёрдам берди. Ернинг таъмини сунъий равишда сўриб олиш, унга куч ишла-тиш, кабинетдаги рақамлар ва планларга қараб иш юритиш мутлақо хато. Табиатдаги айланма ҳаракат билан албатта ҳисоблашиш керак. Табиат инъомларига айланма ҳаракат тарзида муносабатда бўлсак, биз унга хўжайинлигимизча қоламиз... Ҳозирги баъзи хатти-ҳаракатларимиз билан эса биз келажак авлодларнинг ризқ-насибасига тажовуз қилаётганга ўхшаймиз...»

Ғулом ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент



ТИЛЛА ТУШАЛГАН КЎЧА

Норвегиянинг марказий қисмидаги йўл қурилишига тош ташиб бораётган ишчилар ўзларининг тош билан олтин ҳам олиб бораётганларидан бехабар эдилар. Тош қазиб олинаётган ҳавзада олтин мавжудлиги аниқланганидан кейин геологлар қурилишни тўхтатиб қўйдилар, тош қазишни ман этдилар. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, салкам икки чақирим масофага олтинли тош ётқизилган ва шу масофага сарфланган маҳсулотда 2 миллион доллардан кўпроқ қимматбахо металл мавжуддир.

ДОКТОР ВИТХУН ЖАРРОҲЛИГИ

Сўнгги пайтларда Витхун ВИССОННАВОНГанинг номи Лаосда чиқадиган марказий матбуот саҳифаларидан тушмай қолди. Сабоби — у ўзи бошқараётган «Махосот» госпитали офталмология бўлимида муваффақият билан ўтказилган юзлаб операциялар натижасидир.

Пайдар-пай келаётган хабарлар бири-бирдан шов-шувлироқ эди: 46 ёшли кишининг бомба портлашидан жароҳатланган кўзи очилибди; Вьентьянда истиқомат қилувчи одам 23 йил ожизликдан сўнг ёруғ дунё юзини кўрадиган бўлибди. Яхшиси, рақамларга мурожаат этиб кўя қолайлик: 1986 йилдан буён мазкур бўлим шифокорлари икки мингдан зиёд беморнинг «кўзини очдилар».

Доктор Витхун 44 ёшда. У Волгоград шаҳридаги медицина институтини тугаллаган. Сўнгра аспирантурада таҳсил олиб, С. Н. Фёдоров раҳбарлигида диссертация ёқлаган. Унинг илмий иши сунъий кўз қорачиғи муаммосига бағишланган. У шу пайтгача фавқулудда чаққонлик ва маҳорат талаб қилувчи мингдан зиёд операцияни амалга оширди.

— Деярли ҳар куни операция қилишга тўғри келади, — дейди Витхун. — Беморлар мамлакатнинг турли бурчакларидан келишади. Чет эллардан келтирилган, жумладан совет ҳамкасабаларимиз совға қилган жарроҳлик асбоблари билан иш юритамиз. Даволаш усуллариини СССРда бўлган чоғимда эгалладим.

Ожизликка қарши кураш — Витхун учун виждоний бурч ҳисобланади.





ФИТРАТ ВА УНИНГ «АРСЛОН» ДРАМАСИ



Аҳмад АЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат университетининг доценти Аҳмад Алиев 70 ёшга тўлди. Олимнинг адабиётимизнинг ҳамisha тирик сиймолари — Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту ҳақида ўнлаб мақолалари адабий жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этди. Унинг шу соҳадаги яна бир мақола-си билан танишасиз.

Дунёда ҳаётдан бевақт кетганлар, ноҳақликдан, зулмдан қурбон бўлганлар кўп. Тирик қолганлар орасидаги софдил кишиларгина уларни ҳурмат билан эсга оладилар. Зотан, аждодлари руҳига, маънавий хазинасига эҳтиром билан қараш — юксак онглилик ва маданиятлилик белгиси. Тожикистон халқ ёзувчиси Жалол Икромий бу фикрни гоят самимият билан ифодалаб ёзган эди: «...Хайриятки... биз уларни ҳамisha ёдлаймиз... Азизлар руҳи биз билан, эзгу ишларию қолдирган изларига содиқмиз, ижоду ихтироларига ҳамдам ва ҳамкормиз. Агар уларни унутсак, шаксиз, кўр бўламиз, инсон қадрини билмайдиган, бадбахт, нобакор кимсага айланиб қоламиз...» («Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 7 март).

Бизнинг ҳозирги адабиётимиз-маданиятимиз қай даражада ютуқларга эришган бўлса, ҳаммаси ўша ўтганларнинг илмий, адабий, ижодий ютуқлари самарасидир. Ўзбек совет адабиёти пойдеворини бир киши эмас, бир неча ўнлаб олим, ёзувчи, шоирлар яратдилар. Уларнинг ижоди эса — аялти бир ҳолда адабий жараённи ташкил этади. Бинобарин, ҳар бир санъаткор ўз ижодий фаолияти билан адабий жараёнга муайян таъсир кўрсатади. Ана шундай сиймолардан бири ўзбек совет адабиётининг вужудга келиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатган Абдурауф Фитрат 20—30-йилларда шоир, олим, ёзувчи, драматург сифатида жуда сермаҳсул ижод қилди, бой мерос қолдирди. Виз Фитратнинг «Арслон» драмаси ва унинг ўзбек совет адабиётига кўрсатган таъсири ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз.

Агар 20-йиллардаги пролеткультачилар ўтмишни, маданий-тарихий меросни ёппасига инкор этиш учун курашаётган, ўтмишга ҳурмат билан қарашни замонга қаршилик деб баҳолаётган бир даврда Фитрат фақат ва асосан

ўтмиш мавзуида насрий, шеърий, илмий асарлар ва драмалар ёзганини ҳисобга олсак, ёзувчининг нақадар юксак онгли, билимли, мустақкам эътиқодли сиймо эканини янада чуқурроқ тасаввур қиламиз.

Фитрат ўтмишни илмий, бадий таҳлил қилмай туриб, замонавий муаммоларни ҳал этиб, келажак тараққиётини таъминлаб бўлмаслигини ўша вақтдаёқ тушуниб етган эди.

«Арслон» пьесаси 1926 йилда нашр қилинади, республикамиз саҳналарида муваффақият билан ўйналади. Асарнинг муқовасидаги ёзувга эътибор қилинг: «Арслон. Бурунги Бухоро хонлигида яшаган деҳқонлар ҳаётдан олинган 5 пардали драма. Жумҳуриятимиз томонидан муваффақият ҳам адолат билан ижро этилмоқда бўлган ер ислоҳотига бағишлайман».

20-йилларнинг ўрталари ва иккинчи ярмида республикада ўтказилган ер-сув ислоҳоти камбағал деҳқонлар ҳаётида катта воқеа эди. Ерсиз деҳқон ерли бўлди, бу ҳол қишлоқ меҳнаткашлари муҳаббатини Совет ҳокимияти томонига бутунлай тортиб олди. Мазкур воқеликка бағишлаб, уни қўллаб-қувватлаган Ҳамзадан тортиб, Чўлпон, Ғайратийларгача қатор бадий асарлар ёзиб, социалистик тadbирларни маъқулладилар. Шулар қаторида Фитрат ҳам «Арслон» пьесаси билан Совет ҳокимиятининг аграр сиёсатини қўллаб, Октябрь инқилоби, компартия ва социализм камбағал деҳқонга, батракка нима берганлигини бадий ифода этиб беришни мақсад қилиб олди ва бунга эришди. Асарда воқеа Бухоро амирлиги даврида кечади. Ундаги камбағал деҳқон Арслон, батрак — Ботир, судхўр — Мансурбой, вилоят ҳокими — Бек, қишлоқ оқсоқоли — Аҳмад оқсоқол, оддий деҳқон — Кўрҳасан, уларнинг оила аъзолари, бир қатор амир амалдорлари ўртасидаги муносабатлар, тўқнашувлар асар моҳиятини оча боради.

«Арслон» пьесаси саҳнага қўйилиши билан адабий жамоатчилик ўртасида шов-шув бўлгани ва томошабинлар эътиборини тортгани ҳақидаги бир далилни эслатиб ўтиш ўринли: машҳур журналист ва танқидчи Комил Алиев асар нашр этилгандан кейин бир йил ўтгач, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 28-сонида эълон қилган тақризида шундай деб ёзган эди: «Саҳнамиз эски асарлардан, оҳисталик билан бўлса-да, қутилмоқда ва уларнинг ўрнини синфий руҳда ёзилган асарлар ишғол этмоқдалар. 24 февралда халқ театрусида ўйналган «Арслон» пьесаси бунга далил...»

Етмишинчи йилларда адабиётшунос Турсун Собиров Комил Алиев фикрига қўшилиб ёзган эди: «Кўришиб турибдики, Фитрат ўз драматик фаолиятининг бу даврига келиб синфий кураш масаласини реалистик ифодалаш йўлига ўта бошлаган. Бу ёзувчи ижодида ва унинг дунёқаршида жиддий бурилиш нуқтасидир. Шунинг учун ҳам «Арслон» драмаси билан Фитрат ўзбек драматургиясида меҳнаткаш халқ ҳаётини акс эттириб беришда самарали иш қилишга кириша бошлаган, десак янглишмаган бўламиз». (Турсун Собиров. «Ўзбек драматургияси», 1973 йил, 81-бет). Бу ҳар икки мунаққиднинг фикри ўз даври учун асосан тўғри, деса бўлади. 20-йилларда ҳам, 70-йилларда ҳам бадий асарга бирёқламалик билан ёндашиш — унда қайси табақа вакиллари ҳаёти акс этиши гўё асарнинг синфийлигини белгиловчи омил, деб қараш одат тусига кирган ва бу усул кўплаб ёзувчиларимиз ижодини инкор этишга олиб борган эди.

Асарнинг бош қаҳрамони Арслон Бухоро камбағал деҳқонлари орасида эндигина уйғониб келаятган ва ҳаётдаги ўрнини тушуниб етаётган, истиқболга катта умид билан боқаётган шахс. У ҳатто оилавий ҳаёт қуришни ҳам мақсадлари амалга ошишига бир

восита деб билади. Севгилиси Тўлғунга муҳаббат изҳор қилганда: «...Тўйимизни қиламиз. Сени уйимга келтираман... Икки уй бирлашгач, кучимиз ортадир, яшашимиз енгиллашадир... Умримиз шу ариқнинг сувига ўхшаб соф, тиник, тоза, кирсиз бўлиб оқадир.. Тер тўкамиз. Ишлаймиз-да, яшаймиз... Кимсага топинмаймиз, кимсадан тиланмаймиз», дейди.

Анча етук, софдил, ўз кучи ва меҳнатига, самимий муҳаббатига бутун вужуди билан таянган деҳқон йигит энди бахтли ҳаёт қуришига қаттиқ ишонади, яхши яшаш иштиёқи билан ёнади. Арслон, Ботир, Тўлғунларнинг ҳаммаси ўз олдига ана шундай жанговар мақсад қўйган, эндигина шаклланиб келаятган янги кишилар дунёқарашини акс эттирувчи шахслар эди. Арслон билан Тўлғун ўртасига Мансурбой раҳна солади. Найранг билан Тўлғунни тўртинчи хотини қилиб олишга интилади. Аммо Тўлғун фақат Арслонни дейди, агар Мансурбойга зўрлаб беришса, қочиб кетажаги, тутиб олишса, ўзини ўлдиражagini дангал айтади. Тўлғун билан Арслонлар барча хатти-ҳаракатлари билан партия ва ҳукуматимизнинг 20-йилларда амалга ошира борган сиёсатини ифода этар ва бу ўз даври учун муҳим тарбиявий ҳаётийта эга эди. Арслон бутун ички сирю ҳаёти мазмунини ўз севгилисига очиб ташлайди. Жамиятдаги бой ва камбағал деб аташ одат бўлган табақаланишни яхши билади. Бойлар текинхўр ва эзувчи, уларга қарши кескин курашиш лозим, деб тушунади, шунга бел боғлайди. Бойлар «...бозорни бозор, шаҳарни шаҳар, қишлоқни қишлоқ таладилар. Ҳукуматни эмдилар, элни эдилар... Бизларга қараб ҳам тишларини гижирилата бошладилар. У мурдор тишларининг бир кун қаттиқ бир тошга учраб синиб кетишидан сира қўрқмайдилар...» Бу гаплар Инқилоб арафаси ва ундан кейинги дастлабки

йилларнинг айни шиори эди. Аммо худди шу анъана 30-йилларга келиб, шахса сифиниш оқибатида отани болага, хотинни эрга, акани укага душман қилиб, ўз туғишганини гўрга тикқан одамларни қаҳрамон деб рағбатлантиришгача бориб етишини ҳали Фитрат хаёлига келтиролмади, зотан Фитратнинг ўзи ҳам шу оқимда ҳалок бўлишини билмас эди.

Асардаги қишлоқ имоми — сўфи Мулла Ашур, хон амалдори — Дорға, вилоят ҳокими — Бек, унинг амалдорлари, Мансурбойнинг хотинлари — Зайнаб оғим, Шарофатхон, оддий қишлоқ деҳқонлар — Қўрхасан, Тўрақул, Турсун каби бир қатор образлар фаолияти орқали биз Бухоро томонлардаги ҳақиқий ҳаётнинг воқеалар — фожиалар билан чуқур танишамиз. Асар бутун моҳияти-этибори билан муаллифнинг социалистик инқилобга бўлган эътиқодини ёрқин кўрсатади. Бутун қишлоқда Мансурбойдан кўра обрўли одам йўқ. У домлага ҳам, имомга ҳам, каттадан-кичик ҳаммага бемалол буйруқ оҳангида гапирверади. Унинг хатти-ҳаракатлари, ер-мулкни кўпайтиришдан бошлаб, хотинлари устига Арслондан Тўлғунни тортиб олиш бобида Бек, домла, имом, қишлоқ оқсоқолларигача ишга солишини кузатсангиз, Солиҳбою Ғофир, Жамилаларни кўргандай бўласиз. «Арслон» драмасыда кўтарилган муаммолар доираси жуда кенг. Ундаги ҳар бир гап, сўз, катта-кичик воқеа-ҳодисалар ҳаммаша бирон-бир инсон тақдирини эмас, унинг ички-ташқи дунёсини юксак бадиийлик билан очиб беради.

Бойнинг хотинлари Тўлғунни келтирмаслик учун минг кўчага кириб чиқадилар, иссиқ-совуқ қилувчиларга, фолбинларга катта-катта пул бериб, бойни айни-тишга ҳаракат қиладилар. Шу жараёнда эса Мансурбой оиласининг кирдикорлари очилаверади. Шарофатхон билан Зайнаб оғим аввал ўзаро рашк қилардилар. Бой Тўлғунга кўз олайтиргандан кейин зиддият яна кучайиб кетади. Арслон билан Мансурбой ўртасидаги аслида мавжуд бўлган ижтимоий зиддият ҳам Тўлғун муносабати билан баттар авж олади, очик курашга айланади. Зиддиятлар шу даражага бориб етадики, Мансурбойнинг хотинлари эрдан алам олиш учун ўзлари дам солдираётган мулла-ларни ўйнаш қилиб оладилар... Ботир билан Арслон ошқора ҳужумга ўтадилар. Аслида тошюрак Мансурбойнинг дағаллиги тобора ошиб боради. Унда инсоф деган нарсаси йўқ. Камбағал деҳқонларни қийнаб қарзини қистайди, вақтида беролмас, уй-жойи ёки ёш-ёш қизларини гаровга сўрайверади. Қарзини вақтида тўлай олмаган Қўрхасан ҳақида имомга шундай дейди:

— Олиш бор, бериш йўқми? Кўрнинг суякларини синдириб оламан, қўяманми уни!

Имом: Кеча биз билан кенгашиди, тақсир, 12 ёшар бир қизчаси бор. Шунга баҳолаб бермакчи бўлди. Букун шунда тўпланамиз, шу ишни битирамиз...

Арслон: Бой, шу элдан нима истайсиз? Бойлик бўлса олдингиз. Бутун кентимизнинг бор-йўғи сандигингизга оқиб кетди.

Эмди номусларимизни яралаб, кўнгилларимиз билан ўйнай бошладингиз. Бунчаси уятдир... Мен шу қишлоқнинг боласиман; қишлоқ болаларини сизнинг ёмонлигингиздан сақламоқ менга тушадир.

Юқоридаги образларнинг хатти-ҳаракатлари ва диалогларидан кўриниб турибдики, 20-йиллар адабиётида янги ҳаёт учун кескин курашлар руҳини бадиий ифодалаш фақат инқилобгача мавжуд бўлган барча воқеа-ҳодисаларга қарши туриш билан, уларни парчалаб ташлаш билан таъминланади, деб ҳисобланар эди. Бу йўналиш 30-йилларга келиб янада кенг миқёсда давом этди, бора-бора инсон бир-бирдан нуқул хато, нуқсон, айб ахтариб топадиган, бир-бирига қарши курашадиган, ҳатто бир қориндан талашиб тушганлар бири-бирининг тағига сув қуядиган бўлиб қолди. Шахсадаги асил инсоний фазилатлар тобора хира торта бошлади.

Гулсарани ўз отаси бўғиб ташласа, Нурхонни ўз акаси ўлдирди. 30-йиллар ўзбек адабиётида бу каби воқеалар тасвири жуда кўп. Бир асарда колхоз ичидаги душман ахтариб топилса, иккинчисидан илмий текшириш институтидаги зараркунандалар фош этилади. Асарларга қўйиладиган номлар ҳам худди шу руҳда. Бир «Ёндирамиз» деб, иккинчиси «Ниқоб йиртилди» деб аталади ва ҳоказо. Бундай йўналиш шахса сифиниш даврида инсонларни ҳаммаша бир-бирини таъқиб қилиш, бир-бирдан шубҳаланиш, оқибатда ҳеч кимга ишонмаслик руҳида яшашга олиб келди. Адабиётнинг улугвор вазифаси инсонда инсоний фазилатларни ривожлантиришдай олий мақсад орқага суриб ташланди.

Адабиётимиз тарихида қайта кўриб чиқишга оид бундай муаммолар тўлиб ётибди. Мана, «Арслон»даги батракларни олиб кўрайлик. Ўз ерига эга бўлишдан кўра каттароқ орзу уларда йўқ. Ер-сув ислоҳоти уларни роса қувонтирди. Ер олиш билан жонжон деб ишга киришдилар. 30-йилларга келиб колхоз-совхозлар тузила бошланди. Катта ер эгаларию кўплаб ўрта деҳқонлар «қулоқ қилинди». Ер энди колхозники деб эълон этилди. Деҳқон яна ерга эгаликдан маҳрум бўлди. Ердан совиди. Иложини топгани шаҳарга кўчиб кетаверди. Ердан унум қамайиб, иқтисодда танглик рўй бера боргани эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

20—30-йиллар ўзбек адабиёти ҳақида гап кетганда, у даврда яратилган бадиий асарларга баҳо берганда бундай воқеа-ҳодисаларни кўзда тутмай туриб, чинакам илмий тарихни тасаввур этиб бўлмайди. Фитрат «Арслон» драмасыдаги ижобий қаҳрамонлар қиёфаси, дунёқарашини чизар экан, камбағал деҳқон тақдиридаги бундай истикболни хаёлига ҳам келтирмаган, фақат уларнинг келажаги порлоқ бўлади, деган ақидага қаттиқ ишонар эди. Яна бу асар ёзилган даврда

партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақидаги машҳур ҳужжати (1925 йил) эълон қилинган эди. Унда совет адабиётини ҳар қандай ёт унсурлардан тозалаш, адабиётда пролетариат ғоявийлигининг етакчилиги учун кураш масалалари белгилаб берилган эди. Фитрат мазкур кўрсатмага амал қилади, ўз асарининг сиёсий жиҳатдан тўғри бўлишига интилади. Яъни бунда пролетариат ғоявийлиги масаласини биринчи ўринга чиқаришга алоҳида аҳамият беради. Бой — эзувчи, камбағал — эзилувчи, Бой — ноинсоф, камбағал — инсофли. Бойда бирор тўғрилиқ, самимият йўқ, камбағал ҳаммаша ростгўй ва самимий. Бойнинг хотинларини ўғил-қизлари ҳам ўзига ўхшаган нопок, шалок, бузук, камбағалнинг хотинию ўғил-қизлари пок, садоқатли, бўйига етган қизи ҳам фақат камбағални севади, гарчи яхши уй-жойи, овқати, кийим-кечаги бўлмаса ҳам унга содиқ. Фитрат сиёсатда хато қилмаслик учун 20-йилларнинг ўрталарида, айниқса «Арслон» драмасыда худди шу йўлдан борди. Зотан 20—30-йиллардаги то биз кейинги даврларгача мақтаб келган бадиий асарларнинг деярли ҳаммаси шу руҳ билан суғурилган эди. Ҳамза, С. Айнийнинг барча асарлари шу хилда яратилди.

Аммо кези келганда шунга айтиб ўтайликки, Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари мана шу нуқсондан холидир. Отабек, Қумуш, Юсуфбек Ҳожи, Қутидор, Ҳасанали, Ўзбек Ойим, Офтоб оғим, Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчиларнинг қиёфаларини бир кўз олдингизга келтиринг-чи! Эзувчининг буюклиги — инсонни қайси табақага мансуб бўлишидан қатъи назар ундаги фазилат билан нуқсонларни туб илдизлари билан кўрсатади. Шахси ижтимоий келиб чиқиши эмас, балки инсоний фазилат улугўлайди, деган ғоя А. Қодирий романларида бўртиб туради. Худди шу хусусият туфайли «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён» қарийб етмиш йиллардан буён эскирмай қўлдан-қўлга, дилдан-дилга ўтиб юради.

Юқоридаги айрим фикрларни далиллаш учун «Арслон» драмасыдан мисоллар келтирамиз:

Арслон: Ух... Яшамоқ совуқ бир ҳазилмикан, билмадим! Бало устига бало. Қайғу устига қайғу... Яна буларнинг ҳаммаси бизга, биз камбағалларга келади... Ота билан ўғил бизнинг орамизга кириб элни таламоққа киришдилар. Буларни жин урмайдир... Кампирлар йиғлашлари дунёни ўзгарта олмас экан, она. У йиғлади, сен йиғладинг, сен каби, у каби яна кўп кампирлар йиғладилар, нима фойда?! Ҳеч...

Турсун (Арслоннинг онаси): Нима қилмоқ керак, болам?

Арслон: Уни мен ҳам билмайман!..

Ботир (Арслонга): Менга ёрдам эт. Мени бу қолдан қутқор! У (бой) мени уйимдан чиқарди. Мен уни дунёдан қуваман... Улдираман. У яна беш йил дунёда турса, мен каби 20—30 йилгитнинг ўлуқлари сағанасиз, кафансиз кўчаларда чириб ётгусидир...

Шу зайил зиддият кучайиб бориб, Ботир Мансурбойга суиқасд

қилади, Арслон ушлаб қолиб бойни қутқаради, дўстига бу йўлдан бормасликни тавсия қилади. Шу тасодифдан фойдаланиб, бой Арслонни ҳам, Ботирни ҳам ўғриллар деб қаматиб юборади ва ҳоказо... Бадиий асардаги бу каби йўналиш 20—30-йиллар адабиётининг деярли бутун моҳиятию қимматини белгиловчи омил эдики, Фитрат ҳам ундан четда қолмаган. Бу билан Фитрат партиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсатига амал қилишни кўзда тутган эди.

«Арслон» драмасыда хотин-қизлар образларини яратишга катта ўрин берилди. Арслоннинг онаси Турсунбиби билан Ботирнинг онаси Нор хола, Тўлғун ва унинг онаси Ойтўксакамбир бир-бирларига самимий дугона ва сирдош, дардқам, эзилган табақа аёллари — ниятлари пок, ҳалол яшайдилар, лекин турмушнинг барча кулфатлари шулар бошига тушади. Зайнаб оғим, Шарофатхон Мансурбойнинг бойвучча, сатанг хотинлари — бузуқ аёллар. Улар Тўлғунга муттасил зулм қилишади, таҳқирлашади, сен нега бойга тегасан, деб тепкилашади. Бой эса яна уни, сен менга нега тегмайсан, деб тепкилайди... Мана кўрдингизми, 20-йилларда бизнинг келажагимиз, бахт-истикболимизнинг порлоқ бўлиши фақат жамиятимиздаги бир-бирига қарама-қарши турган табақалар ўртасидаги курашларга боғланар, бунга синфий кураш деб аталарди. Кураш тобора қизиқ, кескинлашиб боради, ҳамма душманларни синф сифатида тугатмай туриб социализм, коммунизмни қуриб бўлмайди, деб тунтирилган эди. Ана шу тушунчалар инсонни бир-бирига нафрат билан қарашга ўргатди, ёвузлик, душманлик ортиб борди, ҳаётни шубҳаларга тўлдирди, ўзаро муносабатлар аксари ёлгондакам, ясама, сунъийликка айланади. Тўй-томоша, дастурхон атрофида бугун мақтов гапини айтган одам эртага ўша «дўсти»га қарши чуқур кавлайдиган бўлиб қолди. Биз «Арслон» драмасыда ва ундан кейин яратилган қатор асарларда жамиятимиздаги мазкур ҳолатни кўрамиз. Ҳаётда одат тусига тобора чуқур кириб борган ана шу синфий қарашлар «Арслон» драмасыдаги қаҳрамонларнинг тараф-тараф бўлиб бирлашишларига олиб келади. Арслон, Ботир, уларнинг оила аъзолари, деҳқон чоллар — Яраш, Боймурот, Қўрхасан ва бошқаларнинг фожиалари ҳам шу жараёнда рўй беради. Мансурбой, домла, имом, Бек, оқсоқоллар — ёвуз шахслар сифатида бирлашиб, ҳаётни фожиадан-фожиага сурғашаверади, ўзлари ҳам ҳалокатга учрайверади.

Энди бир-икки оғиз сўз «Арслон» драмасынинг 20—30-йиллар ўзбек адабиётига таъсири ҳақида. Одатда адабий жараёнда бирор асар ёки ундаги айрим нуқталар бирор эзувчида фикр уйғотади ва янги бир асарнинг яратилишига олиб келади. Ҳар бир эзувчи адабий жараёндан, шубҳасиз, ижодий фойдаланишга ҳақлидир. Бундай жараён баъзи тасвирий воситалар, ўхшашликлар билан ҳам изоҳланиши мумкин. Бундай кезларда асарлар туб моҳияти, хулосала-

ри билан бир-биридан фарқ қилади. Аммо бу ҳол нусха кўчириш учун ҳеч кимга ҳуқуқ бермайди. Шу нуқтаи назардан «Арслон» драмасидан баъзи мисоллар келтирамиз ва хулоса чиқаришни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қиламиз. Арслон билан Ботирни ўғрилиқда айблаб, Мансурбой, Бек, домла-имомлар йиғилиб туриб сўроқ қилишади:

Бек: Сизни қўяманми, кўзларингизга бигиз суқаман... Ўғрилар.

Халойиқ: Ботир билан Арслонда гуноҳ йўқ. Бу тухмат!

Оқсоқоллар: Қуллуқ, тақсир, куллуқ!..

Арслон: (Тўлғунга) Мен ўлсам-да, сендан айрилмайман, Тўлғун. Бизни ҳеч ким ажрата олмайди. Тоғангиздан минг, бойдан миллионтаси орамизга кирса, ҳаммасини итариб, судраб, йиқитиб, топтаб, тепиб юраман-да, сенга эришаман.

Тўлғун: Онам ҳам мени ёқлаб сўйлайди. Мансурбой қишлоғимизда бор нарсаларни олиб битирди. Эмди меним биргина қизимга қўл узатмай қўя қолсин, деди...

Мансурбой домла, имом, оқсоқолларни писанд қилмайди, едириб-ичириб, бемалол буйруқ қилаверади. Бой билан Арслон зиддияти кучайиб кетгач, бой имомсўфиларга дағдага қилади, имом «Арслонга насиҳат қиламиз, тузатамиз», деб қўяди. Шунда бой «Насиҳат-пасиҳатингизни қўйинг, улар билан бўлмайди, — дейди. — Раисга хабар беринг, элтиб жазосини берсин, кўзини жойига келтирсин».

Имом: Хўб бўлибдир, тақсир. **Бой:** Аҳмоқ, айниқса, кампирни демайсизми, тагин шу беномозга қизини бермоқчи бўлган-а! Насиҳатни унга қилингиз, қизини тузукроқ бир кишига берсун!..

Бой Тўлғунга биринчи марта бетма-бет келгандаги суҳбатдан:

Бой: Раҳматлик отанг яхши киши эди, онангга айт, бизникига келиб турсин, ўзинг ҳам келиб тур, биз сизга қарашиб турамыз. Хизматчингиз йўқми?

Тўлғун: Хизматчини ким боқади? Биз ўзимизни куч билан боқамиз.

Бой: Э... Шундайми, сизлар камбағал бўлиб қолганмисиз? Нега менга билдирмайсиз, мен пул бераман. Онангга айт, қанча пул қарз истаса, енгилроқ қилиб берай, олсин.

Тўлғун: Онам биладир. (бой унинг кўлидан ушлаб тортади, Тўлғун ғазаб билан ундан қочади...)

Арслон (келиб қолади): Бой, у қиз менга фотиҳа бўлган, билмайсизми?

Бой (кулиб): Қарға қўндиргани бутуқ тополмайсан, сен хотинни қандай қилиб олсан?

Арслон: Қандай қилсам мен қиламан, сенга нима?

Бой: Менга нима эмас, мен шу кентнинг каттаси... Мени тингла, бориб бечорачилигинг билан бўл. Ишлаб, бир тилим нон топиб онангни тўйгиз. Хотин оламан деб эл қизлари орқасидан юрма, у қизни мен оламан!..

«Арслон»даги яна бир кўришдан парча келтирамиз: Бойнинг хотинлари Шарофатхон билан Зайнаб оймлар иссиқ-совуқ-

чи домлаларини ўйнаш қилиб олишгани юқорида айтилган. Бир куни Зайнаб ойм олдиға паранжи ёпиниб имом келади ва бемалол шакарғуфторлик қилиб ўтирганда эшикдан бойнинг овози эшитилади. Домла қўрқиб кетади, Зайнаб сира писанд қилмай дик этиб туриб эшикка боради ва Бойга айтади: «Кирманг, қўноқ бор, ўзим чиқаман».

Бой: Ким бор?

Зайнаб: Холамлар келган эдилар. Холамлар сизни сўрайдилар, Бой бобом қалай, яхшими дейдилар.

Бой: Худога шукур. Ўзларидан сўрасак... Нечун бизникига оз келадилар. Сизни севмайдилар чоғи!

Зайнаб: Йўқ, севадилар-ку, энди ишлари кўп-да.

Бой: Дунёнинг иши битмайди. Тез-тез келиб турсинлар.

Зайнаб (имомга кулиб): Сизни яна уйланар экансиз, деб эшитибдилар.

Бой: Йўғ-е...

Зайнаб: Худо хоҳласа, янги хотинларини ҳам келиб кўраман, дейдилар.

Бой: Йўғе, шу борларини келиб кўраберсинлар... Холани кечаси сақлаб қолинг!

Зайнаб: Мен боя шуни айтдим, йўқ дедилар.

Бой: Нечун, қолсалар яхши бўларди-ку?!

Зайнаб: Ишлари кўп экан. Бу кеча қўноқлари бўлар экан, мени ҳам чақиралар, бораёми?

Бой: Албатта боринг. Сиз боринг, улар келсунлар.

Имом Зайнабни ўз уйига олиб кетади. Қишлоқ деҳқонлари ҳар иккиси бирга ётганда тутиб, Арслон бошлиқ тумонат одам оқсоқолни ҳам биргаликда бой олдиға олиб келиб шарманда қиладилар. Бой ўғлига: «Болам, тур, онангни нариги уйга элтиб, қўлоғини боғлаб қўй; бу кўрнамакни (имомни) оғилхонага тиқиб қамаб қўй», дейди изза бўлиб. Хуллас, бой қишлоқда гап-сўзга қолади... Бунинг учун унинг ўғли

Қудрат Арслонни ўлдиришга қарор беради, аммо Арслон ўз кучига ишониб бойни ҳам, ўғли Қудратни ҳам ўлдириб аламдан чиқади, асар шу билан тугайди.

1927 йилда Ғози Юнус А. Ҳақвердиевнинг «Хоннинг севгиси» деган асарини эркин таржима қилиб саҳналаштиради. Пьесанинг асосий моҳияти камбағал йигит Саиднинг гўзал хотинини хон зўрлаб тортиб олиши, бу ишда вазир, имом ва бошқаларнинг фаолиятини кўрсатиш билан очилади. Хон ўз одамларини тўплаб: «Хотиннинг эрига айтинглар, талоқ қилсун», деб буюради. Вазирлар, маслаҳатчилар йиғилиб Саидни ўртага олишади.

Вазир: Хон овга кетатуриб, хотинингни кўриб қолиб, ошиқ бўлибдир... Амир қиламанки, хотинингни талоқ қиласан ва хон ўзига хотин қилиб олсин. Нодон, қанча пул, амал сўрасанг берилур. Мамлакатнинг энг гўзал қизларидан бирини олиб берамиз...


Бошқа вазир: Саид! Хон буйруқ берсалар, сени бир зумда йўқ қилурлар. Адолатни кўргинки, шаҳаншоҳ одил, қандай раҳмдил ва фуқаропарварларки, хотинингни зўрлаб, олмайдилар!

Саид: Мен яхши биламан, хон молу жонимни забт қила оладир. Мани ўлдиришга, ёндиришга, дорга тортишга соҳиб ихтиёрдир, аммо маним номусимга ҳеч кимнинг қўл солишга ҳаққи йўқдир... Ман тирик эканман, талоқ қилмайман!

Фитрат ва Ғози Юнусдан келтирилган мазкур парчалар улардан кейин пайдо бўлган бир қатор асарлар пайдо бўлишига туртки бергандай туюлади. «Арслон»даги Мансурбой «Бой ила хизматчи»даги Солиҳбойга қанчалик яқин. Солиҳбой Жамилани тортиб олиш учун домла-имомлардан қозигача ишга солишию Ғофирни ўртага олишдаги суҳбатлар Мансурбой Тўлғунни, Хон Саиднинг хотинини тортиб олиш учун кўрган тadbирларини эслатмайди?! Мансурбойнинг хо-

тини Зайнабнинг хулқи-атвори А. Қаҳҳорнинг «Майиз емаган хотин» ҳикоясининг ёзилишига туртки берган бўлса не ажаб?! Мансурбойнинг хотинлари томонидан иссиқ-совуқ қилиш борасида кўрган чоралари — дам солинган ўлик хотин қалласига игна тиқиб, Тўлғунни бош оғриғи қилиб ўлдиришга уриниш — «Қутлуғ қон»даги Нуринисанинг хатти-ҳаракатларига, Мансурбойнинг Тўлғунга дастлабки дуч келгандаги суҳбатлари Мирзакаримбойнинг Гулнорга учрагандаги ҳолатларни чизишга туртки берган бўлиши мумкин-ку. Аммо «Бой ила хизматчи»даги кўпгина эпизодлар, диалоглар, ҳатто диалогда қатнашувчи образлар «Арслон» ва «Хоннинг севгиси» драмаларидаги кўпгина ҳолатларни яққол кўз олдимишга келтиради. Зотан, «Бой ила хизматчи» Ҳамза томонидан илгари ёзилган ва унинг асл нусхаси топилмаганини Комил Яшин эътироф этиб, дастлабки вариантда ўйнаган артистларнинг хотиралари асосида яратилганини таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам асарнинг кейинги вариантда биз юқорида номларини айтиб ўтган драмаларнинг таъсири кўпроқ бўлганга ўхшайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўзбек совет адабиётида ҳозирги мавжуд кўп муаммоларнинг деярли ҳаммаси 20—30-йиллардан буён давом этиб келади, десак муболага бўлмаса керак. Фитрат ижоди 20—30-йилларда ҳам жиддий баҳс ва мунозаларга сабаб бўлган эди, ҳозир ҳам шундай. Демак, катта ижодкор ва серқирра истеъдодларгина узоқ даврларгача хилма-хил фикр уйғота олади, одамлар улар ҳақида муттасил баҳслашади, йиллар ўтиши билан олдинга сураётган саволларга жавоблар топилаверади. Фитратнинг турли жанрларда ёзилган кўпгина асарлари қаторида «Арслон» драмаси ҳам ўз қимматини ҳамон сақлаб қолган.



КАШПИРОВСКИЙ ТОШКЕНТДА

Шарқда халқ табобати қадимдан кенг қўлланилган ва унга одамларнинг ихлоси ҳам баланд. Азаимхонларга ўқитиш, табибларга қаратиш шулар жумласидан. Кейинги пайтларда руҳий таъсир орқали даволоччи ҳакимлар ва «сеҳрли бармоқ» эгалари тўғрисида кўп гапирляпти. Айниқса, бу борада Анатолий Кашпировскийнинг шухрати шов-шувга сабаб бўлаётир. Зеро, унинг ойнаижаҳон орқали узоқ масофадаги жарроҳликларга кўмаклашиши, экран орқали бутун мамлакат бўйлаб руҳий таъсир этиб, даволаш соатлари ўтказиши одат тусига кириб қолди. Кашпировскийнинг Тошкентдаги «Юбилейний» спорт саройида тўрт кун давомида руҳий таъсир бўйича даволаши жумҳуриятимиз аҳолисида катта қизиқиш уйғотди. Патталардан тушган маблағнинг бир қисмини руҳий таъсир ҳакими муҳтож ташкилотларга ўтказди. Тошкент шаҳридаги етимхонага 22 минг, спорт ветеранларига 70 минг сўм ўтказганлиги фикримиз тасдиғидир. Бундай ҳайрияларнинг ўзи ҳам Кашпировскийнинг инсонпарварлигидан далолатдир.

Абдул ЖАЛИЛ



МУЙНОҚ

Шўрлик шаҳар, қалъа — бағрихун,
Ҳаммоми сувсизу тешилган тоси.
Емирмоқда уни кундан-кун
Қувилган чўлларнинг қасоси.

Кўзларига тиқилади қум,
Тиз чўқади, йиғлаб очар фол:
Этдими ё ўлимга маҳкум
Балиқларнинг мозори — Орол...

Умид узиб ёмғиру муздан
Учокдаги кулдай куйсинми?
Балиқларнинг кафани — туздан
Эгнига оқ либос кийсинми?

Билмас. Билмас — борми бир паноҳ,
Кўникади тўзонга, шўрга.
Ва балиқлар каби бегуноҳ
Гўдакларни узатар ерга...

* * *

Айтар етим қолган куй, ўлан,
Айтар Оқсаройнинг уволи:
Уради жаҳолат гурзиси билан
Қаровсиз тарихнинг уволи.

Шундай урадики, баркамол
Орауларнинг йитар, куяди.
Елканга қўл қўйса гар шамол,
Уваланиб кетар суягинг...

* * *

Қандай ёлғиз экан бу сўқмоқ,
Қандай овлоқ экан бу адир.

Шу сукунат — соқов жимликни
Сўйлаб бергим келар кимгадир.

Етармикан сизга овозим,
Агар етса, мени тушунинг:
Бу сукунат ташландиқ, вайрон
Уясидир иқбол қушининг.

Шундай қорозлар бор, сандиқдан пана
Жой топиб ётару семирар.
На йиллар сарғайтар уларни

ва на
Сичқон кемирар.
Сандиқ тўлса ҳамки, улар мазмунин
Икки сўзда чақиш мумкин: «бер, тўла...»
Уларнинг наздида мана шу замин,
Шу осмон ости бир ертўла.
Ҳатто баланд тоғлар — сувхалта,

юкдан
Узилган дарёлар ўзани.
Фақат қуёш дадил боқар туйнукдан
Соғиниб кетганда гўзани.
Юраклар даштига эса илк кўклам
Ҳар неки эхмадик, ўрилди қўрқув.
Шул сабаб минг йиллик деворлардан ҳам
Сизмоқда шўр сув...

ТУН ҚЎНҒИЗЛАРИ

Мудом ҳайрон ақлим шошади:
Нам тупроқда қолмай излари
Баланд деворлардан ошади
Оғиркарвон тун қўнғизлари.

Учар десам, қанотлари йўқ,
Сакрашолмас — баландлик
катта.
(Очарчилик фасли кимки тўқ —
Юрса, хуфя нон ер албатта.)

Аниқламоқ бўлди мақсадим,
Ғайратларим лекин лат еди.
Ногоҳ менга икки пахсали
Девор аста шивирлаб деди:

Улар тунни эгарлаб минар,
Кўмаклашар шамол уларга.
Тўнкарилиб қолсалар агар
Ем бўлишар чумолиларга...



УЧЛИКЛАР

Кимлар топтаб ўтди жисмингни,
Кимлар ўғирлади исмингни,
Толларидан маҳрум Қатортол?

* * *

Сайроқи чигиртканинг юлдузли дафтари тун
«Шашмақом» кўчирилган саҳифаларни
шамол
Варақлаганда ойни қизғаниб қон йиғлайди.

* * *

Бу сувда чўмила кўрма, илон бор,
Бу йўлдан бемаҳал юрма, ўзбекининг
Меҳмондўст қишлоғи эмас Чилонзор.

* * *

Кўнглим каби очиқ экан қўлларим, —
Зимдан, аждар каби пойимга
Уралибди ўзим ўтган йўлларим.

ОЛТИНҚЎЛ
БЎЛСАЙДИМ...

Мен бир гўр одамман, содда, пишмаган,
Сен мени далалар донгдори дема.
Минганим тулпормас ҳуркиб кишнаган,
У — қора курсили «Зангори кема».

Чўл бағрида қамиш босган кўл —
текин
«Истироҳат боғи» қурбақаларга.
Мана бу — пахтазор, қора иш, лекин
Оқ денгиз шимолий минтақаларда.

Дили шикастаю тани носоғлар
Ана, хирмонда чанг ютиб юрибди.
Кўчиб келгани йўқ бу ерга тоғлар,
Улар ўз жойида турибди.

Қай томон қарама, мақтовқуш туллаб
Етса, гуноҳми ҳеч ҳайдаб сўкинмоқ?
Олтинқўл бўлсайдим, тирноқни пуллаб
Рўзгор тебратардим тўкинроқ...



* * *

Зарур нима эди сувдек, ҳаводек,
Шайтоннинг «жаннати» армуғоними?
Тупроқ камқонлиги учун даво деб
Эгатларга қўйдик юрак қонини.

Оқибат не бўлди? «Сийланган, дуркун» —
Ҳамирдек ийланган ерлар — қақрайди.
Ва далада ўсган болалар бул кун
Суяги қотмасдан қартайди.

КУЗ САВОЛЛАРИ

Унландими чархнинг рафтори,
Бахт кулдими ёки жилмайди?
Мени замин эрк забткори
Нечун назарига илмайди?

Нечун еллар гул ўрнига кул
Титар, қўлда тилладан касов?
Бу заминми ёки ночор кул —
На дарё шўх, на денгиз — асов?

Қачон, қайси тоғ минбарида
Чўкар карвон — афсунгар тева?
Унинг зирҳли сандиқларида
Кимга захру кимга тар мева?

КУЗЗАК

ҲИКОЯ

Тақри чиқиб кетган пўстакка ўтириб олганича ховончада мурч туяётган чол ногоҳ эти устихонига ёпишиб, қовургалари саналиб қолган кўкрагининг кўтарилиб тушганини, ичидан қандайдир тўлқин гувраниб, отилиб чиққанини, янги аралаш юз терисига ямашган лабларининг пирпираб кетганини билмади. Кун пешиндан оғган, устига шарти кетиб, парти қолган сўридан олачалпоқ нур тўкилар; қачонлардир деворлари нураб ё ночорликдан ё бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар, қабилда этак силкиганликдан ҳафсаласизлик билан пешма-пеш, пала-партиш тутилган шох-тўсиқ ортидан турпоқ, темиртерсак ортган машиналар чанг тўзитиб ўтиб турар, осмонда мезон сузарди.

— Шўттамисан, Моҳи?.. Йўғ-е, Мастир!..

Ҳовлида алмисоқидан қолган кундага кўрпача ташлаб ўтириб олганича ҳўл дуккалардан ловия ажратиб олаётган аёл чимирилиб қаради. Еши элликларнинг нари-бериси; бўлиқ гавдаси шалқак тортиб қолган бўлишига қарамай ҳали нами қайтмаган; шу боис алмойи-алжойи суҳбатлардан кўра нақдин гапларга, ҳаракатларга иштиёқманд; устига-устак худди атайин тегажоқлик қилингандай ўзининг эмас, ўзга бир аёлнинг номи тилга олинишидан биби Мастуранинг бир экан-ку, минг бора аччиқланишига ҳаққи бор эди. У чолга тикилганча турди-турди-да, сўнг оғир сўлиш олиб яна ишига тутинди — яна дуккаларни тирноқлаб очиб, ичидаги қора кўз, қалам қош, диркиллаган ловияларни ажратиб олабошлади.

— Ҳай, шунақа экан-да, бордан қутилиб, йўқдан ютиниб бўлмас экан-да!.. Энди, барака топкур... — чол аксира-аксира дастанни ховонча тубига гусур-гусур ураркан, нима жин уриб кўз очиб кўрган хотинининг номи тилига келиб қолганидан аччиқланар, жиндай ижирганиб, жиндай димоғ-финоқ билан бўлса ҳам иссиқ-совуғидан хабар олиб турган аёлнинг кўнглини овламоқчи бўларди. — Хафа бўлма Мастир, қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга, деганлари шу-да! Буни қара, Моҳи деворганимни билмай ҳам қолибман. Мен сенга айтсам, кўз очиб кўрганим эди, у шўрлик. Кэ, қўй, аччиғин чиқмасин?.. Оббо!.. Ҳа, энди, ўзинг ҳам менга киз келмагансан-ку!..

— Буни қаяқдан биласиз?..

Мастура бону ялт этиб чолга қаради. У бўлса юзини четга олиб қиқир-қиқир кулар, аёлнинг буровли луқмаси қанчалик бағрини ўртмасин, ўтган кунлар бадалида бир ёғи қариб, шалвираб қолганлиги, бир ёғи, қизим тенги бўлса, унга қайси юз билан қарайман, деган истиҳолада сездириб, сездирай қилинадиган ёстиқдошлик даъвогарига эътиборсизлик қилганлигидан хижолат чекар, қариликни ва айни чоқда шу кўйга тушган ўзини лаънатларди.

— Гапинг-ку тўғри-я... — Чол Мастура бонунинг иссиқдан бувриқиб оқи оққа, қизили қизилга ажралган юзига, кўрпачани тўлдириб турган қадди-бастига ўгринча кўз ташлаб олди-да, култ этиб ютиниб қўйди. — Локин, барака топкур, жа мени ўликка сув иситса тагини олдираврадиган лаванглардан деб ўйлама. Эшитганинг бордир, кимсан Шохайдар чапан деганлари мен бўламан. Қани, бу ёққа бир қарагин-чи! Ҳа, балли...

Кўриб турибсанки, ҳали тетикман. Кейин, гапингга гап: сену сенинг тойифангдагиларни қовурғасини синдириш вақтидан ўтган бўлсам ҳам эзгилаб, қисирлатиб қўйиш қўлимдан келади.

Аёлнинг юзига ним кулги ёйилди. Бу унинг Шохайдар чапан хонадонига «хасми ҳалол» бўлиб келганига бир-икки ой бўлибдики, биринчи кулиши эди. Қайси эркак аёл зоти олдида мақтанмаган. Аслида шамол тўзитган кўрдай бирданига кўзлари йилтиллаб қолган Шохайдар чапан рўбарў келса ўғрига панд бериб, каззобни ялтинирадиган чапанлардан бўлмаган. Бировнинг мушугини пишт деб, бировнинг арпасини хом ўрганини ҳеч ким билмайди. Чапанилиги — ростгўйлиги, шарттакилиги. Айтишларига қараганда, хотини ўлганидан кейин бир эмас, бир неча бор уйланган. Уйланишга уйланган-у, муросалари тўғри келмаганми, бошқа сабаб бўлганми, ҳарқалай, бу хонадонга остона ҳатлаб кирган аёл кўп ҳам кўним топмаган: Шохайдар чапандан ё ўлиб қутилган, ё қочиб қутилган.

— Шунақа... — Шохайдар чапан қаддини ғоз тутиб, ихчам қилиб кузалган соқол-мўйловини силаб қўйди. — Сен, бундай қарасам, чиндан ҳам кўз очиб кўрганим Моҳига ўхшаркансан. Товба, худди ўзисан-а! Яна бунинг устига ўшанга ўхшаб чиройликсан, дўмбоққинасан...

Мастура бону хандон отиб кулиб юборди. Энди унинг аъзойи бадани лорсиллар, асли таги қора, суртилган, суртилаётган сурманинг соясидан янада қора тортган кўзлари, лўппидан келган юзи, юзидаги кулгичлар ҳам учиб-учиб, ўйнаб-ўйнаб куларди.

— Йўғ-э, ростданми?..

— Рост, рост...

Чол ховончани ховончада, дастанни дастада қолдириб, ўрнидан турди. Яктагининг бир енги елкасига тушиб кетган, иштонининг оғи баланд-паст, чиллақдай келадиган оёқлари қоп-қора: нақ туллай бошлаган қари бургутнинг ўзи! У важоҳат билан ўрнидан кўзголишга кўзголи-ю, бир аёлга, бир кечки куёш нурида тиниқ тортган атрофга кўз ташлаб, бўшашганча қолди. Аёл эса, чолнинг даст ўрнидан туриб кетганини пайқамади. У ҳамон кулар, чамаси хаёлида нималарнидир тасаввур қилар, тобора ўша тасаввурдаги воқеалар таъсирига берилар, ўз кулгусидан ўзи ҳузурланарди.

— Кундошимга ўхшарканман-а! Чиройли эканман-а!..

— Ҳа, ҳа, ўхшайсан... Кулгинг ҳам ўхшайди!..

Мастура бону чолнинг дўриллаган овозини қулоғи остида эшитиб чўчиб тушиди, шошиб ёқаларини тўғрилаган, нари сурилган бўлди. Ёнида, сўрининг шундайгина чеккасида ўлжасига човут солмоқчи бўлган бургут... Кўзлари чақнаб кетган. Бону, вужуди ширин бир ўртаниб, аввал чолга, сўнг тўкилиб тушай деб турган бўлса ҳам сув сепилиб, салқинлатиб қўйилган ним қоронғу уйга қаради. У бургут ҳужумини кутар, унинг чангалида қовургаларининг қасир-қусур қилиб синишига ҳам рози эди. Аммо бургутнинг шашти қайтган, ҳурпайибгина турарди.

— Бевафо дунё... — деди у ўкинч билан.

— Хафа бўлма, Моҳи...

Мастура бону ер остидан Шохайдар чапанга қаради. Унинг чехрасида кишининг

қитиқ пастига тегилганида жунбушга келадиган, ҳозиргина бутун аъзойи баданини ўртаб турган алам, изтироб аломатлари кўринмас, аксинча, чолнинг ўзига яқин олаётганидан мамнундек эди.

— Гоҳо шер ҳам панд ейди... — Шохайдар чапаннинг сўзлари томоғидан қирилиб чиқди. — Локин, бир нарсага иқрор бўлгим бор. Ҳозирдан бошлаб сени ўшанинг номи билан атасам дейман... Розимисан? Аёл индамади.

— Яна ўзинг биласан... — чол бир зум жим қолди-да, сўзида давом этди. — Чунки нимаики кўрган рўшноликларим бўлса ўша билан кечди... Сен ҳам, билмадим, бошингдан не кунлар ўтмаган, илло ўша яхши кунларининг соясига суян-у, ёмонини, доғда қолдириб кетганларини унут.

— Балки, гапингиз тўғридир...

— И-е, и-е, бу нима деганинг?! Қачон мен нотўғри гапирибманки, келиб-келиб ҳозир, шу топда гапирар эканман?!

Одам тафтини одам олади. Шохайдар чапан айтганидай, бошидан не кунларни кечирмаган Мастура бону бақрайганча қолган. Йирик, эҳтимолки, уни шу кўйга солган шахло кўзларида аллақачон ортда қолган маънисиз кунларнинг аччиқ хотиротларию қутилмаганда куйманиб қолган — яшашга бўлган қизгин иштиёқ дам ич-ичига ботиб, дам сирт-сиртига қалқиб, кўпириб туради. Дарвоқе у, кўз очиб келиб, бу сирли-синоатли дунёдан нима излади, нима топди — фақат ўзигагина аён.

— Ўзим ҳам ўлгудай кўрсман-да, — Шохайдар чапан тарс эътизаб тиззасига урди. — Бў дейман, сени хафа қилиб қўйдимми, а? — Йўқ, йўқ... Қайтанга...

Мастура бонунинг юзларида ҳам ҳаяжон, ҳам ҳайрат: гўё умрида биринчи маротаба одам боласининг товушини эшитаётган, дийдорини кўраётгандай. Кейин, бирдан кўзларини чирт юмди, бошини сарак-сарак қилди; кейин, яна бирдан уни ўйлашга, фикрлашга ундаган ҳовлини, ёнида гуноҳқори азимдай ўтирган чолни, чорбоғга тумшук тираган буллоерлару пўлат арқонлари саланглаб турган кўтарма кранларни йўқотиб қўядигандай ҳаприқиб очди. Ҳаммаси ўша-ўша, ҳаммаси жой-жойида. Хайрият. Лекин... Куни кеча катта мансаб эгаси бўлган, мол дунё топа-топа, йиға-йиға гардини ҳам бирон кори-хайрига яратаолмаган, охир-оқибат ўзининг, насл-насабининг юзини қора қилган отаси қани? Шухрат қани, шон қани? Оёғига бош қўйган муҳаббат гадолари-чи?!

— Сиз — одамсиз!..

— Барака топгур, дардгинангни олай, ҳа-ҳа, ҳаммамиз ҳам одаммиз! — вужудидаги ҳалқоб қонлар ҳайқириб, ёнига милтиқнинг ўқидай отилиб келган Шохайдар чапан бугун бўлмаса эртага қочиб кетади деб юрган «хасми ҳалоли» ни таниёлмасди. — Э, буни секин айтасанми, одам бўлишга нима етсин! Ку... гоҳо одам бўлмай қоламиз...

— Мени алдашди.

— Ким? Нега?

— Ўзимникилар... Ўз о-о-там!..

— Йўғ-э! Ўз пушти камаридан бўлган фарзанди — чирогини-я? Е, товба!..

— Оламни бўйнимга, бармоқларимга тилла ҳалқа қилиб илишди... Шуъласидан бўлак нарсани кўрмади!..

— Во, дариғ!..

— Кейин, савдо... Мол савдоси, номус савдоси... Қамоқ...

— Бўлди, бўлди, — Шохайдар чапан силкиниб-силкиниб йиғлаётган Мастура бонунинг бошини силади. — Ўзингни бос, оғир бўл, барака топкур. Кўз ёш билан бу дунёнинг доғини ювиб бўлмайди.

— Кўзим очилди... Уф, кеч...

— Эртами, кечми, ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, кўзинг очилибди-ку!

— Им-м... — аёл инграб юборди.

— Ҳах, ўзим ҳам айтувдима ичида дарди бор буни деб! Худди айтганимдай бўлиб чиқди. — Чол унинг қўлтиғидан тутди. — Қани, энди тур, ўрнингдан!

— Сиз... — аёл бошини кўтарди. Унинг қизариб кетган кўзларидаги ҳалқа-ҳалқа ёшлар дув этиб тўкилди. — Сиз ҳам ҳай-домоқчимисиз?..

— И-е, буни қара, нималар деётибсан ўзинг? — Шоҳайдар чапаннинг назари чорбоғ четини, ёндаги молхона атрофини пайпаслаб ўтди. — Қайда қолган экан-а? Ҳа, ана, ошхона ёнида турган экан!.. Вой, мен сенга айтсам, аччиқни аччиқ эмас, ширин кесади. Англадингми?.. Ҳа, балли... Бу бошқа гап! Х-ў-ўш, мен сенга анув нарвончани ол демоқчиман, узумдан уз, толма пайти ҳам бўлиб қолди, чой ичайлик, демоқчиман.

Дам эсиб, дам пусиб юрадиган ҳардам-хаёл шамол турган, осмон тиниқ, қари нок танасига чирмашиб кетган ҳусайни узум бошларида қуёш шуълалари ўйнади. «Гапига қараганда, манави куйган банданинг отаси катталардан экан... Нафсламбири тўқлик тойилтирган; мисоли шоҳона қаср тепасига чиқиб, нарвонсиз қолгану, дўмбалок ошиб тушган. Ердан ҳам, томдан ҳам безор ҳозир. Бўлмасам, ман-ман деган йигитга хотин бўладиган аёл кулбаи вайронамга кириб келармиди, ўзини менга раво кўрармиди?.. Э, йўқ...»

Шоҳайдар чапан елкасидан ярим қучиб, мамнун бир кайфиятда нарвон почасига оёк босаётган гўзал аёлнинг эндиликда ўзига таъмаҳрам бўлиб қолишига ишонгандай бўлди. У ўзини қари нокка, аёлни аймоқи тоққа қиёс қилди. Чиндан ҳам қулаб тушай деб турган нокни унинг аъзойи баданига чирмашиб олган тоқ тутиб тургандай... Чол ададсиз қувонч билан жиякли атлас иштони устидан аёлнинг оёқларини силаб-силаб кўйди.

— Эҳтиёт бўл, Моҳи... Йиқилиб тушма!

Авайлаб узум узаётган Мастура бону бир зум тўхтаб, нокнинг шох-шаббаларию тоқ барглари орасидан унга қиё боқди. Юзларида табассум.

— Йиқилсам ушлаб қоларсиз?..

— Ушлаб қоламан. Сен йиқиласан-у... Э, йиқитиб қўяманми сени!

— Оғирман-да.

— Оғирман дейди-я? — Шоҳайдар чапан гижинг бўлиб, қулочини ёзди. — Мана бу ёқда окагинанг бор!.. Кейин, биласанми нима, аёл зотининг тоши юз пуд бўлганда ҳам барибир у эркак учун бир қулоч...

Мастура бону кўксини тўлдириб, энтикиб-энтикиб нафас олди. У шундайгина пешонасига қўнғудай бўлиб турган қуёшни, турфа ранг, турфа жилода, худди тенги йўқ моҳир чевар томонидан қуралган қуроқдай ёзиллик кенгликларни илк бор кўраётгандай эди. Чол бўлса, ўзича мингирлаб ашула айтар, тепасидан хасми ҳалолу узатиб турган узум бошларини челаққа соларди.

— Вой-бў, атроф жуда кенг-а! Боғлар, азим тут дарахтлар...

— Ҳа, биз экканмиз! Отам, ман...

— Дарахтларни кўпориб, нимадир қуришаётибди.

— Зовут... — Шоҳайдар чапаннинг товушида мақтончоқлигу мағрурликка ҳам, ўкинчу ачинишга ҳам йўйса бўладиган оҳанг бор эди. — Окангни зовути! Дарахтларни ўз қўлим билан ағдариб ташлаб, ўрнига ўз қўлим билан зовут қураётиман. Ўша, сен кўриб турган юк кранларидан тортиб, уюм-уюм қилиб қўйилган темир-терсақ, бетон деворларгача — меники! Шуларни қўриқлайман.

— Зўрсиз-ку?! Заводингиз нима ишлаб чиқаради?

— Билмадим. Сўрасам, тракторларга сўқа ясаймиз деб кулишади. Кэ, бўлди қилақол! Чарчаб ҳам кетдинг. Негаки, нарвонда қадалиб, узоқ кеккайиб туриш қийин.

— Бўйин қотиб қоларкан.

— Шуни айтаман-да! Ҳа деб осмонга қарайберишнинг ҳам оқибати яхшимас.

— Нега оқибати яхшимас? — Мастура бону нарвондан тушаётиб сўради.

— Нега десанг, ҳозир ўзинг айтганингдай, аввал кишининг бўйни қотади, кўзи жимирлашади. Кейин...

— Кейин нима бўлади?

— Кейин... Билмадим... — Шоҳайдар чапан ўйланиб қолди. У бунақанги мағзи тўқ гапларни унча-мунча китоб кўрган отасидан эшитган, ўтган умри бадалида фикри ожизича жиндай фаҳмлаган, тагига етгандай бўларди-ю, аввало падари бузрукворининг, қолаверса илму одобнинг ҳурмати, ботиниб дадил бирор нарса деёлмасди. — Ҳар қалай отам раҳматлик: «Осмонга тик қараш мумкинмас. Олдин кишининг бўйни қотади, кўзи жимирлашади, сўнг ўзининг соясига ўзи қоқилиб йиқилади...» дегучи эди. Мен сенга отамдан эшитганимни айтдим. Ўзининг гапими, китобнинг гапими — буни билмайман. Бу билан нима демоқчи, қайси маънода — бунисини ҳам билмайман. Агар сенинг йўлиқишингни, орамиздан шундай гап қочишини илгарироқ сезганимда, албатта сўраб олган бўлардим.

— Қизиқ... Жуда қизиқ...

— Э, нимасини айтасан, қизиқликка қизиқ. — Шоҳайдар чапан бу кутилмаган жумбоқни ҳозирнинг ўзида ечиб ташлайдигандай оғир тин олди, ўйлаб-ўйлаб чамаси бирон аниқ фикрга келолмадими, ё айтишни лозим топмадими, қўл силкиди. — Б-э, қўй шу гапларни, ҳозир бош қотиришнинг мавруди эмас. Хўш, буёғини сўрасанг: азал бош-

дан дунёнинг ўзи қизиқ. Сен билан мен шу қизиқ дунёнинг тузукроқ ийланмаган зувалаларимиз. На совуғига чидаймиз, на иссиғига. Демак, сен — қизиқ, мен — қизиқ...

Мастура бону қизиқ дунёнинг қизиқ кишига қизиқиш билан тикилди. Чол нималарни ўйлади, мавруди келганда айтадиган гаплари қанақа гаплар — буни ҳозир унинг учун қизиғи йўқ. Қизиғи шуки, қурилишлар бошланиши билан ота таниш, она таниш қўшнилари чекка-чеккага кўчиб кетиб, хувиллаган ҳовлида бир ўзи қолишига қарамай ёлғизликдан ёзғирмайдиган, нолиш нима эканлигини билмайдиган оқ иштон, оқ кўйлакли, яланг тўш одамнинг борлиги! У жинжилоқдай келадиган қувур билан ишхонасидан келтирилган, эски пахса девор ёриғидан ўтказилиб суви қуриган ариққа ташлаб қўйилган водопроводдан чўнкайиб ўтириб олганича юз-қўлини юваётган Шоҳайдар чапанга илиқ назар ташлади-да, сўрига жой ҳозирлашга киришди. Уйдан янги кўрпачаларни олиб чиқиб тўшади, дастурхон ёзди.

— Оҳ-оҳ, барака топ-а, турмуш-тирикчилик деганлари мунақа бўлибди-да!.. — Шоҳайдар чапан Мастура бону узатган шокилани сочиқни оларкан, ялтоқланаётганлигини билмасди. — Бормисан-а?.. Тасаддигинг



Рассом А. Нажмиддинов.

бўлай-а!.. Аёл зотининг исидан, ишвасидан ортиқроқ роҳат борми, бу дунёда!.. Ишқилиб, кўриб турганларим рост бўлсин-а!.. Яшириб нима қиламан, раҳматлик Моҳидан кейин кўрган кунларим ит ётишу мирза туриш эди.

— Кейинги кундошларим...

— Уларни қўй, — Шоҳайдар чапан Мастура бонунинг оғзидан гапини олиб олди. — Бирини десанг, рамағда жон, касалини боқдим, кўп ўтмай ўлиб берди, ўлигини кўдим. Бири бўлса, унча-мунча йиғиб қўйганларимни липпасига қистирди кетди. Бири...

— Бўлди, бўлди-е, — Мастура бону тўрт бўйранинг ўрничалик келадиған ҳовлига сув сепаётган жойида таққа тўхтади. — Шундай одамни эзишадими-а, қурғурлар! Гапирманг, юрагим эзилиб кетаётибди.

— Ана шунақа-да, — Шоҳайдар чапаннинг ўпкиси тўлиб, кўзига ёш келди. — Бу бош не кунларнинг кулфатини кўрмади дейсан... Ишқилиб яхши одамлар бор бўлсин. Иш билан, ўшалар билан овинаркансан.

Узоқда, ўнқир-чўнқир йўлда юкининг оғирлигидан кучаниб келаётган машина кўринди. Машина тобора яқинлашар, унинг ортидан чанг-тўзон ёпирилди. Шоҳайдар чапан аслига қайтди: хижолат тортиб дам Мастура бонуга, дам ерга қаради-ю, елкасидаги рўмолини олиб, кўз ёшларини артди.

— Келаётган Макар, — деди у чиройи очилиб. — Яхши йигит. Залатой. Тан-жонлари соғ бўлсин, мана шулар-да, ишхонадан қувур чувалатиб, воданинг сувини¹ келтирган, балонли газ қуриб берган. Самоворнинг чойига нима етсин-у, ичиб ётибмиз маза қилиб.

— Энди чойни самоворда қайнатиб бераман...

Мастура бонунинг гапи чолга мойдай ёқиб тушди. У, ёнбошида лўла болиш, янги кўрпачага чордона қуриб ўтириб олганича чойнакдаги чойни ҳафсала билан қайтарар, яқинлашиб келаётган машинага қараб-қараб кўяр эди.

— Бозор-ўчаримни ҳам шу йигитлар қилиб беришади, — чол ҳузур қилиб чой ҳўлади. — Узинг ҳам кўргансан-а? Ҳа, балли... Қани айт-чи, шулар бўлмаса, сен бўлмасанг бу уйда яшаб бўладими?!

«Шулар бўлмаса... Сен бўлмасанг!.. — Аёлнинг кўксини, бутун вужудини қандайдир нур қамраб олди. У хаёлида, ногоҳ ҳайқириб қолган қонида шуълалана, шуур бағишларди. — Ҳа-а... бу киши — одам! Ҳақиқий одам!.. Ҳеч нимага беварқ қарамайди. Гўё ер ҳам — уники, осмон ҳам — уники. Шулар билан бирга яшайди, шулар билан бирга нафас олади. Бошқача бўлиши... унинг учун мумкинмас. Рост билан осмонсиз, мана шу ҳовлисиз, анув шапқасини қийшиқ қийиб олган боласиз яшаб бўладими?! Йў... Йў... Бошқаси... Бошқаси — ҳаром!..»

Машина етиб келиб, шох-девор ортида тўхтади. Чапаннинг кўзлари чақнаб кетган. У ўрнидан иригиб туришга ҳам тайёр эди-ю, қариллик ҳурматини сақламасдан йигитни ҳижолатда қўйишни ўйлаб, ўрнига яна ҳам ўрнашиброқ ўтириб олди.

— Ассалому алайкум, — йигит кабина эшигини ярим очиб салом берди. — Чарчмасдан, зерикмасдан ўтирибсизми, ота?

— Чарчаш, зериккиш қаёқда, — чол елкасидаги рўмолини олиб, кеналибгина елпиниб қўйди. — Бу ёқда иш, бу ёқда опоқинг билан рўзгорнинг бешигини тебрате-е-б ўтирибмиз. Нима бўлди, жа ўзинг ҳаяллаб қолдинг?

— Товарни вақтида ололмадим. Биласиз-ку, бор отангга, бор онангга қилишади, — йигит сигарет тутатди. — Қоғозларни тўғрилаб, амаллаб юки олгандан кейин машинанинг иши чиқиб қолди. Тутатдим. Шу, бу ёғига, чўлу биёбон, иссиқ, дам олиб-дам олиб келаётибман.

— Яша, ўғлим, боплабсан, — Шоҳайдар чапан оғзига узум солаётиб йигитни дастурхонга таклиф қилмаганидан уялиб кетди. — И-е, фаромушликни қара. Индамай ўтириб-

ман-а! Қани, бу ёққа туш, узум е! Чой ич! — Раҳмат, отахон, келаётиб йўлда тамадди қилиб олгандим, — йигит ўзини ичкарига олиб, кабина эшигини ёпди.

— Ҳай, ҳай, тўхта! Тўхта деяпман, сенга! Муни қара, узум зап етилибди-да? Насибангни ола кет, зовутда ейсан!

Мастура бону мен олиб борақолай, деган хаёлда ўрнидан қўзғолган эди, чоли тушқурнинг рашки келдими, уни авайладими, ҳарқалай қизиқ бир қараш билан секингина тиззасидан босиб, ўтқазиб қўйди.

— Аломатсиз-да, ота, — чолнинг феълени яхши биладиған йигит машинасини юргизган жойида тўхтади. — Хўп, хўп... А, бу, Собит акадан хат-хабар борми?

— Жимжит, — Шоҳайдар чапан, қўлида ярим челақ узум, йўл-йўлакай йигитнинг саволидан пича нафаси қайтиб, жиндай соғинч, жиндай алам-аччиқ аралаш гапириб борарди. — Анча бўлди, миқ этмайди. Иши яхши, жони тинчдир-да? Гоҳо жони тинч одам ўзидан бошқани ўйламай қўяди...

«Жони тинч одам ўзидан бошқани ўйламай қўяди!..» — Аёл бу гапни дилида қайта-қайта такрорлади. — Нима дегани? Нима демоқчи? Собити ким экан? Ким бўлса ҳам, ёмон одамга ўхшайди... Демак, одамгарчиликдан, элдан чиқиш шундан бошланаркан-да? Бало-офатларга йўлиқиш, хону монидан ажралиш шундан бошланаркан-да?!»

У кечагина дунё кўзига қоронғу, ўлимига ҳам рози эди. Бу хонадонга қайси йўл билан, қандай қилиб келиб қолганини ҳам билмайди. Нима бўлди ўзи? Отаси, хохласа ҳар кунни Сочиди, Москвада тушлик қилиб келадиған ака-укалари патарат топиб кетди. Бундан онасининг юраги ёрилиб, оғзидан қони келди. Кулфат босган, одам боласини ютаман деб турган уйдан этак силкиб чиққанидан кейин қанча йўл босиб, қанча довон ошмадийкин: машина ҳам уриб кетмабди, поезд ҳам босмабди. Энди унинг ўлгиси йўқ, бир бурда нонини, бир шингил узумини бошқалар билан бўлишиб емаса томоғидан ўтмайдиған чолни ташлаб кетгиси йўқ. Ахир, у — одам! Одамгарчиликка қайтарди уни. Ҳақиқий одам эса, ўзини ўзи ўлдирмайди.

Шоҳайдар чапан ҳам хомуш тортиб қолган. Болайи лодон кўнгли сўрайман деб Собитидан оғиз очди-ю, юрагининг тубига оғир тошдай чўктириб қўйган армонларини алғов-далғов қилиб юборди. Кишининг боши — жилғанинг тоши, деганлар ҳақ экан. Баҳорнинг сел, довуллари ўз измига солиб истаган ёққа думалатаркан у бошни, саратон офтоби қиздиргандан қиздириб ҳеч нарсага ярамайдиган дўнг қовоққа айлантларкан у бошни. Қиздириб қовоққа айлантларгани, тошдай думалатгани шу-да! Бўлмаса, дилбар, исми жисмига монанд Моҳи демаган бир этак бола билан ташлаб, кўз юмиб кетармиди! Ҳэ йўқ, бэ йўқ, ташлаб кетди. Кетишга кетди-ю, колхознинг даласи, ўзининг чорбоғидан бўлак жойни кўрмаган, ростгўйлиги, шарттакилиги билан ҳаммага ҳам ёқавермайдиган Шоҳайдар чапанни ёлғизлатди, доғда қолдириб кетди.

— Одам чидаркан, — деди у оғир хўрсиниб.

Боядан бери эсласа этни жунжиктирадиған кечмишлари билан бўлиб, ёруғ дунёда бордай-йўқдай ўтирган Мастура бонунинг гап ҳушига келтирди. Челақни саланглатиб келаётган чолнинг қовоғи солиқ, пешонасидаги ажинлари қалинлашган. Нима десин? Қандай қилиб юпатсин? Таскин-тасалли берадиған гапларнинг замирида ачиниш, самимийлик билан бир йўла жиндай алдов ҳам ётади. Алдовни хуш кўрмайдиган, йилларнинг аччиқ-чучигини қулт этиб ютиб келаётган чолга гаплари ёқармикин?.. Балки ёлғизликнинг ёзиқликлари унутилиб, бағри бутун бўлиб қолганидан, унга суянганидан атайин эркалиқ қилаётган бўлса-чи? Одам қариганида боладай бўлиб қолади дейишадик-ку!..

— Отаси...

Мастура бону биринчи маротаба бу сўзни оғзига олди ва биринчи маротаба кутилма-

ганда қувонч оғушида қолди. Ва... кутилмаганда хўрлиги келиб кетди. У йиғларди. Йиғлаганда ҳам, не кўйга тушганидан бе-хабар, аҳтимолки, кеч бўлса ҳам ўзини топганидан, олдида чол, атрофида ҳалиги шофёр йигит сингари одамларнинг борлигидан астойдил кўнгли эриб, эланиб йиғларди.

Шоҳайдар чапан хушёр тортиди.

— Йиғлаётибсанми, а?

— Йўғ-э, — Мастура бону бир қалқиб тушди-да, кўйлагининг энги билан кўзларини артган бўлди. — Нега йиғларканман... Ҳалиги, шофёр бола сизни хафа қилиб қўйдими, дебман.

— Ким? Макарни?.. — Шоҳайдар чапан лов этиб ёнди-кетди. — Нега мени хафа қиларкан? Хафа қиладиған болами у?.. Сен, сен гапни латтага ўрама!..

— Билмадим... — Мастура бону дув қизарди. — Кейин, Собит дегандай ҳам бўлди...

— Ҳа, ҳа, Собит деди! У — кенжа ўғлим!.. Билсанг, шу думбул-тентакка суяниб қолганман. У бўлса...

— Бир иш қилиб?..

— Эс-ҳушини йиғиштиргани кетганми, демоқчимисан? Шундайми? — ҳовлида у ёқдан бу ёққа юриб турган Шоҳайдар чапаннинг кўзлари бир ёниб, бир ўчди. — Йўқ, қамалмаган! Чет элга ишга кетган... Майли-ку, олти ой бўлибдики, олти энлик хат ёзмайди. Хўш, бола деган шунақа ҳам бўладими? Э, бунақани!.. Аммо-лекин, мен сенга айтиб қўяй, қамоқ деган нарсани Чапаннинг насил-насаби билмаган, билмайди ҳам!..

У тўлиб кетган: эй, адашган малак, бугун борсан, эртага йўқдирсан, пешонамга ёзиғлигини кўрарман — иложим қанча; Ҳозир шу топда эса уйланмай, тирноқ юзини кўрмай урушда қолиб кетган ўғилларимнинг доғи-ҳасрати елкамдан босаётир; бу ҳам ҳолва-я, шаҳарда кооператив уйи, тоғ томонда боғ ҳовлиси, машинаси бўлишига қарамай киндик қоним тўкилган, бобосию момосининг ҳиди келиб турган шу кулбаи вайронани домга алмаштириш пайида юрган Собитнинг қайси гўрдан илашган ит феъли юрак-бағримни ўртаётир, демоқчи; бор гапларни тўкиб-солмоқчи бўлди-ю, тили ка-лимага келмади. Қайси юз билан айтсин! Қўшнига айтса қўшадиған, овулга айтса ошадиган гаплар. Айтиб бўладими?! Айтадиған бўлса ўзининг ўзагини ўзи узган бўлади-ку!..

— Укинганинг — ўлганинг... Касалликдан, қарилликдан ўлмайди киши. Ҳақсизликдан, умидсизликдан ўлади! — ҳозиргина тутаб, чирсиллаб турган Шоҳайдар чапан бирдан пис этиб ўчди-қолди. У ёшига, жусасига ярашмайдиган энгил ҳаракат билан сўрига чиқди, чордонани чор қуриб ўтириб олди. — Шунақа... Илло, одам боласи яхши ўт қидириб ўз яйловини пайҳон қиладиған қора мол, бу ҳотами холиқ олам эса подахона эмас... Қани энди, э, дардингни олай, сабзи-пиёздан келтир, кечга бир ловия палов қилайлик!..

Мастура бонунинг оёғидан ўт чақнади. Кечки шабада турган, уфқни лўла болишдай ияги остига олган офтобнинг сўнги нурлари нок шохлари узра сирганарди, эрта-мертан узилиб тушадиган қизғиш-заъфарон япроқлар ловуллаб ёнарди.

¹ Водопроводнинг суви демоқчи.



ЭЪТИҚОД СУРАТЛАРИ

«Адабиёт — ҳаёт кўзгуси», деган ибора моҳиятини талқин этиб, исботлаб ўтириш шарт эмас. Чунки бадиий адабиётнинг бирдан-бир дояси — санъаткор ўзининг фалсафий мушоҳадаларига мавжуд ҳаётдан асос излайди. Агар бу асос халқ ва Ватан тарихи, миллий ғурур, эътиқод, келажак билан боғланмас экан, мисралар китобхонни ишонтирмайди.

80-йиллар ўзбек шеърятининг тасвир кўзгуси тиниқлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ёрқин акс эттириши билан характерлидир. Бу давр шеърятда инқилобий шиддат янги куч билан қайта уйғонгани, давр кишининг безовта қалби ва онги тадқиқидан умуминсоний умумлашмалар чиқарилаётгани кўзга ташланади.

Ўзбек совет шеърятда истеъдодли шоира, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳалима Худойбердиеванинг ҳам ўз ўрни, ўз овози бор. Шоиранинг ўтган йили нашр этилган «Муқаддас аёл» шеърый тўплами бу фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Тўпландан жой олган шеърлар мавзу жиҳатидан ранг-барангдир. Ундаги ҳар бир шеърда ҳаётдаги жумбоқларга аввало ўз қалбидан жавоб изловчи, теран фикрловчи, нозик ҳиссиётли шоира шахсиятини чуқур ҳис этиш мумкин. Китобнинг «Муқаддас аёл» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Шоира шеърларида асосан аёллар, оналар овози янграйди, лирик қаҳрамонлар ҳам бизнинг замондошимиз — меҳрибон онадир. Шу билан бирга тўпланда аёлнинг фақат она маъносидаги мадҳи эмас, балки инсон сифатида маънавий-ахлоқий дунёси таҳлилини ҳам кўрамиз.

Аёлнинг муқаддас образи, латофат ва нафосат, матонат ва заковати қайта-қайта куйланган бўлса-да, Ҳалима Худойбердиева наздида ҳали аёлни таъриф эта олмаганлар. Шоира аёлни ижодкор сифатида талқин этади, у яратган аёл образида ўтмиш, бугун ва келажак ўзаро туташади. Шоира инсон қалбидаги нозик туйғуларни, кечинмаларни, қалб куйларини, табиат оҳангини, аёл руҳий оламини шундай жўшқинлик ва самимийлик билан ифодалаб берадики, шеърят ихлосманди беихтиёр унинг асири бўлиб қолади. Тўпланда биз аёлни муҳаббат бекаси («Муқаддас аёл»), ҳижрондаги, аммо бахтли бева («Эски сандиқ»), тинчлик учун курашчи («Жасоратнинг сўнги тун»), ўзгаришларга тўла кунларимизнинг олд сафидаги коммунист («Ватан, сенинг йигирма миллион...») қиёфаларида кўрамиз. Аёл образининг бундай турфа қирралари кашфини маълум бир давр ижодининг умумлашмаси сифатида қабул қилсак, санъаткорнинг ижодий тақомили харитасини тузган бўламиз.

Шоира Ҳалима Худойбердиеванинг деярли ҳар бир шеърда олижаноблик ва тубанлик, кун ва зулмат, севинч ва дард, ҳақиқат ва қабоҳат сингари ижтимоий масалаларнинг у ёки бу қирралари ёритилади, уларга шоирона жавоб изланади.

Шоиранинг мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларни, туб ўзгаришларни чуқур сеза олиши, шоирона таҳлил қила билиши, фалсафий ва чуқур хулосалар чиқара олиши қувончли ҳолдир. Мажмуадаги мўъжазгина «Муаммо» шеърининг ғоявий-бадиий миқёси кенглиги, чуқурлиги билан диққатимизни тортади. Бу шеърда табиат билан инсон ўртасидаги диалектик бирлик муаммолари ҳам бўлган. Лирик қаҳрамон долзарб муаммо — бу инсон маънавияти ва унинг табиатга муносабати эканлигини таъкид усулида кўрсатиб беради:

*Бугун муаммодир кўлни асрамоқ,
Муаммодир боғни, гулни асрамоқ.
Бошқача қурсак деб таклифлар қатор,
Қийин ҳатто тўғри йўлни асрамоқ.*

Лирик қаҳрамон урушда ҳалок бўлган йигирма миллион жангчини хотирлар экан, бугунги урушқоқларга умуминсон олдида турган саволни беради:

Йигирма миллион байроқ гўрли-гўрсиз

*қўзғолса,
Совиб қолган ўчоқлар қўрли, қўрсиз қўзғолса,
Мункайган келинчақлар эрли, эрсиз қўзғолса,
Бугунги урушқоқлар, сиз не дерсиз қўзғолса,
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.*

Бу мисралар фикр ва туйғуларнинг мутаносиблиги билан ажралиб туради. Улардаги табиийлик ва равонлик шеър жозибасини яна ҳам оширган. Шоира ушбу тўпланда уруш мавзусига ўзгача ёндашган.

«Қамал кунларида» туркуми бешта шеърдан иборат. Булар: «Мен ўйлайман...», «Қамал қишида», «Хато такрорланмас», «Ҳайкалнинг айтганлари», «Ватан бахти». Туркумдан жой олган шеърлардан қаҳрамон шаҳар Ленинграднинг қамал кунларидаги оғир ҳаёти, у ердаги бўйсунмаган кишилар тасвири, инсоннинг уруш даҳшати ичидаги иродаси, курашига диққат қаратилади:

*Усмир укам, қўлларингга буюр, ишласин,
Станокнинг музларини эритсин тафти.
Ҳис эт, сенда лаҳза қамал қиши қишласин,
Ҳис эт, клей еб тўймаган бола ўяпти.*

*У сингилсини ётқизиб тонгда чанага,
Шошилганди, боғчагамас, уни кўмгани.
Йўл портлади, ўзин урди бомбапанага,
Сингилчасин мурдасини қайтиб кўрмади...*

Агар эътибор берилса, ушбу туркумнинг бош қаҳрамони уруш етимлари — гўдак болалар. Гўдаклар — эл-юрт, миллат, Ватан келажаги. Уруш эса, энг аввало, келажак учун захри қотилдир. Шунинг учун уруш гўдакларни образи рамзий образ даражасига кўтарилади.

Тўпландан жой олган жуда кўп шеърлар муҳаббатдан баҳс этади. Бу баҳс ёшликнинг илк севгиси «оқ-воҳ»лари каби хитоблардан иборат бўлмай, ҳаёт мураккабликлари ичида ўзига йўл очиб келган, «пешонаси қашқа бўлган», юраги қон Севги фалсафасидан сизиб чиқади.

Лирик қаҳрамон ҳаётда ўз суйганига етишмаган бўлса-да, ўзини бахтсиз санамайди. Балки ўша севги оташидан куч олади, ўзгаларга ана шу қудратни юқтиришга уринади:

*Биласанми, кўкрагингда қанча дуру зар,
Агар сенга мен чўкмасам улар йитгайдир.
Топсам, олиб чиқа олсам ул жавоҳирлар
Иккимизнинг яшашимиз учун етгайдир.*

Ҳалима Худойбердиева шеърларида давр муаммолари даражасига кўтарилган масалалардан бири — оила мавзуси ҳам муҳим ўрин тутади. «Интиқом», «Бир хонадонда» шеърларида тирик етимларнинг руҳий портрети эр-хотин муносабатлари таҳлилида чизилганини кўрамиз. Агар урушнинг оқибат натижаси — аянчли етимлик бўлса, оила уруши — бу онгли, бир социал жаҳмият кишиларининг икки қарама-қарши ҳаётий позицияга ўтиб олиши натижасида болалар озор чекаверади, улар меҳр ва эътиқодсиз, қўрқоқ бўлиб ўсаверади. Бизнингча, шоиранинг юқоридаги шеърлари мазмунда ана шундай муҳим ижтимоий хулоса этади.

Шоира ҳаётдаги кичик бир ҳодисани, фавқулудда ҳолатни тасвирлар экан, шу орқали замондошининг маънавий қиёфасини таҳлил қилади, унинг қалбидаги қарама-қаршиликларни очиб ташлайди. «Мослашувчан одамга» шеърда Чехов буқаламунининг навбатдаги бир қиёфасини кўрамиз. Илгари ўз эътиқодига эга бўлган киши курашлар тўлқинига тоб беролмай, исталган томонга думалатиш мумкин бўлган «силлик, юмюмоқ тош»га айланади. Турғунлик ва қайта қуриш каби кўп жиҳатлардан бир-бирига зид икки даврда инсоннинг ижтимоий-маънавий қиёфасининг таҳлили «Мослашувчан одамга», «Елғиз бошни...», «Ўрталлик», «Сиз миҳсиз» каби шеърларидан жой олган.

Шоиранинг кўп шеърларидаги халқчиллик халқ маънавий хазинасига мурожаат ҳисобига таъминланган. Унинг талай мисралари ўзига хос мусиқийликка, куйчанликка эга. Шоира фольклор жанрларининг поэтикасидан фойдаланиб, ўзига хос шакллар топган. Масалан, «Она садоқати ва ўғил армони қисаси» аввал насрий баён билан бошланади. Қаҳрамон руҳидаги кучли қўзғалиш тасвири табиий равишда назм йўлига ўтади. Тасвирнинг бундай аралаш шакли, беихтиёр, халқ достонларини эсга туширади. Тўплам, шубҳасиз, шоира маҳоратининг тақомилдан далолатдир. Бироқ бу пиллапоя риштарининг баъзи бирлари ўз ўрнига тушмаганини ҳам ҳис этамиз.

Аввало, бир қатор шеърларда воқеани баён қилиш олд планга қиқиб қолган. Натижада асар чўзилиб кетиб, шоиранинг ғоявий хулосаси китобхон кутгандан кейин чиқарилади. Бу эса, шеърнинг таъсир кучини сусайтиради. «Халқимга», «Хато такрорланмас», «Илинж», «Кумушнинг ўлими» каби шеърлар ана шундай таассурот қолдиради.

Шоирадаги шафқатсиз фош қилиш усули шеърларига шиддат, кескинлик бахш этган. Бироқ баъзи шеърларда улар ўрнини дидактика, насихат, мадҳ маъноси эгаллаб қолган. Истеъдодли шоира Ҳалима Худойбердиеванинг «Муқаддас аёл» тўплами санъаткор эътиқодининг шеърый сурати бўлиб, тасвири ҳам жуда кўп қалбларда муҳрланиб қолиши шубҳасиздир.

Обиджон КАРИМОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика институти аспиранти



Қуёш нурларини тадқиқ этувчи янги «геле-сейсмограф» апаратида инсон қуёшдаги жараёни кузатиши мумкин.

А. Кошкин сурати



ЕЛЕФОН

Анвар МУҚИМОВ

ИНТЕРМЕДИЯ

Шокиржон (кулимсираб ўзига ўзи). Мана, энди мулла Шокиржон, ишингиз битди, командировкангиз тугади. Чиптангиз чўнтагингизда (қўлидаги қоғозга ишора қилиб). Манови командировка варақангизга ташкилот бошлигининг имзосини чектириб, «шоп» этказиб муҳр бостирсангиз кифоя. «Фир» этиб аэропортга чиқасиз. Дам ўтмай интизор кутаётган дўмбоқчаларингизнинг қучоғида кўрасиз ўзингизни!

(Қабулхонада ўтирган чол, аёл ва йигитга). Ассалому алайкум, азизлар!

Ўтирганлар (тунд кайфиятда). Ваалайкум ассалом. Келинг.

Шокиржон (эшикка боқиб). Учқовларинг ҳам шу ёққамми?

Чол. Ҳа.

Шокиржон. Ичкарида одам борми?

Чол. Шундай.

Шокиржон (илтижо оҳангда). Илтимос. Ўша одамдан кейин бирров кириб чиқсам. Манови варақага муҳр...

Чол (қўлидаги қоғозни кўрсатиб). Қаранг-а, мақсадимиз эгизак экан.

(Ичкаридан «алло-алло» товуши эшитилиб туради. Ўтирганлар соатларига қараб қўйишади).

Аёл (дўнғиллаб). Телефон ўлсин, телефон! Ҳамиша шу аҳвол! Кеча ҳам ўтириб-ўтириб кетганман.

Шокиржон (ажабланиб). Наҳотки?!

Аёл. Ҳа, ишонинг. Онаси телефонда гаплашиб ўтириб туққанми, билмадим. Аслида отини «Полвонхўжа» эмас, «Телефонхўжа» қўйса бўларкан.

(Ниҳоят, кабинет эшиги очилиб ёш жувон чиқади. Чол ўзини ичкарига уради, бироқ ўша заҳоти изига қайтади. Чолнинг орқасидан бошлиқ чиқади. Ҳамма оёққа қалқийди, бошлиқни ўраб чувиллайди).

Шокиржон (қўлида қоғоз ва ручка тутиб бошлиққа талпинади). Ўртоқ Мавлонхўжаев, самолётга кечикаяпман, бир секунд!..

Мавлонхўжаев (соатига ишора қилиб). Обед, ўртоқ, граждандар. Мана, соат роппа-роса бир. Маслаҳатим, сизлар ҳам режимни бузмай тамадди қилиб

келинглар (чиқади, кутувчилар бошлиққа эргашади ва шу тартибда кириб келишади).

Шокиржон (соатига боқиб). Хайрият, бошлиқнинг тушлиги чўзилмади. Самолёт кўтарилишига чорак кам бир соат қолди (ичкаридан бошлиқнинг «алло-алло»сини эшитиб ўрнидан туриб кетади). Оббо, тагин бошланди-ю (бепоқатланиб у ёқдан бу ёққа юради)!

Чол. Шу тиллон уйинг куйгурни қайси хотинталоқ ўйлаб топган экан?

Йигит. Айб. Телефонхўжада.

Шокиржон (соатига кўз ташлаб). Ана энди ярим соат қолди (машинисткага). Жон синглим, ялинаман сизга, ёлбораман (қоғозни кўрсатиб). Ичкарига кириб мановини сиз...

Машинистка (бош чайқаб). Йў-ўқ, йў-ўқ! Бошлиғимиз тартиб-интизом масаласида жуда инжиқлар.

Шокиржон (ўтирганларга йиғламсираб). Ҳой, барака топкурлар, ёрдам беринглар. Йигирма тўрт минутдан кейин учишим керак! Мана, билетим.

Чол (Шокиржонга). Майли, ундай бўлса ҳозирок кириб. Бу ёғи подшо эгам...

Шокиржон. Раҳмат, миннатдорман (ичкарига бош суқиб). Мумкинми, ўртоқ Мавлонхўжаев?

Бошлиқ. Илтимос, андак сабр қиласиз. Алло, кимни безовта қилаяпман?

Шокиржон (ичкарига кириб). Ахир, мен... самолёт! Бир онлик иш!...

Мавлонхўжаев (осойишта). Қизишманг-да унақа. Адаб-одоб деган гап бор, маданият деган гап... (трубкага) Алло? Акрам Каримовичми? Ассалому алайкум! Қалай, кайфиятлар яхшими? Ҳа, офарин, офарин. Қайнонанингизнинг сигирлари кўз ёрибди деб эшитдик, шу хушхабар ростми? О, тасанно! Муборак бўлсин. Омадли одамсизлар-да! Хайрият, эсон-омон кутулиб олибди. Энди бу новвосчаннинг ювиш маросимини қачон ташкил қиламиз? Ҳо, қойил, донишманд акам!.. (қора трубка жиринглайди). Акрам Каримович, бир минутга, узр (трубкани олиб чап қулоғига тутади). Алло, салом, салом. Ким керак эди? Ҳозир

айтаман. Ҳаммомми? Бўш номер борми? Ҳа, отангизга раҳмат (қора трубкага). Алло? Бўш номер бор экан. Арзимаёди. С лёгким паром! (қора ва яшил трубкаларни қўйиб, оқ трубкага) Акрам Каримович, шу кечирасизу бир маслаҳатли иш бор эди. Ҳалиги...

Шокиржон (ғижиниб телефонга мушт ўқталади). Аблах! (ташқарига отилади). Аэропорт! (соатига боқиб). Вақт тамом! Энди менга бари бир. Навбатимнинг келишини кутаман, эрталикнинг гамини ейман.

(«Алло, алло» тиниб, эшик тепасидаги қўнғироқ жиринглайди. Машинистка ичкарига кириб чиқади).

Машинистка (хона аҳлига). Еппасига кирасизлар экан.

Мавлонхўжаев (кирувчиларни ўтиришга ишора қилиб, трубкага). Ана шунақа дейсиз-да! (чайқалиб-чайқалиб кулади).

Ҳў, менга қаранг, Толиб Бурхонвич. Курортга югуришда бизни орқада қолдириб кетарсиз, дейман?! Ахир, ўзларининг киндик қонлари ҳам Қора денгиз соҳилларига тўкилган-ку (шарақлаб кулади, кўз ёшларини артади). Толиб Бурхонвич... (жиринглаган қора телефон трубкасини кўтаради, оқ телефонга).

Толиб Бурхонвич, кечирасиз, айн момент (қора трубкани чап қулоғига босиб). Алло? Ҳа, мен, мен. Салом, салом. Ким билан гаплашяпман, Алиев билан? Кечирасиз, қайси Алиев билан? Ие, вей, Нурмат Алиевич, яхшимисиз? Димоғлари чоғми? Бу дейман, юз сўмлик пулдай го-йиб бўлиб кетдингиз-ку а? Ҳа, дуруст, дуруст. Эшитаман, Нурмат Алиевич. Ҳм, ҳм, ҳм. Бўпти, айтмиз, илтимос қиламиз. Ҳўп, хўп. Сиз буюрсангиз аждарни тирик тутиб келишга ҳам розимиз. Ҳўп, сиз ҳам омон бўлинг (оқ трубкага). Толиб Бурхонвич, зерикмай ўтирибсизми? Ҳа, яхши (қора аппарат жиринглайди). Бошлиқ уни олиб чап қулоғига босади). Да, салом. Нима? Карвонсарой? Йўқ, янглиш тушибсиз. Бу жой карвонсарой эмас, идора. Трубкани қўймай туриб, ҳозир ҳожатингизни чиқариб юбораман. («Абонентлар рўйхати» китобини варақлайди. Сўнг трубкага). Алло, ўн етти-ю қирқ бир экан карвонсарой. Арзимаёди.

(Бошлиқ қора телефонни қўйиб, ўтирганларга назар ташлайди.)

Чол (бошлиққа талпиниб). Ўртоқ Мавлонхўжаев, қаттиқ илтимос, барака топкур, шунга қўл қўйиб юборсангиз. Эрталабдан бери ўтирибман...

Мавлонхўжаев. Сиз ўтирибсиз, отахон. Мен... мана, кўриб турибсиз, иш билан бандман (Оқ трубкани оғзига яқинлаштириб). Толиб Бурхонвич, трубкани қўймай туриб, кечаги айтганингизни ҳозир тўғрилаймиз (қора аппарат номерини таради). Ассалому алайкум. Кечирасиз, кимни безовта қилаяпман? Яхши, Эргашой Жумаевна бормилар? Илтимос, телефонга чақириб қўйсангиз. Ҳа, камол топинг, миннатдорман.. Ассалому алайкум, Эргашой Жумаевна. Қалайсиз? Олтинман? Жуда соз, опагинам, Эргашой Жумаевна, кичкина илтимос бор эди-да. Толиб Бурхонвичнинг анови масаласини тезроқ бир ёқлик қилиб беролмайсизми? Ҳа, раҳмат, офаринлар! Минг яшанг, опагинам. Ҳўп, хайр, бахтимизга ҳаммиша яшнаб юринг. Мўътабар Солибек Жумаевичга оташин салом айтасиз (қора трубкани жо-



Рассом М. Абдуллаев.

йига қўйиб, оқ трубкага). Толиб Бурҳонович, масалангиз ижобий ҳал. Айтмоқчи, кеча меҳмонда бўлиб телевизор кўрлмадик. «Пахтакор» нима бўлди? Ие, ие! Командани Азаймхон эшонга ўқитиб юборсакми дейман-да (кулади). Хўп, иш вақтида футбол ҳақида лақиллашиб ўтирсак яхши бўлмас. Боз устига қайта қуриш масаласи чирсиллаб турган бир паллада. Хўп, сиз ҳам саломат бўлинг (трубкани жўйига қўйиб).

Мавлонхўжаев (Оқ телефонни кўтариб номер таради). Ассалому алайкум, Қодир Деҳқонович. Мавлонхўжаев безовта қилаяпти. Қалай, сиҳат-саломат мисиз? Бизга худди ана шу керак (гапира туриб чолнинг қозигига ниманидир ёзади ва уни узатади). Унақа шошқалоқ бўлманг-да, отахон.

Чол. Хўп, умрингиз узок бўлсин (ташқарига йўналади).

Бошлиқ (трубкага). Йўқ, йўқ, сизга эмас, Қодир Деҳқонович, минбаъд сизга эмас, авф этасиз. Мўътабар Қодир Деҳқонович... (трубкага кафтини босиб, ўтирганларга). Кечирасизлар, бир минутга ҳоли қолдиринглар (кутувчилар ташқарига судралишади).

Мавлонхўжаев (трубкага). Қимматли Қодир Деҳқонович, чўлдан балиқ обкелишган. Утинаман, кечкурун бизнинг кулбаи вайронага қадам ранжида қилсангиз, бошимиз арши аълога етарди-да. Лаққа билан арманскийни арқоқ қилиб «тўқсасак», кўп сермазмун ва тўқ мағизли «материал» чиққан бўлармиди дейман-да. Бу хайрли тадбирни сидқидилдан амалга ошириб, савоботга ботаман, десагиз ҳам ўзингиз биласиз (кулади). Аслида сиз савобга зор ҳам эмассиз. Дўзахга бульдозер солдириб, ўрнига беҳиштнинг филиални қурдиришга ҳам қудратингиз етади. Жаннат эшигини Янгиқўрғон бозорининг қўш табақали дарвозасидай ланг очиб юборишга ҳам қодирсиз (кулади). Хўп, марҳаматингизни аямассиз, деган умиддаман. Ҳа, яшанг, минг бор ташаккур. Хўп, кўришгунча (трубкани қўйиб, кнопкани босади, остонада пайдо бўлган машинисткага). Чақиринг ановиларни.

Машинистка. Хўп (чиқади, кутувчиларга). Барча баравар кирасизлар экан.

(Кутувчилар киришади).

Мавлонхўжаев (аёлга). Эшитаман.

(Аёл қўрқа-писа сўзга оғиз ростлайди. Бошлиқ оқ аппарат трубкасини «ширқ» этказиб кўтаради. Аёл бир чўчиб тушади).

Мавлонхўжаев (номер териб трубкага). Алло!

Аёл (четга). Войдод, телефоннинг дастидан дод! Қани энди бирор марду майдон чиқса-ю, шу учала маховни «илдиз-пилдиз» билан суғуриб кўчага—ахлат яшигига улоқтирса!..

Шокиржон. Йўқ, чидолмайман, бардошим тугади! (ўрнидан туриб ташқарига отилади).

Мавлонхўжаев (орқасидан). Бунақа қилиқ маданиятга кирмайди (трубкага пуфлаб). Алло!

(Шокиржон қабулхонада тан-

МИТТИ ҲАЖВИЯЛАР

ЧОРАСИЗ ОШИҚ

Ўқишни яқинда битириб келган агроном йигит «зангори кема» ёнида куймаланаётган қизга тиз чўкиб, муҳаббат изҳор қилди:

— Сиз учун жонимни беришга ҳам тайёрман, Тошхон, хўп дея қолинг?

— Мен Азроил эмасман, жонингиз керак эмас, машинамга эҳтиёт қисм топиб берсангиз, розиман, — деб кулди қиз.

Ошиқ йигит: «Иложи йўқ», деди-да, бошини қашлаб жўнаб қолди.

ТИЛ ВА ДИЛ

Уйда хотини билан гижиллашиб чиққан йигит газсув сотаётган қоши-кўзи попукдай рус қизга танга ташлаб, ундов бармоғини кўрсатди:

— Один стакан, сладкийсидан. Сотувчи қиз стаканга сиропли сув қўйиб, назокат билан узатди.

Аламини кимдан олишни билмай турган йигит газсувдан хўплаб, қовоқ аридай гўнғиллади:

— Падарига лаънат, сув ҳам шунақа бемаза бўладими?!

Сулув қиз ширин табассум билан соф ўзбек тилида узр сўради:

— Бизлар берганини сотамиз-да, акажон, бир сафар кечира қолинг?

Ҳанг-манг бўлиб қолган йигит кўлидаги стаканни тушириб юборди.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

Миррих сайёрасидан келган учар ликопча Олмалиқ шаҳрига келиб қўнди. Кучли нур таратаётган сирли ликопча эшиги очилиб, ундан учта гаройиб жонзот тушди. Самовий келгиндиларнинг бўйи уч метр бўлиб, кўзлари учтадан эди. Улардан бири ҳамроҳларининг «ҳой-ҳой»ига қарамай, юзидан газ ниқобини олган эди, «шилқ» этиб йиқилиб, ҳушидан кетди. Жонзотлар момақалди роққа ўхшаган овозда сўкидиларда: «Бу ерда ҳаёт бўлиши мумкин эмас», деб шерикларини учар ликопчага олиб кирдилар ва осмонга парвоз қилдилар.

ҳо ўтирибди. Қаршидан бир ўспирин келади).

Ўспирин (ажабланиб). Ие, амаки, пешинда учардингиз-ку?

Шокиржон. Телефон деган маразнинг зулми туфайли эртага ҳам учиним гумон...

Ўспирин. Ҳм, тушунарли. Бизнинг Мавлонхўжаев учун тирик инсонга нисбатан ўлик буюмининг қадрини ортиқ. Трубкадан эшитилган овоз Мавлонхўжаев учун гўё подшонинг олий фармони! Шунинг учун, мана, нима қилиш керак? Мана (олдидаги аппарат гардишини айлангирди).

Ассалому алайкум, Полвонхўжа Мавлонхўжаев. Кечирасиз, хабарингиз бор. Командировкага

келганман. Қайтмоқчи эдим. Командировочнимни тасдиқлаб берсангиз, илтимос. Раҳмат. Ҳозир этиб бораман (Шокиржонга). Кирилинг.

(Шокиржон ичкарига кириб варақани пуфлаб-пуфлаб чиқади. Унинг орқасидан Мавлонхўжаев кўринади).

Мавлонхўжаев (койиниб). Тортинчоқлик ҳам эви билан-да, меҳмон. Камтарликнинг ҳам мезони бўлади.

Шокиржон. Ҳа, энди... Катта раҳмат.

Мавлонхўжаев (қўли кўксидан). Хўп, оқ йўл, ўртоқларга салом айтинг (орқасига қайтади. Дам ўтмай унинг овози



ЎЗ ГАЗИ БИЛАН

Доим тарозидан уриб қоладиган сотувчининг хотини туғруқхонадан чақалогини кўтариб чиқди.

ЛАТИФАЛАР

* * *

Афандининг келини шикоят қилиб қолди:

— Дадажон, неварангизни боғчага жойлаштириш учун бир жўра атлас олиб борган эдим, мудира опа: «Қанақа қолақ хотинсиз, ҳозир ҳаммаёқни атлас босиб кетганини билмайсизми, боринг, «қуруғи»дан ё импортнийсидан олиб келинг, деб ҳайдаб солди.

— Боғча мудирасининг паймонаси тўлганга ўхшайди, унга олти метр сурп обориб бера қолинг, — деди Афанди нафрат билан.

А. ИСОМИДДИНОВ



— Домлажон, «уч» қўйворақолинг, машинагизнинг баллонларини янгилаб бераман.

Ш. Субҳонов расми

келганман. Қайтмоқчи эдим. Командировочнимни тасдиқлаб берсангиз, илтимос. Раҳмат. Ҳозир этиб бораман (Шокиржонга). Кирилинг.

(Шокиржон ичкарига кириб варақани пуфлаб-пуфлаб чиқади. Унинг орқасидан Мавлонхўжаев кўринади).

Мавлонхўжаев (койиниб). Тортинчоқлик ҳам эви билан-да, меҳмон. Камтарликнинг ҳам мезони бўлади.

Шокиржон. Ҳа, энди... Катта раҳмат.

Мавлонхўжаев (қўли кўксидан). Хўп, оқ йўл, ўртоқларга салом айтинг (орқасига қайтади. Дам ўтмай унинг овози

эшитилади). Алло, қаердан бу?

Шокиржон (кулиб). Офандин! Сеҳржон экансиз.

Ўспирин. Бекорга «Телефонхўжа» дейишмайди-да.

Шокиржон. Телефонга бу қадар ўч раҳбарни биринчи марта кўришим.

Ўспирин. Телефонни хотинидан ҳам рашк қилади. Хотини: «Е мени денг, ё телефонни» деса, сира иккиланмасдан телефонни танлайди. Илож топса, оиласининг дастурхони атрофида ҳам ўзаро телефонда суҳбатлашса...

(Иккаласи хохлаб кулишади). Фарғона

* * *

«Қуда томон қалин ҳақиға икки минг пул, ўн қоп ун, беш қоп гуруч... бир яшиқ кир совун сўрабди. Кир совундан кўра анқонинг уруғини сўрамайсанми, ноинсоф!»

(Холлош холанинг қўшинисига ҳасрати).

* * *

«Қариганда ўз уйимга ўзим сиғмай қолдимми, десам, ҳар ким ўз жойини билиши керак, қарилар «Қариялар уйи»да, ёшлар «Ёшлар уйи»да яшаши керак деб, мени шу ерга ташлаб кетди. Ўзи қаримас эканми, оқпадар!»

(«Қариялар уйи»да ётган отанинг ҳасрати).

* * *

«Юлғичлиги» туфайли ўтириб чиққан Каккубоев номига оилавий ширкат тузиб, одамларнинг нонини туя қилаётир. Чунончи, магазиндан тухум олиб, устига «шапка» қўйиб пуллайпти. Унинг уйида товук тугул, каптар ҳам йўқлигини жуда яхши биламиз, шундай экан, тухумларни Каккубоевнинг ўзи туғаяптими?»

(Шикоятдан).

«Селитра еб семирган қовунтарвузлар ноинсоф деҳқонларнинг чўнтагини қапшайтириб, истеъмолчи меҳнаткашларнинг соғлигини поймол қилмоқда».

(Санинспекция ходими нутқидан).

* * *

«Тўйдан келаётсам денг, анови паст маҳалладаги Соқи пияннинг мияси анақароқ ўғли йиғлаб ўтирибди, ҳа Дўдивой, сени қайси хотинсиз ўтгур хафа қилди десам: «Дадам бошингни иккита қилиб қўяман, деб сўқинди», дейди. Кула-кула ўлибман».

(Кўёв тиллайвериб, қизини қаритиб қўйган аёлнинг гапи).

* * *


«Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади, шухратпараст амалдорлар халқ юзини ерга қаратади».

(Бобо деҳқон нутқидан).

* * *

«Газета билан пашшани ҳам, одамни ҳам ўлдирса бўлади. Масалан, мен бир вақтлар ўн нафар кишини газетага уриб, импарк билан йиқитиб, нариги дунёга жўнатганман».

(Имзосиз хат билан кўпларнинг ёстигини қуритган кимсанинг мақтаниши).



КРОССВОРД

ЭНИГА: 3. Усимлик тупини кўпайтириш усулларидан бири. 6. Металл буюмлари ҳунармандчилиги. 10. Ҳамфикрлик. 11. Сув қирғоғида ёки тоғ бағрида емирилиш натижасида ҳосил бўлган ғорсимон жой. 16. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 17. О. Еқубовнинг «Диёнат» романи қаҳрамони. 18. Тожикистоннинг Ҳисор тизмасидаги доvon. 19. Алишер Навоий ғазали билан ижро этиладиган классик кўшиқ. 20. Шафтоли нави. 22. Камчатка вилояти таркибидаги миллий округ. 23. Ўзбекистондаги вилоят. 24. От-улов абзали. 27. Сирдарё вилоятидаги ноҳия. 28. Ҳосил уюми. 31. Фарғона водийсидаги канал. 32. Эшкнинг юқори қисми.

БУЙИГА: 1. Адабий жанр. 2. Гражданилар уруши қаҳрамони. 4. Косибчилик асбоби. 5. Баъзи ўсимликларнинг игнасимон аъзоси. 7. XV асрда яшаб, ижод этган ўзбек шоири, ғазалнавис. 8. Автомобилнинг энергия манбаи. 9. Халқаро сиёсий бирлашма, дунё пролетариати гимни. 12. Ўзбек халқ эртакларидан бири. 13. Катта, тарашланмаган қаттиқ жинс. 14. Ун икки буржнинг бири. 15. Урта Осиёдаги тизма тоғ. 21. Жумҳуриятимиздаги вилоят маркази. 25. Отлиқ хабарчи. 26. Чанқовбосди миллий таом. 29. Қадимий узунлик ўлчови бирлиги. 30. Чўл гиёҳи.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

11-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Элликқалъа. 8. Дўмбира. 9. Андалиб, 11. Турна. 14. Ғолиб (Мирзо). 16. «Айламиш». 18. Парта. 19. Қошғарий (Маҳмуд). 20. Заррабин. 22. Брест. 24. «Бўтакўз». 25. Адлия. 29. Камол. 31. Душанба. 32. Воҳидов (Эркин). 33. Кисловодск.

БУЙИГА: 1. Олабуға. 2. Нитрат. 3. Аланга. 4. Чаканда. 6. Чўғири. 7. Фируза. 10. Ермат. 12. Бошқирд. 13. Станция. 15. Богот. 16. Ақраб. 17. Шероз. 18. Прага. 21. Марма. 23. Сунбул. 26. Дўрмон. 27. Рибалко. 28. Ленинск. 29. Кабиса. 30. Леонов.



САДОҚАТ

Баъзан ётиб ўйга толаман:
Мен инсоннинг кими бўламан —
Ҳатто очдан ўлар бўлсам ҳам
Ўз эгамни кутиб ўламаң...

Р. Нурибоев сурати

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Хоразм вилояти. Хонқа дорихонасининг мудираси Зайнаб Бобожонова дори тайёрляпти.

В. Жирнов сурати

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда Марказий газеталардан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 23.10.1989 й. Босишга рухсат этилди 24.11.89 й. P-12117. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли намуналар 16,8. Тиражи 142389. Вуьютма № 1797. А—130. Ваҳоси 35 т. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



Моҳир шолиторлар Ҳожи Матёқубов ва Матюсуф Абдуллаев.



Хоразм вилоятидаги «Богоғ» совхозида бу йил шолитордан мўл ҳосил олинди.

Ш. Иброхимов сурағлари

Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75233.



М. СОБИРОВ. Халқ эртаги асосида ишланган миниатюра.

С. ҚОРАБОВ. ЧОВГОН УЙИНИ.



М. СОБИРОВ. «МАЛИКАИ АЙЕР» достони мавзуида ишланган миниатюра.

